

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



БАРЧА ЙЎНАЛИШЛАР УЧУН

**Педагогнинг инновацион фаолиятини
ривожлантириш**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
МАЖМУА**



ТОШКЕНТ-2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

Барча йўналишлар учун

**“ПЕДАГОГНИНГ ИННОВАЦИОН
ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ”**

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент – 2019

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар: **Н.А. Муслимов**-педагогика фанлари доктори, профессор
М.Т.Мирсолиева- педагогика фанлари доктори.
Г.Н.Ибрагимова-педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори.
Р.Дж.Ишмухаммедов-катта ўқитувчи.
А.Б.Тўраев-катта ўқитувчи

Такризчилар: **Ж.О. Толипова**-педагогика фанлари доктори, профессор.
Д.М.Файзуллаева-педагогика фанлари номзоди, доцент

*Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2019 йил 30 августдаги
1/3.5.- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	7
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	17
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	20
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	143
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	167
VI. ГЛОССАРИЙ	174
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	184

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мустақиллик йиллари том маънода Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти истиқболини белгилаш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллашга интилиш йўлидаги кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш билан кечмоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, маҳаллий шарт-шароит, иқтисодий ва интеллектуал ресурсларни инобатга олган ҳолда жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислохотларнинг амалга оширилаётганлиги янгидан-янги ютуқларга эришишни таъминламоқда.

Замонавий талаблар инобатга олинган ҳолда, олий ўқув юртларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш йўналишлари бўйича қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг ўқув дастурларини мунтазам такомиллаштириб бориш ишларини ташкил этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири хисобланади.

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳоратларини оширишга ҳамда олий таълим соҳасида амалга оширилаётган қатъий ислохотлар мазмунини очиқ беришни мақсад қилади.

Олий таълим муассасалари педагоглари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида турли ихтисосликлар ўқитувчиларининг интеллектуал салоҳиятини ошириш, дунёқарашларини бойитишда уларни инновацион таълим технологиялари, ўқитишнинг янги, инновацион шакл, метод ва воситалари билан таништириш, педагогларда касбий компетентлик сифатлари ва креатив қобилият моҳияти билан яқиндан таништириш муҳим аҳамиятга эга. Малака ошириш тизимида педагог кадрларни замонавий инновацион таълим технологияларининг ташкилий, техник ва дидактик имкониятларидан хабардор бўлишлари, таълим амалиётида ўқитишнинг инновацион технологияларидан фойдаланиш, компетентлик сифатлари ва креативлик қобилиятини изчил ривожлантириб бориш кўникма-малакаларини ҳосил қилиш учун шароит яратиш қолмай, касбий фаолиятда улардан самарали фойдаланиш борасидаги малакаларининг мустаҳкамланишини ҳам таъминлайди.

Шунингдек, тингловчилар педагогик инновацияларни асослаш, яратиш ва амалиётга самарали татбиқ этиш йўлларида хабардор бўлади, инновацион характерга эга муаллифлик дастурларини ишлаб чиқиш малакаларини муваффақиятли ўзлаштиради. Бу эса ўз навбатида ўқитиш жараёнида талабаларнинг фаолликларини таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш, самарадорликни оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, инновацион фаолиятни ривожлантиришдаги муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш, шунингдек, уларда инновацион таълим технологиялари, ўқитишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари, педагогик компетентлик сифатлари ҳамда таълим жараёнини ташкил этишга креатив ёндашишга доир билимларини такомиллаштириш асосида улар томонидан инновацион ёндашув, педагогик компетентлик сифатлари ва креатив қобилиятнинг самарали ўзлаштирилиши учун зарур шарт-шароитни яратиш тўғрисида кўникма ва малакаларини таркиб

топтириш.

Модулнинг вазифалари:

- тингловчиларда инновацион характерга эга педагогик фаолиятни ташкил этиш;
- уларда педагогик жараёни самарали ташкил этишда креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари: кейс стади, лойихавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш, синергетик таълим ва портфолио технологияларидан ўринли, мақсадли фойдаланиш кўникма-малакаларини ривожлантириш;
- тингловчиларнинг ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш малакаларини такомиллаштириш;
- тингловчиларда педагогик компетентлик сифатларини янада ривожлантириш;
- ОТМ педагогларида ўқув машғулотлари, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишга креатив ёндашиш кўникма-малакаларини такомиллаштириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

ТИНГЛОВЧИ:

- таълим тизимидаги инновацион жараёнлар;
- таълим тизимини модернизациялашнинг назарий асослари;
- Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари;
- Инновацион жараёнларнинг кечиш босқичлари;
- Таълим сифатини оширишда ўқитувчининг инновацион фаолияти;
- Педагог касбий-инновацион компетентлиги;
- Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантиришига ёндашувлар ҳақидаги **билимларга эга бўлиши;**
- аниқлаштирилган ўқув мақсадларини шакллантириш;
- интерфаол таълим технологияларига асосланган ўқув машғулотларини лойиҳалаш ва режалаштириш;
- шахсга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;

- креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари: кейс стади, лойиҳавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш, синергетик таълим ва портфолио технологияларини олий таълим амалиётига самарали татбиқ этиш **кўникмаларини эгаллаши;**

- инновацион таълим технологиялари асосида ўқув жараёнини “жонли”, ижодий ташкил этиш;

- инновацион фаолиятни ташкил этиш;

- инновацион тафаккур юритиш орқали таълим жараёнида ижодий муҳитни яратиш;

- инновацион таълим технологияларининг оқилона танлаб олиш;

- мутахассислик билан боғлиқликда инновацион таълим технологияларини реал амалиёт билан уйғунлаштиришга эришиш;

- инновацион таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш **малакаларини эгаллаши;**

- педагогик инновацион фаолиятни самарали амалга ошириш;

- таълим жараёнининг инновацион характер касб этишини таъминлаш;

- креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари: кейс стади, лойиҳавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш, синергетик таълим ва портфолио технологияларига асосланган ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш;

- талабаларни изланишли-ижодий фаолиятга йўналтириш **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан

ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари кўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Таълимда илғор хорижий тажрибаларнинг қиёсий таҳлили”, “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ва ахборот майдонини лойиҳалаш”, “Таълимда илғор ахборот-коммуникация технологиялари”, “Педагогик жараённинг тизимли таҳлили”, “Педагогиканинг инновацион тараққиёт ва стратегиялари”, “Креатив педагогика асослари” каби модуллар билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар инновацион таълим технологияларини ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда кўллаш малакалари, педагогик компетентлик сифатлари ва креатив қобилиятга эга бўлади.

МОДУЛ БЎЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				Мустақил таълим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			
			Жами	Жумладан		
				Назарий	Амалий	
1.	Таълим сифатини оширишда ўқитувчининг инновацион фаолияти.	4	4	2	2	-
2.	Бакалавриат йўналишлари ва магистратура ихтисослари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методлари.	4	4	2	2	-
3.	Педагогнинг креативлиги инновацион таълимнинг муҳим омили сифатида.	4	4	2	2	-
4.	Педагогнинг инновацион фаолият натижаларини баҳолашга тизимли ёндашув.	2	2	-	2	-
Жами:		14	14	6	8	-

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Таълим сифатини оширишда ўқитувчининг инновацион фаолияти. (2 соат)

Педагогика ва касб-хунар бўйича муомала қилиш назарияси ва амалиёти. Таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти.

Инновацион жараёнлар ривожининг замонавий тенденциялари. Инновацион таълимда илғор хорижий тажрибалар интеграцияси. Кредит тизими. ECTS кредитлари: хусусиятлари ва тамойиллари.

2-мавзу: Бакалавриат йўналишлари ва магистратура ихтисослари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методлари. (2 соат)

Ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш. Ўқув машғулотларининг ҳар хил турларини ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий фикрлашни шакллантириш, мустақил ишларини ташкил этиш. Иқтидорли талабалар билан ишлаш.

3-мавзу: Педагогнинг креативлиги инновацион таълимнинг муҳим омили сифатида. (2 соат)

Педагогнинг креативлиги инновацион таълимнинг муҳим омили сифатида. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари: кейс стади, лойиҳавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш, синергетик таълим ва портфолио технологияларининг дидактик аҳамияти.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Таълим сифатини оширишда ўқитувчининг инновацион фаолияти. (2 соат)

Инновацион таълимда илғор хорижий тажрибалар интеграцияси. Кредитларни ҳисоблаш ва уларни ўқув фаолиятлари турлари, блоклар ва алоҳида фанлар бўйича тақсимлашда ўтиш коэффициентини аниқлаш. Жаҳон олий

таълим тизимида кредит тизими турлари. Кредит тизими таълим натижаларини кўрсатувчи ўлчов бирлиги сифатида. ECTS кредитлари. ECTSнинг асосий тамойиллари. ECTSнинг хусусиятлари. Кредитларни тақсимлаш ва ECTS ўқув режаларига ўтиш методикаси.

2-мавзу: Бакалавриат йўналишлари ва магистратура ихтисослари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методлари. (2 соат)

Ўқув машғулотларининг ҳар хил турларини ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий фикрлашни шакллантириш, мустақил ишларини ташкил этиш. Иқтидорли талабалар билан ишлаш.

3-мавзу: Педагогнинг креативлиги инновацион таълимнинг муҳим омили сифатида. (2 соат)

Педагог касбий-инновацион компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. “Компетентлик” тушунчасининг моҳияти. Касбий компетентлик. Касбий компетентлик сифатлари (ижтимоий компетентлик, махсус (психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив) компетентлик, шахсий компетентлик, технологик компетентлик, экстремал компетентлик. Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагог психологик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти.

4-мавзу: Педагогнинг инновацион фаолият натижаларини баҳолашга тизимли ёндашув. (2 соат)

Педагогнинг инновацион фаолият натижаларини баҳолашга тизимли ёндашув. Педагогик фаолият натижаларининг сифат индикаторлари. Педагогнинг мустақил ўзини-ўзи касбий ривожлантириш стратегиялари. Педагогик квалиметрия.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:
- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилатган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. –Т.: 2008.-176 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011. -440 б.
3. Каримов И.А. Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.
4. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
8. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 591 б.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 5106-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 4732-сон Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ- 5789-сонли Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сонли Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “ Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 декабрдаги “Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 351-сонли Қарори.

Махсус адабиётлар.

1. Толипов У.К., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: Фан, 2005. – 205 б.

2. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

3. Муслимов Н.А ва бошқалар. Педагогик компетентлик ва креатив асослари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 120 б.

4. Муслимов Н.А ва бошқалар. Web технология асосида электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 120 б.

5. Толипова Ж.О. Педагогик квалиметрия. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2015.
6. Зайцев В.С. Современные педагогические технологии: учебное пособие. – В 2-х книгах. – Книга 1. – Челябинск, ЧГПУ, 2012 – 411 с.
7. Зайцев В.С. Современные педагогические технологии: учебное пособие. – В 2-х книгах. – Книга 2. – Челябинск, ЧГПУ, 2012 – 496 с.
8. Педагогика в опорных конспектах и таблицах / сост. В.В. Базелюк, Р.С. Димухаметов, Т.Г. Пташко, С.В. Рослякова, Н.А. Соколова; под ред. д-ра пед. наук, проф. Р.С. Димухаметова; руководитель проекта профессор В.В. Латюшин. – Челябинск: Изд-во Челяб. гос. пед. ун-та, 2009. – 234 с.
9. Емельянова М.В., Журлова И.В., Савенко Т.Н. Основы педагогического мастерства: Курс лекций для студентов дневного и заочного отделений педагогического университета. – Мозырь: УО «МГПУ», 2005. – 150 с.
10. Неудахина, Н.А. Основы педагогического мастерства: учебное пособие / Н.А. Неудахина. – 2-е изд., перераб. и доп. – Барнаул: Изд-во АГАУ, 2009. – 209 с.
11. Яковлева Н.Ф. Я47 Проектная деятельность в образовательном учреждении [Электронный ресурс] учеб. пособие. – 2-е изд., стер. – М.: ФЛИНТА, 2014. - 144с.
12. Кох М. Н. Основы педагогики и андрагогики: учеб. пособие / М. Н. Кох, Т. Н. Пешкова. – Краснодар: КубГАУ, 2015. – 90 с.
13. Корниенко Е.Р. Педагогика: учебное пособие для иностранных студентов / Е.Р. Корниенко. – Архангельск: Изд-во Северного государственного медицинского университета, 2015. – 147 с.
14. Федоров А.В. Развитие медиакомпетентности и критического мышления студентов педагогического вуза. М.: Изд-во МОО ВПП ЮНЕСКО «Информация для всех», 2007. 616 с.
15. Компетентности педагога: теория и практика [Текст]: монография / А. А. Печеркина, Э. Э. Сыманюк, Е. Л. Умникова: Урал. гос. пед. ун-т. – Екатеринбург: [б.и.], 2011. – 233 с.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Ҳозирги вақтда таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий методлари кенг қўлланилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади.

Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига олиб келади. Бунинг учун ўқув машғулоти оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқиши, ўрганилаётган ўқув материалининг мазмунига мос равишда метод ва воситаларни танлаш орқали юқори самарадорликка эришиш мумкин. Таълим олувчиларни ўзлаштириш даражаси, амалий кўникма ва малакаларини интерфаол ёки интерактив таълим методлари орқали ривожлантириш мумкин.



Интерфаол методлар деганда-таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим-тарбия жараёнида талаба-талаба, талаба-ўқитувчи ҳамкорлигида юқори самарадорликка эришишга хизмат қиладиган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчинини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида фаол иштирок этади. Интерфаол таълим методлари асосида ташкил этилган машғулотларнинг фойдали жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиш-ўрганиш;
- таълим олувчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари ўзлаштирилган билимнинг ҳам эътиборга олинishi;

- таълим олувчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг кўллаб-қувватланиши;



- амалда бажариш орқали ўрганилиши;
- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.

Қуйида ўқув машғулотларда кенг қўлланиладиган интерфаол таълим методларининг мазмуни ва фойдаланиш босқичлари билан танишамиз.

“Ақлий хужум” методи - бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. “Ақлий хужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. “Ақлий хужум” методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

“Ақлий хужум” методидан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим олувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим олувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.

“Муаммоли вазият” методи - таълим олувчиларда муаммоли

вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.


“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. «Муаммоли вазият» методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар.

“Муаммоли вазият” методининг афзалликлари:

- таълим олувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантиради;
- таълим олувчилар муаммонинг сабаб, оқибат ва ечимларни топишни ўрганадилар;
- таълим олувчиларнинг билим ва қобилиятларини баҳолаш учун яхши имконият яратилади;
- таълим олувчилар фикр ва натижаларни таҳлил қилишни ўрганадилар.

“Венн диаграммаси” ГО талабаларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

“Венн диаграммаси” схемаси



III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-МАВЗУ: ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ЎҚИТУВЧИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ. (2 соат)

Режа:

1. Педагогика ва касб-хунар бўйича муомала қилиш назарияси ва амалиёти.
2. Таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти.
3. Инновацион жараёнлар ривожининг замонавий тенденциялари.
4. Инновацион таълимда илғор хорижий тажрибалар интеграцияси. Кредит тизими. ECTS кредитлари: хусусиятлари ва тамойиллари.

Таянч нушунчалар: модернизациялаш, таълим жараёнини модернизациялаш, технология, педагогик технология, технологиялаштириш, таълим жараёнини технологиялаштириш, тарбия жараёнини технологиялаштириш, инновация, новация, инновацион таълим технологиялари, инновацион жараён, таълимий инновацион жараён, таълимий инновацион жараён босқичлари.

1.1. Педагогика ва касб-хунар бўйича муомала қилиш назарияси ва амалиёти.

Жаҳонда олий таълим тизимида жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Таълим соҳасидан давлат монополиясидан воз кечиш, тижорат таълимини яратиш, жамият ҳаёти тузилишининг ўзгариши таълим хизматлари бозорига пайдо бўлиши олиб келди. Мазкур бозор ахборот бозори ва меҳнат бозори билан бир қаторда таълим соҳасига фаол таъсир кўрсатмоқда.

Иқтисодиёт ва жамиятнинг ахборотлаштирилиши, давлат ва хусусий корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатиш шароитларининг ўзгариши таълим хизматларига талаб кучайишига сабаб бўлди.

Таълимга *эҳтиёж* муайян касб-хунарни ўзлаштириш, маълум лавозимни эгаллаш, маълум даражада маълумот олиш, қўшимча малакани ўзлаштириш, жамиятда муайян ўринни эгаллаш, мансаб пиллапояларидан кўтарилиш истаги

билан белгиланади. Маълумот ҳозирги дунёда нуфузни белгиловчи омил сифатидагина эмас, балки ҳозирги ҳаёт яшаб қолиш воситаси сифатида ҳам қаралади. Таълим инсон капиталини такомиллаштириш ва ривожлантириш жараёни сифатида қаралиши мумкин. “Инсон капитали” тушунчасини биринчилардан бўлиб А.Смит илмий муомалага киритган. Бунда у “жамият аъзоларининг даромад олиш ҳуқуқини берувчи тўплаган билимлари ва кўникмалари”ни тушунган. Таълимнинг ички самарадорлиги: ўқиш даврида жорий эҳтиёжларнинг қондирилишида; маънавий ва маданий савиянинг ошишида; ақлий қобилиятларнинг ривожланишида; инсонга техника ва иқтисодийдаги ўзгаришларга тезроқ мослашишга кўмаклашувчи қобилиятларда; таълим муассасаларида илмий билимлар ҳажмининг ўсишида; одамларни профессионал ажратиш ва ижтимоий мақомига кўра саралашда намоён бўлади.

Мамлакатда таълим даражаси унинг меҳнат ресурси, иқтисодий салоҳияти, хавфсизлиги, ривожланиш имкониятларини белгилайди. Бу ерда гап аҳоли маълумот даражасининг ўсишидан бутун жамият кўрадиган самара ҳақида боради. Шундай қилиб, инсон ўз маълумот даражасини оширар экан, бундан нафақат ўзи наф кўради, балки жамиятга ҳам катта фойда келтиради. Бу таълим тизимига давлат томонидан дотацион мадад кўрсатилиши заруриятини белгилайди.

Таълим муассасалари таклифни шакллантирувчи, таълим хизматларини кўрсатувчи субъектлар сифатида амал қилади. Энг аввало олий ва ўрта мактаб таълим муассасаларига тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими яратилган. Олий таълим тизимида қуйидаги турдаги ўқув юртлари мавжуд: университет, академия, институт.

Университетлар таълим, фан ва маданиятни фундаментал илмий тадқиқотлар олиб бориш, олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг барча даражаларида таълим бериш йўли билан ривожлантирадилар. Улар таълимни ривожлантиришнинг етакчи марказлари ҳисобланади.

Академиялар асосан фан, техника ва маданиятнинг бир соҳасида фаолият

кўрсатади, ўз фаолият соҳасида етакчи илмий-методик марказ ҳисобланади. Улар олий малакали мутахассислар тайёрлайди ва муайян тармоқ (тармоқлар гуруҳи) учун раҳбар кадрларни қайта тайёрлайди.

Институтлар мустақил ўқув юртлири сифатида ёки университетлар, академиялар, институтларнинг таркибий бўлинмалари сифатида фан, техника ва маданиятнинг бир қанча йўналишларида базавийдан паст бўлмаган даражада касб-хунар таълими дастурларини амалга оширадилар ва илмий тадқиқотлар ўтказадилар.

Таълим соҳасида давлат бажарадиган махсус функцияларни бошқа субъектлар зарур миқёсда бажаришга қодир эмас. Ривожланган мамлакатлар (масалан, АҚШ) да федерал таълим органларининг бош вазифаси ижтимоий таълим институтлари хусусида жамоатчиликнинг ижобий фикрини ("public relations"), мазкур институтларнинг ижобий имиджини яратиш ва қувватлашдир (шу жумладан аҳоли ва иш берувчилар ўртасида).

Бутун дунёда давлат таълим соҳасини маблағ билан таъминлайди (энг аввало унинг фундаменталлашуви ва инсонпарварлашуви йўналишида) ва бошқа субъектларнинг мазкур соҳага узоқ муддатли инвестициялари учун кафолатлар беради, устувор ихтисосликларни, мутахассислар тайёрлаш шакллари ва усулларини таъминлаш, таълимни ривожлантириш мақсадида солиқ имтиёзларини ва бозорни тартибга солишнинг бошқа шакллари қўллайди. Давлат таълим муассасаларида ўргатиладиган касблар ва ихтисосликларнинг рўйхатларини белгилайди, таълим хизматларининг базавий ассортиментини шакллантиради. У таълим муассасаларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказишни амалга оширади, таълим хизматлари сифатини, унинг таълим стандартларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таълим тизими учун педагогик ва бошқарув кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш ҳам юклатилган. Ривожланган мамлакатларда таълим соҳасига инвестициялар ўта ишончли ва фойдали эканлигига шак-шубҳа билдирилмайди. Америкалик мутахассисларнинг баҳолашларича, таълим тизимида 1 доллар харажат 3-6

доллар миқдорида даромад олиш имкониятини беради. Таълим, айниқса олий таълим маданият билан узвийдир. Таълим хизматларига талаб маданият даражаси билан бевосита боғлиқ. Бунда маданият даражаси қанча юқори бўлса, янги билимлар ва қўшимча маълумотга эҳтиёж шунча кучли бўлади. Маданий даражанинг ўсишига мос равишда истеъмолчи ўзининг таълим соҳасидаги эҳтиёжларини қондиришга онгли равишда йўналтирувчи бюджетдаги харажатлар улуши ҳам кўпаяди.

Шундай қилиб, таълимнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий мазмуни мавжудлиги тўғрисида сўз юритиш мумкин. Бунда таълимнинг иқтисодий табиати инсонда унга келажакда ўз меҳнатини яхши пулга сотиш, жамиятга эса-одамларнинг янги билим ва кўникмаларидан фойдаланиб меҳнат унумдорлигини ошириш ва янада сифатлироқ маҳсулот олиш имкониятини берадиган таълим капиталининг шаклланишида намоён бўлади. Таълим иқтисодий мазмунининг мазкур талқини унинг инвестицион товар сифатидаги талқинига зид келмайди, чунки у келажакда ўзини оқлайдиган инвестицияларни талаб этади.

Таълимнинг ижтимоий мазмуни одамларда ижтимоий муносабатлар кўникмаларини тарбиялаши, шахснинг ижтимоийлашувига кўмаклашиши, жамият мақсадларига зиён етказмасдан ўз мақсадларига эришиш, индивидуал, коллектив ва ижтимоий манфаатларни мувофиқлаштириш кўникмаларини шакллантиришида намоён бўлади.

Ниҳоят, таълимнинг маданий мазмуни шахс ва жамият маънавий қадриятларининг шаклланишида, кишиларда ҳаёт фаолияти маънавий принциплари, ахлоқий нуқтаи назарнинг ривожланишида намоён бўлади.

Таълим – шахс қиммати ни ошириш	⇒	Бевосита таълим Тарбия Маърифат	⇒	Шахс касбий салоҳияти Ижтимоий салоҳияти Маънавий салоҳияти	⇒	Миллат инсон капитал и
---------------------------------	---	---------------------------------	---	---	---	------------------------

1-расм. Олий ва касб-ҳунар таълими хизматларининг мазмуни

Бошқача айтганда, таълим ўзаро боғланган уч жараён-*таълим* (билим бериш ва касбий маҳоратни шакллантириш), *тарбия ва маърифат*нинг бирлиги сифатида қаралиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, таълим хизмати тушунчасининг мазмунини аҳолига таълим, тарбия ва маърифат бериш билан боғлиқ бўлган, шахснинг касбий, ижтимоий ва маънавий салоҳиятини ҳамда жамият (миллат)нинг инсоний капиталини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган хизматлар мажмуи сифатида тавсифлаш мумкин. Таълим хизматининг мазкур талқини олий касб-хунар таълими доирасида тўлақонли рўёбга чиқарилади. Бу ерда *таълим*-тахсил олувчининг касбий маҳоратини шакллантириш билан, тарбия-ижтимоийлашув кўникмаларини шакллантириш билан, *маърифат*-шахснинг маънавий ўзлигини юксалтириш билан боғлиқ. Таълимнинг бу уч йўналиши миллий бойлик сифатидаги инсон капиталининг шаклланишига кўмаклашади. Кўпгина ривожланган мамлакатлар учун инсон капиталини ривожлантириш концепцияси қабул қилинган давр янги жамият шаклланган, асосий маҳсулот ахборот ва билим саналган билимлар иқтисодиёти ривожланган давр билан мос келади.

Ўзбекистон Республикаси бутун жаҳон билан юзма-юз бўлаётган бир даврда унинг иқтисодий, сиёсий, маънавий юксалишини таъминловчи, ёшларнинг асосий Конституциявий ҳуқуқларидан бири бўлган ҳар бир кишининг ахлоқий-амалий имкониятларини рўёбга чиқариш, ижодий қобилиятларини намоён этиш, ўзи хоҳлаган касб танлаш, уни мукамал эгаллаб, шу соҳада фаолият кўрсатиш учун моддий-маънавий, тарбиявий-дидактик шарт-шароит яратиш, истиқлол мафкурасини ўзлаштирган мутахассис тайёрлаш, унда тарбиячилик санъати ва маҳоратини шакллантиришдан иборат.

Касбга хунарга йўналтиришнинг назарий аспекти касб фаолиятининг барча томонлари тўғрисидаги чуқур билимларнинг шаклланишини, шу билимларга таянган ҳолда таълим олишни, назарий билимларни амалиётга татбиқ этиш ва бунинг акси бўлган амалиётнинг натижаларини назарияга кўчириш йўлларини ўрганишни назарда тутди. Амалий аспекти эса, эгаллаган билимларни ҳаётий фаолиятнинг маълум бир соҳасида қўллашни ўрганишдан иборатдир.

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсоннинг интеллектуал ва маънавий ахлоқий тарбияси билан узвий боғлиқ равишда узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама ривожланган шахсни таркиб топтиришни кўзда тутади.

Шахс таълим хизматларининг истеъмолчиси сифатида давлат томонидан сифатли таълим ва касбий тайёргарлик олишга кафолатланган.

Шахс таълим хизматларининг яратувчиси сифатида тегишли малака даражасини олгач, таълим, моддий ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатади ва ўз билими ва тажрибасини ўргатишда иштирок этади.

Ўзбекистонда рақобатбардош иқтисодий ташкил этиш масалани ечишда *Кадрлар миллий модели* асос бўлиб, ҳисобланади. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

Шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг асосий субъекти ва объекти, таълим хизматини талаб этувчи ҳамда амалга оширувчи;

Давлат ва жамият-таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими фаолияти кўрсатишини назорат қилиш ҳамда иш олиб боришининг бошқаришни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларга талабгорлик кафолати;

Узлуксиз таълим-ўз таркибига барча таълим турини, давлат таълим стандартларини, фаолият кўрсатиш тузилмаси ва муҳитини олган малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш асоси;

Фан-юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва талаб этувчи, илғор педагогик ва информацион технологияларни ишлаб чиқарувчи;

Ишлаб чиқариш-кадрларга бўлган талабни, шунингдек, улар тайёрланганлик сифат ва даражасига талабни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимларини молиялаш ва моддий-техник таъминлаш иштирокчиси.

Педагогик жараённинг асосий функциялари (таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи). Мақсад асосида таълим ва тарбиянинг мазмуни белгиланади. Ўқитувчи ўқувчи-талабанинг билиш фаолиятларини ташкил қилиш

мақсадида ўқув ишларини олиб борар экан, аввало таълим жараёни орқали уч вазифани ҳал қилиши унутмаслиги керак.

- **Таълимий мақсад**-ўқув материалларининг мазмунини билиш, яъни ушбу фанга тегишли илмий билимларни ўзлаштириш ва амалиётга тадбиқ қила олишдир.

- **Тарбиявий мақсад**-фан асосларини ўзлаштириш орқали унинг мазмунида ётган ғоялар, дунёқарашлар таъсирида ўзининг шахсий сифатларини шакллантиришдир.

- **Ривожлантирувчи мақсад**-таълим жараёнини таъсирида шахснинг ақлий камолотини билиш қобилиятини, ўқишга, меҳнатга бўлган муносабатини ривожлантиришдан иборат.

Ҳар қандай дидактик жараёнда мотив ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Мотивларгина ўқувчиларни таълим жараёнига қизиқтиради, унинг шахсий қизиқишларини ички эҳтиёжга айлантиради. Албатта мотивларни ҳосил қилиш ва унга ўқувчи қизиқишини кам ёки кўп бўлиши ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ. Таълим турли босқичларда амалга ошади. *Биринчи босқич*-ўқув материалларини идрок қилишдан иборат. Бунда талаба таълимнинг мазмуни билан танишиб, ўзининг билиш вазифалари нималардан иборат эканини тушуниб олади. Бунда сезги, идрок, тасаввур каби жараёнлар фаол иштирок этади. *Иккинчи босқич*-улар ўқув материалларини тушуниб оладилар, унинг моҳиятини англайдилар ва умумлаштирадилар. Натижада уларда янги билимлар пайдо бўлади. Бунинг учун улар анализ, синтез, таққослаш, хулоса чиқаришдан фойдаланадилар. *Учинчи босқич*-янги билимлар, машқлар, мустақил ишлар, ўқитувчининг қўшимча изоҳлари орқали мустаҳкамланади. *Туртинчи босқичда*-улар ўзлаштириб олган билимларини имкониятга қараб амалиётга тадбиқ қиладилар.

Таълимда фақат қизиқишга таяниб қолиш ҳам мотивациянинг асосли самараси бўла олмайди. Бунда энг муҳим самарали усул мотивацион-муаммоли вазиятларни қуйиш ёки ўрганилаётган предметнинг ижтимоий моҳиятини акс эттирадиган махсус билишга оид вазифаларнинг қўйилишидир.

Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ўқитувчида ўз касбига лаёқат бўлиши лозим. Лаёқатлилиқ педагогик меҳнатни муваффақиятли бажаришга қодир бўлишдир. Бу аввало, педагогик касбнинг ижтимоий роли ва заруриятини яққол тасаввур қила олишида кўринади. Бундан ташқари ўқитувчи, ўқувчига ўз фаолиятининг объекти сифатида қизиқиб қараши, унинг эҳтиёж ва хусусиятларини тушуна билиши лозим.

Қуйидагилар мутахассиснинг педагогик тайёрланганлигининг зарур ва етарли даражасини таъминлайдиган асосий талаблар ҳисобланади:

1. Дарс бериш маҳорати.
2. Тарбиялаш маҳорати
3. Ўқув-тарбия жараёнида гуманитар омилни таъминлайдиган шахсий сифатлари;
4. Таълим оловчиларнинг билимларини ҳолисона назорат қилиш ва баҳолаш маҳорати.

ДАРС БЕРИШ МАҲОРАТИ:

- Касбий лаёқат ва эрудиция;
- Психологик-педагогик тайёргарлик;
- Таълим оловчиларни мустақил фикрлаш ва янги билимлар олишга ўргатиш маҳорати;
- Ўқув адабиётлари шакллари ва турларини билиш;
- Янги педагогик ва ахборот технологияларини эгалланганлик, интернетнинг глобал тармоғи билан ишлаш бўйича амалий кўникмалар;
- Педагог кадрлар малакасини оширишнинг асосий шакллари билиш;
- Илмий-педагогик ижодиёт методологиясини билиш;
- Педагогика фани ва соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини билиш;
- Фанлараро алоқалардан фойдаланиш маҳорати;
- Риторика ва нотиклик санъати асосларини билиш;
- (Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”даги вазифаларни ҳамда узлуксиз

таълим тизимининг асосий атамалари ва тушунчаларини билиш.

Тарбиялаш маҳорати-ўқитиш ва тарбиялаш жараёнининг боғлиқлиги, уйғун ривожланган шахсни шакллантиришга, уларда юксак маданий ва маънавий савияси қарор топтиришга, педагогнинг юксак шахсий сифатларига. Унинг ватанпарварлик, обрў ва бурчни ҳис этишга, кенг гуманитар ва гуманистик тайёрлигига, шунингдек ўқувчилар ўртасида тарбиявий ишларни ташкил этишнинг амалий кўникмаларига асосланади. Педагогнинг ўқув-тарбиявий жараёндаги гуманитар омилни белгилайдиган шахсий сифатларига қуйидагилар қиради: талабчанлик, ҳаққонийлик, ҳалоллик, меҳрибонлик, хушмомалалик. Ушбу сифатлар педагогнинг таълим олувчилар учун аҳамиятини белгилаши керак. Шахсий сифатлар ўқитиш ва тарбиялаш маҳоратига таъсир кўрсатади.

Таълим олувчиларнинг билимларини холисона назорат қилиш ва баҳолаш маҳорати-психологик педагогик жиҳатдан ўқитиш ва тарбиялаш маҳорати билан узвий боғлиқдир. Педагог таълим олувчиларнинг билимлари ва маҳоратларини холисона баҳолаш принциплари, методлари ва механизмларини билиши, стандартлаштирилган тестларни ишлаб чиқиш, таълим олувчиларнинг ўзлаштиришини назорат қилишнинг турли шакллари самарали қўллаш маҳоратига эга бўлиши керак.

Ўқитувчидаги зарурий ижтимоий кўникмалар қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- Ўз-ўзини намоён қилиш;
- Бошқа одамлар билан ижтимоий мулоқотда бўлиш;
- Ўз устида тинимсиз ишлаш;
- Вазиятни баҳолаш ва муаммоларни ечиш кўникмасига эга бўлиш;
- Ташкилотчилик, ижодий ёндашув;
- Бошқарув кўникмасига эга бўлиш.

Таълим сифатини ўзгартиришда ўқитувчининг роли

1. Ташкилотчи-ижтимоий педагог: ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлайди.

2. Синф етакчиси-синфда ижобий психологик муҳит яратади ва таъсир

кўрсатади;

3. Методист-таълим жараёнида ўқувчиларнинг муаммони ечишда ёрдам беради ва қўллаб қуватлайди.;

4. Файласуф-билим ва тажрибаларни таҳлил қилади, ўз қарашларини асослайди;

5. Тажрибали яқин дўст ўқувчилар олдидаги тўсиқ ва муаммоларни бартараф этишга ёрдам беради;

6. Тадқиқотчи-новатор-янгилик яратувчи-мунтазам равишда ўз устида ишлайди, янги ғоялар яратади, татбиқ этади;

7. Ўқув жараёнини раҳбари ва уни рағбатлантирувчи-мақсадга этиш воситалари, истиқболини назарда тутаяди, ўқитиш услубларини танлайди, ўқувчиларни ўқишга ўргатади, ижодий ёндашади;

8. Ўзаро таъсир кўрсатувчи-жамоа бўлиб ишлай олади ва ишлашга ўргатади;

9. Маслаҳатчи- шахсий намунасини ўргатади;

10. Тарбиячи-ўқувчиларга жисмонан, ақлий ва маънавий томондан ривожланишларига ёрдам беради;

11. Психолог-ўзини яхши билади ва тушунади;

12. Ўзгаришларга йўналтирувчи-ўқувчиларни ҳаётини кўникмаларини яхшилашга ёрдам беради;

13. Маълумотларни тақсимловчи-ўқувчиларга асосий янги маълумотларни етказаяди ва амалиётга татбиқ этишга ўргатади.

Ўқитувчи ўқув жараёнида маслаҳатчи:

– ўқувчиларга кўникмаларини ўқиш жараёнида ривожлантиришга ёрдам беради;

– турли хил йўналишдаги режа (стратегия)ларни қандай қўллаш кераклиги бўйича маслаҳат беради;

– фаол қайта алоқани таъминлайди;

– ноанъанавий усуллар билан ўқувчиларнинг ҳаракатларини қўллаш ва мустаҳкамлайди;

- ўқув фаолиятидаги қийинчиликларни енгишга ёрдам беради;
- ўқув фаолиятини индивидуаллаштиришга ёрдам беради;
- ўқувчиларнинг ўқув жараёнидаги эҳтиёжларини таҳлил қилади.

Ўқитувчи-янгилик киритувчи:

- янгиликларни, айниқса ўзга давлатлардан кириб келаётганларини фарқлайди ва тушуниб етади;

- янгиликларни таҳлил қила олишга лаёқатли;

- янгиликларни турли хил вазиятларда қўлланилади ва камчиликларини тўғрилайди;

- ўз педагогик амалиётида янгиликлардан ижодкорона фойдалана олишга лаёқатли.

Ўқитувчининг вазифалари

1. *Модератор*-таълим мазмунини яратувчи, модулларини ишлаб чиқувчи.
2. *Тренер*-ўқувчиларнинг кўникмаларини ривожлантирувчи машқлар ўтказувчи махсус тайёргарликдан ўтган мутахассис.
3. *Тьютор*-масофадан ўқитишда стурларининг яратувчиси ва бажарилишини таъминловчи.
4. *Ментор*-устоз, ўргатувчи (якка ва гуруҳли тартибда).
5. *Коуч*-таълим олувчиларнинг тўлиқ ўзлаштиришлари учун ёрдам кўрсатувчи репетитор, инструктор, тренер. Амалиёт давомида амалий машғулоти олиб боради, иш жараёнини назорат қилувчи, кузатувчи. (Коучинг-имтиҳонларга ёки спорт бўйича тайёргарлик кўриш).
6. *Лектор*-назарий маълумотлар билан таништирувчи.
7. *Эксперт*-кузатиш, таҳлил, текшириш, хулоса, тавсия, таклиф, мулоҳаза билдириш.
8. *Инноватор*-янгиликларни итаълим мазмуни ва машғулотлар жараёнига жорий қилувчи.
9. *Спектер*-кузатиш, таҳлил қилиш ва хулосаларни баён қилиш.
10. *Ассистент*-машғулоти учун тайёрланган воситаларни амалда қўллашга тайёрлаш, машғулоти иштирокчиларига ёрдам кўрсатиб туриш.

11. *Секретарь*-зарур маълумотларни ёзиб бориш, тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш, ўрнатилган тартибда сақлаш.

12. *Технолог*-педагогик технология мутахассиси. Замонавий педагогик технологиялар асосидаги дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиб боради.

13. *Методист*-таълим-тарбия методлари бўйича мутахассис.

14. *Фасилитатор*- инглизча сўздан олинган бўлиб, “ёрдам берувчи”, “енгиллаштирувчи” деган маънони англатади. Таълим-тарбия мақсадига эришишни осонлаштириш учун ўқувчиларнинг самарали ҳамкорлигини шакллантиради

15. *Менежер*- ўқувчиларнинг имкониятлари ва эҳтиёжларини ўрганиш натижасида таълим-тарбия жараёни стратегиясини ишлаб чиқади ва жараёни бошқаради.

16. *Эксперт*-аниқ мавзу, масала бўйича ҳакамлик қилади. БКМ даражасини белгилашда ёрдам беради.

17. *Маслаҳатчи*- ўқувчиларнинг тажрибасига асосланган ҳолда билим беради, мавҳум ўринларни аниқлаштиришда ёрдам кўрсатади.

1.2. Таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти.

Талабаларни ўйлашга мажбурлаш стратегияси синф хона малакасининг сифатини асосий пойдеворидир. Талабалар эътиборини дарс жараёнига қаратиш учун ўтилаётган материал уларнинг ижтимоий ҳаётига алоқадор бўлиши лозим. Талабаларни қизиқишини орттириш учун ўқитувчидан алоҳида қобилият талаб этилади.

Талабаларни математик синус кансепсияларини ўқитиш жараёнида ўқитувчи цатицик маълумотларга таяниши лозим. Тўлқин шакллари анализ қилиш учун математик мутахассис ўқитувчи Гаваи оролидаги Мауна Лоа вулқонидан карбон икки оксиди кўрсаткичларини интернетдан сақлаб олишни талабарга вазифа қилиб беради. Карбон икки оксиди кўтарилиш ва тушиш даражалари фаслий бўлиб синусли графикларни яратади аммо 1950-йилдан бери

Мауна Лоада ўлчангани каби атмосферада газ кўтарилиш даражаси бир хил равишда узликсиз юз бермоқда.

Бу дарсда математика дарсига узвий таалуқли ва алоқадор. Талабалар синусли функциялар модели бўйича тенглама туздилар ва келажакдаги карбон икки оксиди даражасини башорат қилдилар. Мазкур жараёнда юқоридаги талабалар атмосферани қай даражада ўзгариши ҳақида фикр юритишди.

Тилнинг кичик фарқларини анализ қилиш учун малакали ўқиш ўқитувчиси дарсга алоқадор бўлган газета бўлақлари ёки журнал сарлавҳаларидан фойдаланишади. Бу турдаги ўқитувчилар мураккаб формали цруктураларни ўзининг тиришқоқ талабалари билан мувоффақиятли амалга оширишади ва талабаларни қизиқтириш ва уларнинг чуқур ўзлаштирилиши мантиқий саволлар орқали амалга оширилади. Шунингдек, ўқитувчилар талабаларининг дунёқарашига қараб ижтимоий билимлар ва кундакик янгиликларига мос келадиган мавзулар бўйича сиёсий карикатуралардан фойдаланишлари мумкин.

Талабага марказлашган синф хоналарида талабалар биргаликда дарснинг муҳим элементлари ва ўзларининг ҳали англаб етмаган билимларини англаб олишади.

Хулоса қилиб айтганда мавзу тайёр бўлган ҳолда бир вақтнинг ўзида анализ, синтез ва ҳурсандчилик қилиш билим олиш жараёнининг моҳирона жамланмасидир.

Талабаларни дарсга жалб этишни ошириш учун баҳолашда бир қанча ўзгартиришлар киритиш лозим бунинг учун эса Олий ўқув юртларида бадий адабиётдаги икки хил асарни анализ қилгандан кўра уларга солиштириш ва фарқлаш ёзув маҳоратлари ўқитилиши лозим.

Солиштириш ва фарқлаш ёзув маҳоратини ўқитадиган ҳар бир ўқитувчи унинг қай даражада мураккаблигини билади айниқса мавзу талабаларнинг қизиқишларига тўғри келмаса техник табиати ўқитиш ва талабаларнинг ўйлаш қобилиятларини бошқариш ва ўқитиш орқали тартибга солинади. Бу турдаги мураккаб ёзув баҳолаш бажариладигам машқларга ҳеч қандай қўшимча вақт қўшмайди, аммо, бу турдаги назариялар талабаларнинг солиштириш ва фарқлаш

қобилиятларини кенгайтишига олиб келади.

Агар ўқитувчи ҳақиқатдан ҳам талабаларни фикрлашини истаса у талабалар ижтимоий ҳаётига боғлиқ бўлган руҳлантирувчи қўшимча куч ва ғайрат бағишловчи материалларни топиши лозим. Қачонки ўқитувчилар ўқувчиларни фикрлашга мажбур қилса талабалар уйларига нафақат ўзлари истаган қобилиятлар ва кенг дунёқараш билан қайтиб кетишади. Бунинг учун эса алоқадор материаллар ўқув жараёнини сифатини оширади.¹

Ўқитувчиларнинг педагогик-психологик тайёргарлигини таркиб топтириш парадигмалари. Педагогик парадигма (юнонча “paradeigma” – мисол, намуна) – педагогика фани ривожининг маълум босқичида таълимий ва тарбиявий муаммоларни ҳал этиш намунаси (моделли, стандарти) сифатида илмий педагогик ҳамжамият томонидан эътироф этилган назарий ҳамда методологик кўрсатмалар тўплами бўлиб, у таълимнинг концептуал модели сифатида қўлланилади

Ўзбекистон психологлари тадқиқотларида ўқитувчи касби масаласи. Ўқитувчи кадрлар касбий сифатларининг муҳим жиҳатларини ўрганиш ва уни илмий жиҳатдан асослаш мустақиллик йилларида педагогика фанларининг ҳам устувор вазифасига айланди. Жумладан, кейинги йилларда мазкур муаммо бўйича Б.Н.Сирлиев, Ю.М.Асадов, Ш.Ф.Сапаров, Д.Н.Арзиқулов, С.Лашин, М.Ю.Махкамова, Н.Д.Махмудова, Г.И. Махмутова, Г.Н.Нажмиддинова, Р.У.Нуржонова, Д.Ш.Олимова, М.Очилов, Б.Х.Рахимов, Р.Ф.Сафарова, М.Қуронов, Н.М.Ўринова, С.Усмонов, Т.Ғаффорова, О.Қ.Ҳайдароваларнинг амалга оширган тажрибалари эътиборга лойиқдир.

Ўқитувчилар касбий муҳим сифатларининг турли психологик жабҳаларини ўрганиш кейинги йилларда психология ҳам фанининг кенг тадқиқот объектига айланиб бормоқда. Бу соҳада М.Г Давлетшин, Э.Ғ. Ғозиев, В.М. Каримова, Б.Р.Қодиров, Ғ.Б.Шоумаров, Р.З.Ғайнутдинов, А.М. Жабборов, В.А.Токарева, Ш.Р.Баротов, З.Т.Нишонова, Р.И.Суннатова, Н.С.Сафоев, Ғ.Бердиев, Б.Т.Гаппиров, С.Х.Джалилова, М.Қоплонова, М.М.Мавланов, Н.М.Мажидов,

¹ Navigating the new pedagogy: six principles that transform teaching/Jeff Halstead, United Kingdom, 2011 – 20-21 p.

А.М.Машкуров, Н.Х.Мураталиева, Х.А.Рухиева, Ш.А.Эшметов, К.Б.Қодиров, Э.А.Хидиров ва бошқалар томонидан олиб борилаётган психологик тадқиқотлар диққатга сазовордир.

Психолог олим М.Г. Давлетшин тадқиқот натижаларига таянган ҳолда замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси ҳақида қимматли маълумотларни тақдим этади. Унинг фикрича, замонавий ўқитувчининг шахсий ва касбий сифатлари унинг касбий тайёргарлиги ва меҳнат фаолияти давомида узлуксиз ривожланиб, такомиллашиб боради.

М.Г.Давлетшин ҳозирги таълим жараёнида замонавий педагогда муаллимнинг шахсига, касбига хос хислат ва фазилатларнинг мужассам бўлиши, улардан ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида ўринли, меъёрида фойдалана олиш зарурлигини назарда тутди. Улар: 1) ўқитувчининг шахсий хислатлари, 2) касбий билими, 3) касбий хислатлари, 4) шахсий педагогик уддабуронлиги, 5) ташкилотчилик малакалари, 6) коммуникатив малакалари, 7) гностик малакалари, 8) ижодий хислатлари эканлигини кўрсатиб ўтади. Шу билан бир қаторда, олимнинг таъкидлашича, ўқитувчи ўз фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш учун педагогик қобилиятларнинг муҳим компонентлари: 1) дидактик қобилият, 2) академик қобилият, 3) перцептив қобилият, 4) нутқ қобилияти, 5) ташкилотчилик қобилияти, 6) авторитар қобилият, 7) коммуникатив қобилият, 8) педагогик ижодий хаёл, 9) диққатни тақсимлай олиш қобилиятини эгаллаган бўлиши шарт. Олимнинг мулоҳазаларига кўра, булардан ташқари яна ўқитувчининг эзгу мақсад сари интилиши, меҳнатсеварлиги, қатъийлиги, камтарлиги, ҳақгўйлиги, садоқатли бўлиши, намунали хулқи, юриш туриши, ўзини тута билиши, ташқи қиёфаси, хуллас, унинг миллий ва умуминсоний ахлоқ меъёрларига мос келувчи сифат ҳамда фазилатларни эгаллаши унинг ўз касбий фаолиятига тайёрлиги ва ўқув-тарбия жараёни самарасини таъминловчи муҳим омиллар эканлигини эътироф этади.

Психолог олим Э.Ғ.Ғозиевнинг олий таълим муассасаларида бўлгуси ўқитувчилар касбий тайёргарлигининг долзарб муаммолари бўйича олиб борган тадқиқотлари таҳлилларига кўра, касбий тайёргарликнинг сифати асосан учта

муҳим омилга боғлиқдир:

1. Талабалар томонидан ўзлаштирилган билимлар ва кўникмаларнинг пухталиги, барқарорлиги ва мустаҳкамлигига;

2. Ўқув ва тарбиявий ишларни оқилона ташкил этиш ва назорат қилиш сифатига;

3. Талабаларни мустақил (фаол ва ижодий) равишда оқилона билим олишга ўргатиш ва бу соҳада муайян маслаҳатлар, тавсиялар бериб боришга.

Олимнинг таъкидлашича, олий таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга хизмат қиладиган, унинг сифат даражасини орттирадиган зарур шарт-шароитларни беш жабҳага ажратиш мумкин.

1. Олий мактаб тузилишининг этник, этнопсихологик ва ҳудудий хусусиятларига асосланиб уни қайта қуриш мақсадга мувофиқлиги.

2. Олий ўқув юртларида талабаларни ўқитиш, шахс сифатида шакллантириш жараёни ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб бера олиши.

3. Олий мактаб ўқув режаси, дастури ва уларга асосланган дарсликлар, қўлланмалар, ишланмалар, маъруза матнлари ҳозирги кун ҳаёт тарзини, фан ютуқлари ва зарур ахборотларни, илғор тажрибаларни, мамлакатимиз ҳудудлари хусусиятларини тўлиқ ва асосли акс эттириши.

4. Талабаларда мустақил фикрлашни шакллантириш, ижодий изланишга ўргатиш, танқидий тафаккурни таркиб топтириш.

5. Талабаларни миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкураси руҳида тарбиялаш орқали уларда ватанпарварлик, инсонпарварлик, фидойилик, меҳнатсеварлик каби юксак ҳис-туйғуларни шакллантириш.

Шунингдек, олим ўз изланишларига асосланиб, бўлғуси ўқитувчиларнинг аудиториядан ташқари фаолиятларида билимларни ўзлаштиришни такомиллаштириш йўл-йўриқлари; талабаларнинг умумқасбий фанлар асосларини ўрганишга йўналтирилган қизиқишлари, эҳтиёжлари, мотивацияси, қобилияти ва дунёқарашига хос хусусиятларни эътиборга олган ҳолда, уларга зарур маслаҳат ва тавсиялар бериб бориш тартиблари ҳақида; талабаларнинг психологик хусусиятлари, тафаккур хусусиятлари ва уларда мустақил

фикрлашни шакллантириш воситалари тўғрисида ҳам қатор тавсия ва илмий ечимларни олға суради. Олимнинг фикрича, комил инсон бўлиб камол топишни эзгу ният қилган бўлғуси ўқитувчи аждодларимиз томонидан яратилган маънавий ва кадриятлар тизимини эгаллаши ҳамда келажак ривожини таъминлаши учун аввало ўзларида мустақил фикрлашни, ижодий изланишни ва ақлий фаолият усуллари шакллантириши мақсадга мувофиқдир.

Э.Ғ.Ғозиев кўп йиллик илмий изланишларига таяниб, бўлғуси ўқитувчиларнинг келгуси фаолиятида етакчи ва устувор қийматга эга миллий хусусиятларини аниқлайди ва уларни мақсадга мувофиқ равишда тартибга келтириб, тавсиф беради: 1) андишалилик, 2) бағрикенглик, 3) дилкашлик, 4) самимийлик, 5) ибрат-намунавийлик, 6) сабр-тоқатлилик, 7) саховатлилик, 8) педагогик одоблилик, 9) маънавий юксаклик, 10) касбга садоқатлилик, 11) юксак туйғуларни эгаллаганлик, 12) ижтимоий фаоллик, 13) нутқий қобилиятлилик, 14) ташаббускорлик, 15) ташкилотчилик. Мазкур хусусиятлар бўлғуси ўқитувчиларнинг касбий фаолияти самарасини таъминлашнинг муҳим омиллари сифатида хизмат қилади.

В.М.Каримова олий таълим тизимида ўқитувчиларни касбий сифатларининг психологик хусусиятларини ўрганиш соҳасида олиб борган тадқиқотларида бўлғуси педагогларни касбий тайёрлаш, уларда муаллим шахси ва фаолиятига хос зарурий сифат ва фазилатларнинг шаклланишида ижтимоий-маданий, миллий-худудий хусусиятлар муҳим ўрин эгаллашини эътироф этади.

Ўқитувчи касбий муҳим сифатларга эга бўлиши сабоқ олувчиларнинг эркинлигини ошириш ва ижодий ишлашлари (фикрлашлари) учун зарурий шарт-шароитни яратади.

В.М.Каримова ҳам ўз тадқиқотларида талабаларда мустақил фикр юритиш малака ва кўникмаларини ҳосил қилиш учун, аввало талаба-ўқитувчи ўзаро муносабатларини тубдан ўзгартириш, талабани таълим жараёнининг фаол субъектига айлантириш лозимлигини кўрсатади. Буни самарали ташкил этишнинг бир қатор психологик шартлари ва омиллари мавжудлигини таъкидлайди.

Биринчидан, таълим берувчи (яъни, ўқитувчи) ёшларни қандай бўлса шундайлигича-иктидори, лаёқати ва бошқа имкониятлари билан идрок қилишга, табиий тарзда қабул қилишга ўрганмоқлари лозим.

Иккинчидан, ҳар бир таълим муассасаси амалда ёшларга дифференциал ёндашувни ташкил қилиши ва улардаги психологик имкониятларни эътиборга олиши зарур.

Учинчидан, таълим муассасасида ўқитишнинг янгича технологияси ва ёшлар ақлий фаолиятдан фойдаланишнинг демократик турларини жорий этиш. Бунда асосий жиҳат ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш, унинг ҳар бир фикри ва юксалишига эътибор билан қарашдир.

Тўртинчидан, таълим жараёнида гуруҳда психологиянинг фаол, хусусан-мунозара, диалог, брейншторминг, ўйин ва бошқа интерфаол методларидан кенг ва ўринли фойдаланиш ўқувчига кўпроқ ўз фикрларини изҳор қилиш учун имконият яратади.

Бешинчидан, эркин ва мустақил фикрлаш учун психологик “фазо” ва “макон” тушунчаларининг аҳамиятини ҳисобга олиб, гуруҳда ишлаш қонунлари ва ижтимоий психологик мезонларни тўла инобатга олиш зарурлигини алоҳида қайд этади.

Р.З.Гайнутдинов ўзбек миллий мактаби ўқитувчисининг психологияси ва унинг узлуксиз таълим тизимида шаклланишига доир тадқиқотларида муаллим шахсининг психологик тузилиши, ҳудуднинг миллий-психологик ва миллий-маданий омиллари таъсирида шаклланган педагог шахсининг типологиясини ўрганди, унинг касбий сифатларини комплекс ўрганадиган илмий-методик жамланмалар яратди, Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг миллий хусусиятлари, шунингдек, ўқитувчилар малакасини оширишнинг шаклий тузилиши ва усулларига доир қатор илмий хулоса ва тавсияларни илгари сурди. Олимнинг тадқиқот натижалари бугунги кун таълим тизимида юзага келадиган ана шундай туркуммуаммоларни ижобий ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Ғ.Б.Шоумаров таълим тизимида психологик хизмат ва уни

такомиллаштириш муаммоларига оид ва ўқитувчи касбий сифатларининг ривожланганлик даражасини жаҳон андозасига кўтариш ва уйғунлаштириш соҳасидаги тадқиқотларида бир қатор қимматли ғояларни ва амалий аҳамиятга эга бўлган тавсияларни илгари суради. Олимнинг фикрича, бўлғуси ўқитувчи касбий тайёргарликнинг белгиланган даражасига эришиши учун ўзида мавжуд бўлган индивидуал-психологик имкониятлар ва олий таълим муассасасида мазкур касбни эгаллаш учун яратилган барча зарурий шарт-шароитлардан унумли фойдаланиши лозим.

Ғ.Б.Шоумаров ўқитувчининг касбий тайёргарлиги босқичларида таълимий ва тарбиявий ишларни самарали ташкил этишда психологик хизматни белгиланган талаб ва меъёрлар даражасида йўлга қўйиш зарурлигини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтади.

А.М.Жабборов тадқиқотларида ўқитувчининг касбий муҳим сифатларининг шаклланишига таъсир этувчи ижтимоий-психологик ва миллий-маданий омиллар, ўзбек мактаби муаллимининг психологик ва этник хусусиятлари ҳамда уларнинг аҳамияти кенг қамровли ўрганилган. Муаллиф ўқитувчининг касбий муваффақияти унинг шахсий ва касбий сифатлари, ҳамда миллий психологик қиёфаси қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади, деб баҳолайди. А.М.Жабборовнинг изоҳлашича, ҳозирги ўзбек мактаби ўқитувчисининг миллий психологик қиёфаси ва уни белгиловчи асосий омиллар қуйидагилардан иборат: ўқитувчининг атрофдагиларга хушмуомалалиги ва ҳурмат билан муносабатда бўлиши; ўқитувчининг ўзини тута билиши ва амалиётчилиги; ўқитувчининг (ўқитувчи онгининг) ўз миллатига хослиги; ўқитувчининг обрў-эътибори ва ижтимоий типга ўхшашлиги; ўқитувчининг ижтимоий дадиллиги.

Атрофдагиларга хушмуомалалик ва ҳурмат билан муносабатда бўлиш одати устунлик қиладиган ўқитувчиларда етарли даражада касбий билимдонлик билан бирга, ижтимоий-типик хулқларида характернинг қуйидаги ўзига хос психологик хислатларини намоён этадилар: юқори даражада ўзини назорат қилиш, ҳиссий барқарорлик, онглилик, оқилона ишонувчанлик, хушмуомалалик, ўзини ичдан назорат қилиш.

Ўзини тута билиш ва амалиётчилик омили устун ўқитувчиларнинг ижтимоий-психологик қиёфасида ўзининг ҳиссиёти ва кайфиятини бошқара олиш, ўзини назорат қилиш, уюшқоқлик, ижтимоий интизомлилик, ўзига ишониш ва киришимлилик юқори даражада бўлади. Улар касбий фаолиятда муваффақиятга интиладилар, ташкилотчилик, коммуникатив сифатлари устунлик қилади. Ўқитувчининг ўз миллатига хослиги омили устун педагог ўзига юқори даражада яхши муносабатда бўлади, вазмин, билимдон, ўзини назорат қила олади, ўқув фаолиятида ташкилотчилик, ахборот алмашув, коммуникатив сифатлари юқори самарадорлик билан амалга оширилади.

Ўқитувчининг обрўси ва ижтимоий типига ўхшашлик омили устун муаллимлар педагогик фаолиятнинг ахборот алмашув, ташкилотчилик, йўналтириш, камол топтириш, коммуникатив сифатларини етарлича моҳирлик билан амалга оширадилар. Улар обрў-эътиборли бўлиб, ўзини кучли назорат қилади, ҳиссий барқарор, миллий-маданий анъаналарни яхши билади, қатъий амал қилади.

Ижтимоий дадиллик омили устун ўқитувчиларда қатъийлик, журъатлилик, ўзига ишониш, муваффақиятга эҳтиёж, таъсирчанлик, мустақиллик, педагогик фаолиятнинг барча турлари ва компонентларини етарлича моҳирлик билан амалга ошириш, миллий-маданий анъаналарни билиш ва амалда татбиқ этиш кабилар бошқа муаллимлардагидан устунроқ намоён бўлади.

Р.И.Суннатов ва ўз тадқиқотларида касбий сифатларининг шакилланиш даврида бўлғуси ўқитувчининг ўзини ўзи англашига хос ижтимоий-психологик хусусиятлари тўғрисида, мазкур хусусиятларнинг ўқув-тарбия жараёнлари самарадорлигини таъминлашга ва педагогик фаолиятни такомиллаштиришга таъсири ҳақида янгича ёндашувларни илгари суради. Унинг таъкидлашича, бўлғуси ўқитувчи касбий сифатларининг шакилланиш даврида ўзини ўзи англаши, ўқув-тарбия жараёни ва касбни эгаллашга онгли муносабатда бўлиши, ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашга хос зарурий педагогик-психологик билимлар билан қуролланиши унинг педагогик фаолияти самарадорлигини таъминловчи муҳим омиллар ҳисобланади.

З.Т.Нишонова илмий изланишларининг натижаси сифатида бўлғуси ўқитувчи касбий тайёргарлиги давридаёқ ўқув-тарбия жараёнларини янгича педагогик технологиялар асосида самарали ташкил этишга тайёр ва шу асосда ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ўрганаётган ҳар бир муаммога ижодий ёндашиш малакаларини шакллантиришнинг механизмлари ҳақида фикр юритади. Олиманинг фикрича, бу мураккаб жараённинг муваффақиятли ривожланиши олий таълим муассасаларида талабалар касбий тайёргарлигининг турли шакллари ташкил қилишга, уларнинг назарий ва амалий, умумий ва индивидуал билиш фаолиятларининг қулай тарзда уйғунлашувига бевосита боғлиқдир. З.Т.Нишонова ишлаб чиққан тренингларда ўқув фаолиятининг гуруҳий шакллари амалга оширилган. Бу эса ўз навбатида таълимда ҳар бир ўқувчи учун юксак фаоллик ва мустақилликни таъминлайди. Жумладан, бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар учун ҳам қулай вазият яратади, ҳар бир субъектда ўзини ўзи намоён қилиш эҳтиёжини қондириш имкониятини вужудга келтиради.

Муаллиф мазкур таълим жараёнига хос ўқитувчининг масъулияти ҳақида мулоҳаза юритиб, шундай дейди “Таълим жараёнида ўқувчиларнинг жамоа бўлиб фикрлаш фаолиятини ташкил этиши ўқитувчи учун юксак талаблар қўяди, лекин унинг роли камаймайди, аксинча мураккаблашади, уларнинг ақлий тараққиёти учун бевосита раҳбарлик қилиш зарурияти вужудга келади. Айниқса, баҳслар олдидан синчковлик билан тайёрланишни ва машғулотни моҳирона ташкил этишни тақозо этади. Бундай бошқаришнинг юқори даражалари ақлий ташаббускорликда шаклланади, ақлий ташаббускорлик эса кўпинча ижтимоий бошқа объектдаги қарама-қарши фикрларни баён этишда, ўз фикрларининг тўғрилигини муҳолифга исбот қилишда, зиддиятларни бартараф қилишнинг янги усуллари очишда намоён бўлади. Шахснинг ўз хоҳишига биноан фикрларини баён этиши ақлий фаолликнинг кучли омили сифатида гавдаланади.

Н.Х.Мураталиева тадқиқотларида бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиларининг шахслилик йўналиши ҳақида тўхталар экан, бўлғуси бошланғич синф педагогларининг олий таълим муассасасида тайёргарлик жараёнида, яъни касбий етилиш шароитида шахслилик йўналиши энг муҳим

омил эканлигини қайд этади. Муаллифнинг илмий тўхтамларига кўра, олий таълим муассасаларида касбий тайёргарликнинг муваффақияти, аввало, бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиларида шахслилик йўналишини (ривожланиш ҳолатини) аниқлашга, улар касбни муваффақиятли эгаллашлари учун зарурий шахслилик йўналишини (интеллектуал хусусиятлар, эмоционал иродавий хусусиятлар, мақсадга эришиш мотивацияси, шахснинг кўзғалиш кўрсаткичи, шахснинг экстра-интровертлиги, касбий қизиқиши ва педагогик фаолиятга қобилиятлилиги, педагогик идроки, талабанинг ўқув фаолияти ва педагогик кузатувчанлиги кўрсаткичлари) тарбиялашга, сўнгра олий таълим муассасасидаги ўқув-тарбия жараёнларини касбий тайёргарлик билан уйғунлашган шахслилик йўналишига хос ва мос равишда ташкил этиш чора-тадбирлари билан узвий боғлиқ бўлади.

М.М.Мавланов тадқиқотларида олий ўқув юртлари таълими жараёнида бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиларида ташхисий малакаларни шакллантиришнинг психологик хусусиятлари ўрганилган. Олимнинг эътироф этишича, касбий тайёргарлик босқичида ташхисий билим-малакаларни эгалламаган бошланғич синф ўқитувчиларига ёшлар тақдирини ишониб топшириш мумкин эмас. Шу боис, педагогларни ташхисий билим ва малакалар билан қуроллантириш бугунги кун учун муҳим аҳамият касб этади. М.М.Мавланов тадқиқотлари натижаларига таяниб, уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун диагностик малакаларнинг меъёрий моделини аниқлайди. Меъёрий модел мезонларига биноан касбий тайёргарликни эгаллаган талабаларда диагностик малакалар: юқори, яхши, ўрта ва паст даражада шаклланган бўлиши мумкин. Касбий тайёргарлик босқичида талабалар диагностик малакаларнинг юқори ва яхши даражаларини эгаллашга эришиши учун дидактик тизимнинг асосий компонентларини ташкил этган: психология, педагогика, махсус босқичлар ҳамда педагогик амалиёт билан боғлиқ диагностик тузилишга эга бўлган зарурий материалларни ўзлаштиришлари лозимдир.

Педагог шахсида касбий муҳим сифатлар хориж психологларнинг ўрганиш объекти сифатида. Узоқ ва яқин хориж психологларининг илмий

тадқиқотларини ўрганар эканмиз, ўқитувчи шахсининг касбий муҳим сифатларининг психологик асослари ва бу жараёнга таъсир этадиган ижтимоий-маданий, миллий-худудий ва педагогик-психологик омилларнинг аҳамиятига доир қимматли илмий натижалар қайд этганлигини кўрамиз.

А.Бандура ва Ричард Уолтерсларнинг таъкидлашича, ўқитувчининг касбий тайёргарлигида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва ўқувчилар психологиясига хос қонуниятларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.²

Ўқитувчининг шахслилик ва касбий тайёргарлик даражаси (обрў-эътибори, намунаси) қанчалик юқори бўлса, ўқувчилар билан таълим ва тарбиявий муносабатларни яхши йўлга қўйса, ўқитувчининг фикрлари, ўқувчи хулқ-атвори ва меҳнатига бераётган баҳоси унинг ўз ютуқ ва нуқсонларини қандай изоҳлашларига таъсир этади.

Ўқув-тарбия жараёнида эришилган ютуқни ўқувчининг ўзи изоҳлаб бериши тасодиф ёки омад келиши деб билишдан кўра кучлироқдир. Ўқувчиларнинг хизмати тан олинадиган, тўғри баҳоланадиган таълимий жараён, ўзи яхши ўқиши мумкинлиги тўғрисида тасаввур ва билим эгаллашга бўлган ижобий муносабатларнинг шаклланишига ёрдам бериши мумкин. Ўқитувчининг шахсий намунаси ва обрў-эътибори таълим-тарбия жараёнида болада қатъий нуқтаи назар шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

М.Тален таклиф этган педагогик мулоқот учун зарур бўлган ўқитувчининг профессионал позицияси (касбий нуқтаи назари) типологияси диққатга сазовордир. Мазкур типологияга кўра:

1. “Сократ” модели-бундай ўқитувчи дарс жараёнини мунозара асосида ташкил этади.

2. “Жамоавий мунозара раҳбари” модели-бундай ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ўзаро келишув ва ҳамкорлигини демократик асосда олиб боради.

3. “Уста” модели-бундай ўқитувчи ўқувчилар учун ҳамма соҳада андоза объекти ҳисобланади.

¹¹ Albert Bandura, Richard Walters. Teenage aggression. Studying of influence of education and family relations. Publishing house: Eksmo-Press, Aprel-Press ISBN: 5-04-004214-0 Year of the edition:-2000

4. “Генерал” модели-бундай ўқитувчи ўқувчиларга талабчан бўлиб, ўқувчиларнинг бурч ва вазифаларини тўлиқ адо этишларини таъминлашни бошқаради.

5. “Интилувчи” модели – ўқув-тарбия жараёнида туб ўзгаришлар қилишга йўналган ўқитувчи. У синф жамоаси фаолияти самарадорлигини оширишга, ўқувчиларнинг ташаббускорлиги ва мустақиллигини рағбатлантиради.

6. “Тренер” модели – ўқитувчи ўқувчиларнинг бир мақсад сари, ҳамжиҳат ва ҳамкор фаолиятини таъминлайди ва бошқаради.

7. “Гит” модели – бундай ўқитувчи гўёки жонли энциклопедия. Унинг гап-сўзлари аниқ, жонли, илмий асосланган ва ҳамма саволларга жавоблар олдиндан маълум.

Ўқитувчининг касбий муҳим сифатлари ва педагогик фаолиятини ташкил этиш масалаларига гуманизм нуқтаи назаридан ёндашган А.Маслоу, К.Роджерсларнинг тадқиқотлари диққатга сазовордир. Уларнинг фикрича, ўқитувчи энг аввало ўқув-тарбия жараёнида ўқувчилар фаоллигини оширишни эсдан чиқармаслиги, юзага келган муаммоларни мустақил ечишга ўргатиши, ўқувчи ташаббускорлиги ва ижодкорлиги асосида ўзининг кимлигини намойиш этишига ёрдамлашиши зарур. Бунинг учун ўқитувчи шахслилик ҳамда касбий сифат ва фазилатларни тўлиқ эгаллаган бўлиши лозим.

К.Роджерснинг таъкидлашича, бундай ўқитувчилар ўқувчилар билан кўпроқ дўстона мулоқотда бўладилар, ўзаро фикр алмашадилар, мавзуга доир муаммони таҳлил қиладилар ва бир қарорга келадилар. Ўқитувчи бу ўринда бутун эътиборини мавзу моҳиятини ўқувчиларга сингдиришга қаратиб, улар эътиборини, кечинмаларини ва ўзлаштириш имкониятларини алоҳида эътиборга олади.³

А.Маслоунинг фикрича, ўқитувчи шахсига хос бўлган билимдонлик, ижодкорлик, мустақиллик ҳамда педагогик фаолият учун масъулият ва жавобгарликни чуқур ҳис этиши ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини

³Karl Rogers, Jerome Freyberg. Freedom to study. ISBN: 5-89357-099-5, 0-02-403121-6. Year of the edition: 2002

таъминлашнинг энг муҳим омилларидир.⁴

Бошқа назариятчи Гизела Лейбоуви-Вифнинг фикрича, талабаларда касбни эгаллашнинг шаклланиши уларда мажбурият ва жавобгарлик ҳиссининг таркиб топиши билан боғлиқдир. Уларда ана шундай сифат ва кечинмалар тўла шаклланган бўлса, билимларни эгаллаш ёки касбий камолот учун ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди.

Бўйсунувчанликни ўрганиш мақсадида психологик тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, улардан энг муҳими Саломон Ашнинг изланишларидир. Унинг таъкидлашича, конформизм ва бўйсунувчанлик ўзига-ўзи баҳо бериш психологик ҳодисаси билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзига юқори баҳо берадиган одамлар гуруҳ талабаларига бўйсунушга камроқ мойилдирлар. Ўзига-ўзи паст баҳо берадиган, ўз имкониятларига унча ишонмайдиган шахслар эса гуруҳ таъсирига кўпроқ дучор бўлар эканлар. М.Вудсток ва Д.Френсислар ўз тадқиқотларида ҳамкорлик фаолиятида атрофдагиларга муваффақиятли таъсир кўрсатадиган омиллар сирасига қуйидагиларни киритади:

- нуфузлилик – бу ишонч қозона оладиган инсонларнинг хусусиятлари;
- ижобий ўзгаришларни тақдирламоқ (мукофотламоқ) лозим;
- бизнинг орзу-умидларимиз атрофдагиларга таъсир кўрсатади;
- ҳалқ олдида (ошкора) ўз фикрини билдириш янгича муносабатни мустаҳкамлайди;

- ўзимиз ўргатганимизга, аввало ўзимиз риоя қилишимиз керак;
- шахсий ҳамжиҳатлик – бу (ҳал қилувчи) муҳим йўл очиб берадиган омилдир. Уларнинг фикрича, атрофдагиларга самарали таъсир кўрсатувчи одамлар реклама ва муваффақиятли тақдимот кўникмаларига (маҳоратига) эгадирлар. Улар қатъий бирор-бир иш қилишга ундайдиган сабабларни яратишга қодирдирлар.

Америкалик олим, мактабда фалсафа ўқитиш дастурларини яратиш гуруҳининг аъзоси П.Липманнинг таъкидлашича, мактаб ёши даври таълим олиш шакллари имкониятини кенгайтиради. Ўқитиш жараёнида ўқувчиларни

4 Abraham Harold Masloou. Motivation and Personality. Year of the edition: 2011

мажбурлашга эмас, балки уларга таълим беришда ихтиёрий ва кадриятларга асосланган когнитив (ақлий билиш) ёндашишни таклиф этади. Уларни ўқитишда мажбурлаш ҳолатларининг салбий оқибатларини таҳлил қилиб, уларга таълим беришда ихтиёрийлик ва кадриятларга асосланишнинг афзалликлари ва ўқувчиларни тарбиялашдаги самарасини кўрсатиб ўтади.

Дж. Леви ўз тадқиқотларида ўқувчилар жамоасида низоларнинг шаклланиш сабаблари, уларни ўрганиш, олдини олиш йўллари ва жамоада соғлом психологик муҳитни яратиш усулларига доир ижобий фикрларни илгари суради. Унинг фикрича, ўқитувчининг касбий тайёргарлиги даврида ўқув-тарбия жараёнларига хос низоларни тушуниш кўникмасини ўстириш, шунингдек, можароларнинг сабабларини ўрганиш ва бартараф этиш ёки бошқаришнинг самарали воситаларини топа билиш маҳоратларини ривожлантириш муҳим ҳисобланади. Унинг таъкидлашича, ўқув дастурларида, бир томондан, низоларнинг келиб чиқиши ва сабаблари билан боғлиқ, иккинчи томондан, можароларнинг олдини олиш, ҳал этиш ва уларни бошқариш билан боғлиқ масалаларни (саволларни) ақс эттириш зарур.

Дж. Леви мисол тариқасида бошланғич таълим (6-12 ёшли болалар) учун қуйидаги машғулот вариантларини келтиради: 1)кооператив кўникмалар (гуруҳда биргаликда ўқиш ва ҳамкорлик); 2)коммуникатив кўникмалар; 3)низоларни ижодий (ўйлаб, маслаҳатлашиб) ҳал қилиш кўникмаси. Мазкур машғулот вариантларида ролли ўйинлар, сахна кўринишлари ва психологик хулқий тренинглардан ўринли фойдаланиш зарурлиги ва унинг афзалликлари ҳақида тўхталиб ўтади.

Д.Жонсон ва Р.Жонсонларнинг тадқиқотларига кўра, ўқувчилар ўртасида юзага келадиган можароларни конструктив бошқаришнинг учта муҳим асоси мавжуд:

- таълим ва тарбия бериш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда мактабда қулай ва тинч шарт-шароитларни яратиш;

- можароларнинг олдини олиб, болаларнинг ўқишга, билим эгаллашга нисбатан эътиборини, қизиқиш ва мотивларини ошириш усулларида самарали

фойдаланиш, уларда муаммоларни ечишга ижодий ёндашиш кўникмасини ривожлантириш;

- ёш авлодни ўз турмушида, оилада, жамиятда, миллий ва халқаро вазиятларда низоларни конструктив бошқаришга тайёрлаш.

Муаллифларнинг фикрича, ўқувчилар жамоасида ҳамкорликни шакллантиришнинг учта шарти мавжуд: кооператив таълим; ўқув-мунозарали таълим; медиация (холис хизмат муҳити устувор) таълими.

1. Кооператив таълим низоларни конструктив ҳал этишга шарт-шароит яратади. Ўқув машғулотларини кооператив шаклда ташкил этиш йўли билан қулай вазиятлар ҳосил қилинади. Мазкур таълимда мусобақалашиб ҳамкорлик асосида юқорироқ натижаларга эришилади, ўқувчилар орасида дўстона муносабатлар, яхшироқ психологик муҳит ва мослашув шаклланади.

2. Ўқув-мунозарали таълимнинг афзаллиги шундаки, синф ўқувчилари жуфт-жуфтларга ёки гуруҳчаларга бўлиниб, ҳар бир жуфт ёки гуруҳ мавзу моҳиятига доир ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш учун далиллар ҳозирлайди.

Мунозара жараёни асосан қуйидаги бешта босқичда амалга ошади: ахборотларни тўплаш ва нутқ (жавоб) тайёрлаш; ўз нуқтаи назарини (позициясини) айтиш ва уни ҳимоя қилиш; қарама-қарши позицияга дуч келиш, тўқнашиш оқибатида ғоявий низо келиб чиқиши; қўшимча ахборотни излаш ҳамда масалани бир вақтнинг ўзида томонлар нуқтаи назаридан туриб ўрганиш; иккала томоннинг ҳам қарашларини яқинлаштириб, ғояларни қайта кўриб чиқиш асосида нуқтаи назарларни мувофиқлаштириш.

3. Медиация (холис хизмат муҳити устувор) таълими ўқувчини бошқалар низолашаётганда муроасага келтиришга холисона воситачилик қилишга ўргатишдан иборат. Муаллифлар бу жараёни қуйидаги алгоритм билан ифодалайди: ўз хоҳишингизни айтинг; ўз ҳиссий кечинмаларингизни билдиринг; истак ва кечинмаларингизнинг сабабларини айтинг; рақибингиз нимани истаётгани, нима учун шундай фикр билдираётгани ҳақидаги тушунчаларингизни умумлаштиринг; можарони ечишнинг учта альтернатив (муқобил) йўлини топинг; маъқул йўлни танланг, қўлни-қўлга беринг

Ўқув-тарбия жараёнларини юқоридаги кўриниш ва усулларда ташкил этиш, энг аввало ўқитувчилардан юқори даражадаги касбий тайёргарликни, педагогик маҳорат ва психологик билимдонлик, шунингдек, педагог шахсига хос катор сифат ва фазилатларни талаб этади.

Мазкур муаммо бўйича россиялик психолог олимларнинг илмий тадқиқотлари алоҳида эътиборга лойиқ.

С.Л.Рубинштейннинг уқтиришича, тарбиявий ишда инсонни хаёт билан минглаб кўзга кўринмас иплар боғлаб турадики, хар кадамда унга шахсан қимматли, уни қизиқтирадиган, ўзига жалб этадиган, ўзиники ҳисобланадиган нарсалар кўндаланг келаверади. Бу фикр ёш мутахассисларнинг профессионал педагогик шаклланиши ва ўзлигини намоён этиши масаласига ҳам тўла тааллуқлидир. Зеро, профессионал соҳада ўзини намоёиш этишга интилиш ёш ўқитувчи учун касбий шаклланиш ва такомил топишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

В.М.Мясищевнинг таъкидлашича, шахс ўзини намоён қилиш орқали ўз имкониятларини онгли равишда кўрсатади. Шахс учун нима муҳим аҳамиятли бўлса, нимага кўпроқ қизиқса, интилса, ўша соҳада ўзини тўлароқ намоён қилади. Шунинг учун ҳам ёш мутахассис педагогик фаолият соҳасида ўзини қанчалик кўпроқ, тўлароқ ва онгли равишда намоён этса, шу соҳада кўпроқ натижага эришади. Иккинчи томондан, ёш ўқитувчи ўзини касбий фаолият соҳасида намоён этиш учун қанчалик жадал курашса, касбий шаклланишда, касбий етукликда шунчалик юқори поғонага кўтарилади. Шунинг учун ҳам педагогларни касбий тайёрлашда ўз касбига ижобий муносабатни, шахснинг ўзи учун аҳамиятли онгли муносабатни шакллантириш, шу соҳада ўзини кўпроқ, тўлароқ намоён этишга интилиши ва тайёрлиги жуда муҳим.

В.А.Сластенин, В.П.Каширинларнинг фикрича, ўзини намоён қилиш асосан ижтимоий муҳит билан шахснинг фаолият кўрсатиши ўртасидаги ўзаро таъсир жараёнида юзага келади. Гарчи, шахснинг ўзлигини, ўз хулқини намоён этишнинг психологик механизмлари бевосита унинг ўзида бўлса ҳам, ана шу хулқи, хатти-ҳаракатлари, қилиқлари, муомала-муносабат кўринишлари унинг

фаолияти орқали ижтимоий муҳитда содир бўлади.

Жумладан, ёш мутахассиснинг касбий педагогик жиҳатдан ўзини намоён этиш соҳалари касбий педагогик фаолият, бирор ижтимоий ролни бажариш ва ижтимоий-психологик (жамоадаги ўзаро муносабатлар) тизимидан иборат. Муаллифларнинг таъкидлашича, шахснинг ўзини намоён этиши касбий тайёргарликка эга бўлган ёш педагог учун ҳам тўла тааллуқли бўлиб, у асосан уч босқичда: тайёргарлик босқичи, асосий босқич ва яқунловчи босқичларда амалга ошади.

Тайёргарлик босқичида шахс ўзлигини аниқлайди, яъни ўзини намоён қилиш эҳтиёжини англайди, ўз нуқтаи назарини, атроф-борликка муносабатини белгилайди, фаолияти мақсадларини ойдинлаштиради, жамоанинг расмий ва норасмий тузилмаларида ўзининг ўрни ва ролини аниқлайди, ўз хатти-ҳаракатлари, хулқ-одоби, кўзлаган мақсадларини рўёбга чиқаришнинг восита ва усулларини асослаб, белгилаб олади. Асосий босқич шахснинг ўзини намоён қилиш мақсадларини амалга ошириш жараёнидир. Яқунловчи босқичда-шахс ўзини намоён этиш соҳасида эришган натижалар баҳоланади, қийинчиликларнинг сабаблари аниқланади. Ўз ўрнини тўғри белгилаб олиш - ўзини намоён этишнинг муҳим босқичи ҳисобланиб, унинг мазмуни ва характерини белгилайди, эришилган натижа ҳам шунга яраша бўлади.

Б.Г.Ананьев илмий мактаби тадқиқотчиларининг маълумотларига кўра, талабалик ёш даври интеллект тузилмасининг ўта мураккаблиги, ўзгарувчанлиги ва индивидуаллиги билан намоён бўлади. Бунинг маъноси шундаки, ўқув-билув топшириқларини ҳар доим бир вақтнинг ўзида ҳам тушуниш, ҳам англаб олиш (фикрлаш), ҳам эсда қолдириш, ҳам эсда сақлаш ҳамда амалда қўллашга йўналтирилган бўлади. Муаллифнинг илмий таҳлилларига кўра, талаба ўқув фаолиятининг субъекти сифатида унинг асосий фаолияти икки хил мотив (фаолиятга ундовчи куч) – мақсадга эришиш мотиви ҳамда билиш мотивлари билан белгиланади. Билиш мотиви ўқув-билув фаолиятининг асоси бўлиб, фикрлаш ва ақлий фаолият табиатига мос келади. Бу, муаммоли вазиятларда пайдо бўлади, талаба билан ўқитувчининг ўзаро алоқа ва тўғри муносабатларида

ривожланади. Таълимда мақсадга эришиш мотиви эса билиш ва касбий мотивларга узвий боғлиқ (қарам) бўлади.

Н.Ф.Тализина олий таълим муассасаларида касбий тайёргарлик жараёнининг муаммолари ҳақида тўхталиб, олий таълимнинг бошқарув тизими сифатида ўзига хос хусусияти шундаки, аввало бошқариладиган объект-ўқиш, билим эгаллаш жараёнини ҳамма вақт аниқ бир шахс амалга оширади. Шахсий омилларнинг мураккаблиги, ҳар хиллиги шу даражада каттаки, таълимнинг асосий дастурини тузишда уларнинг ҳаммасини эътиборга олиб бўлмаслигини таъкидлайди.

Е.А.Климовнинг фикрига кўра, педагоглик касби “инсон-инсон” типигаги мутахассисликлар қаторига киради ва бундай касб эгаси қуйидаги хусусият ва қобилиятларни эгаллаган бўлиши керак: бошқариш, ўқитиш, тарбиялай олиш; бошқа одамни тинглай олиш ва тушуниш; онглилик, кенг билим ва савияга эгалик; нутқ маданиятини эгаллаганлик; кишиларга нисбатан хушёр, уларнинг руҳий оламини кўз олдига келтира оладиган; болани келажакда яхши одам бўлиб улғайишига ишонувчи; қайғудош, бошқанинг ташвишларига шерик бўла оладиган; кузатувчанлик қобилиятига эга; халқ, жамият ишига содиқ; ўзгача вазиятларда ҳам муаммонинг ечимини топа оладиган; ўзини тута билиш қобилияти.

Ўқитувчилик касби соҳибларига тўғри келмайдиган хусусиятлар: тили чучук ёки яхши гапира олмаслик, одамови, муғомбир-ичи қора, ўзи билан ўзи овора, мулоқотга киришолмайдиган, жисмоний нуқсонли, тепса-тебранмас (танбал), бировнинг дардига бефарқ, ғаразгўйлик кабилардир.

Н.В.Кузьмина ва унинг шогирдлари ишлаб чиққан педагогик қобилиятлар концепцияси педагогик қобилиятлар тизимининг бир қадар тўла ва мукамал талқини ҳисобланади. Муаллиф педагогик фаолиятнинг субъектив омилларига қуйидагиларни киритади: 1) шахснинг йўналганлиги. 2) қобилиятларининг ўсиш даражаси. 3) компетентлиги (махсус билимларга – педагогика, методика ва психология фанларининг турли соҳаларига доир чуқур билимга эгалиги).

Н.В.Кузьминанинг фикрига биноан, шахсий йўналганлик касбий-педагогик

фаолиятнинг юқори чўққисига эришиш учун энг муҳим субъектив омиллардан ҳисобланади. Педагогик фаолиятнинг бош стратегиясини танлаш муаллифнинг асарларида кўрсатилишича уч хил йўналишни:

1. Ҳақиқий педагогик.

2. Формал педагогик.

3. Қалбаки педагогик йўналишларни қамраб олади. Фақат биринчи (ҳақиқий педагогик) йўналишгина педагогик фаолиятда юксак натижаларга эришишга имкон беради. Ҳақиқий педагогик йўналиш бу-ўқитувчининг ўзи дарс бераётган предмет воситасида ўқувчи шахсини шакллантиришга бўлган барқарор мотивлар ва ундаги мавжуд билимлар, ўқувчи эгаллаши учун зарур эҳтиёжларни шакллантиришдан иборатдир.

А.К.Маркованинг фикрига кўра, педагогик фаолиятнинг субъектив хусусиятларини қуйидаги гуруҳлар (блоклар) бўйича тавсифлаш мумкин:

1. Объектив тавсифлар: ихтисосликка доир билимлар, касбий малакалар, психологик-педагогик билимлар.

2. Субъектив тавсифлар: психологик нуқтаи назари, мотивлари, “мен” ғояси, йўл-йўриқлари, шахслик хусусиятлари.

А.К.Маркова ўқитувчилик ишининг учта жиҳатини: педагогик фаолият, педагогик мулоқот ва ўқитувчи шахси томонлари мавжудлигини таъкидлайди. А.К.Маркова ўқитувчининг муҳим касбий сифатлари қаторида: педагогик эрудиция, педагогик мақсадга йўналганлик, педагогик тафаккур, педагогик зукколик, педагогик кўтаринки кайфият, педагогик кузатувчанлик, педагогик ишонч, педагогик топқирлик, педагогик башорат, педагогик рефлексия (ўзини намоён қилиш) ларни кўрсатиб ўтади.

Л.М.Митинанинг тадқиқотларида ўқитувчининг касбий ва шахсий сифатларининг эллиқдан ортиқроғи қайд этилган (ўрганилган). Улар қуйидагилар: хушмуомалалик, ўйловчанлик, талабчанлик, таъсирланиш, тарбияланганлик, эътиборлилик, ўзини тута билиш, мулойим хулқлилик, инсонпарварлик, ишчанлик, интизомлилик, виждонлилик, бағри кенглик, сахийлик, ғоявий эътиқод, ташаббускорлик, сиёсий онглилик, кузатувчанлик,

танқидийлик, қатъийлик, мантиқийлик, болаларни севиш, масъулиятлилик, ҳозиржавоблик, ташкилотчилик, мулоқотга кириша олиш, тартиблилик, тўғрилик, педагогик билимдонлик, олдиндан кўра билиш, мустақиллик, ўзига танқидий ёндашиш, камтарлик, адолатлилик, хушёрлик, журъатлилик, камолотга интилиш, педагогик одоб ва ўз кадр-қимматини сақлай билиш, янгиликка интилиш, эмоционал кўтаринкилик, ватанпарварлик. Унинг фикрича, мазкур хусусиятлар идеал ўқитувчининг психологик қиёфасини ташкил этади.

Н.Д.Левитов ўқитувчининг асосий педагогик қобилиятлари сирасига қуйидагиларни: ўқувчиларга билимларни қисқа, аниқ ва қизиқарли шаклда етказа олиш; улар руҳиятидагини англай олиш; тафаккурнинг мустақиллиги ва ижодийлиги; топқирлик ёки тез ва аниқ билиб олиш; ташкилотчилик қобилиятларини киритади.

В.А.Крутецкий ўқитувчининг педагогик қобилиятларини умумийроқ тарзда ифодалаб, қуйидагича гуруҳлаштиради:

1. Дидактик қобилиятлари;
2. Академик қобилияти;
3. Перцептив қобилияти;
4. Нутқ қобилияти;
5. Ташкилотчилик қобилияти;
6. Авторитар қобилияти;
7. Коммуникатив қобилияти;
8. Педагогик башорат қобилияти;
9. Диққатни тақсимлай олиш қобилияти.

Кўринадики, хориж психологиясида ўқитувчиларнинг касбий муҳим сифатларининг психологик хусусиятлари муаммоларини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар анча салмоқли ва кенг қамровлидир. Ана шундай тадқиқотларни кўплаб келтириб, ўрганилаётган мавзу характериға мос томонларни атрофлича таҳлил қилиш мумкин эди. Бироқ, мазкур илмий изланишлар натижалари, улардаги илмий тавсия ва хулосалар маълум даражада чекланганлик характериға эгадир.

Чунки, ўқитувчининг касбий сифатлари ҳамда таълим ва тарбия жараёнини ташкил этиш, уни бошқариш билан боғлиқ муаммолар, ёхуд уларнинг ечими ҳар бир халқнинг миллий-маданий, ўзига хос психологик ва ҳудудий хусусиятлари мавжудлиги билан уйғунликда намоён бўлади. Шунга кўра, ушбу тадқиқотлар натижасида эришилган ютуқларга юқори баҳо берган ҳолда, бу илмий

далилларни ўзбек таълим тизими ва ўқитувчи кадрлар тайёрлаш мазмуни учун тўла тааллуқли дея олмаймиз. Шубҳасиз, бу борада ватанимиз психолог олимларининг тадқиқот натижаларини ўрганиб, психологик тадқиқотлар ўтказишга зарурат туғилади.

1.3. Инновацион жараёнлар ривожининг замонавий тенденциялари.

Илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технологиянинг жадал ривожланиши жамият ҳаётининг барча соҳаларида тараққиётининг янги истиқболларини очиб берди. Инсониятнинг давлат ва жамият қурилишига доир асрий тажрибалари ижтимоий муносабатларни янгича ёндашувлар асосида тартибга солиш борасидаги илғор ёндашувларнинг қарор топтирилишига олиб келди. Мазкур ёндашувларнинг моҳияти сўнгги йилларда умумий тарзда “модернизациялаш” тушунчаси ёрдамида ифодаланиб келинмоқда. Хўш, “модернизация” тушунчаси луғавий жиҳатдан қандай маънони англатади? Ушбу тушунча негизида қандай ҳолат тавсифланади?

Модернизация (ингл. “modern” – замонавий, илғор, янгиланган) – объектнинг янги талаблар ва меъёрлар, техник кўрсатмалар, сифат кўрсаткичларига мос равишда янгиланиши саналади

Одатда модернизация жараёнида машиналар, дастгоҳлар, ишлаб чиқариш қуруллари ҳамда технологик жараёнлар янгиланади. Бироқ, илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технологияларнинг ривожини туфайли жамият ҳам ривожланишининг муайян босқичидан янада такомиллашган босқичга ўтади. Фалсафий талқинда ифода этганда миқдор ўзгаришлари туб сифат ўзгаришларига айланади. М: ўрта асрларда аграр характер касб этган жамият илм-фан, техника, саноат ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан индустриал жамиятга айланиши.

Ижтимоий модернизация жамиятнинг ижтимоий тизимдан очиқ фуқаролик жамиятига айланишини англатади. Ушбу турдаги модернизация негизида жамиятнинг ижтимоий қатламларида умумий ёки хусусий характердаги янгиланишлар содир бўлади. Жумладан, таълим соҳадаги янгиланишлар ҳам шулар жумласидандир.

Таълим тизимининг модернизацияси – жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий

ва маданий эҳтиёжларини, унинг малакали кадрларга, шахснинг эса сифатли таълим олиш бўлган талабини қондириш, таълим тизимини барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида мавжуд механизмнинг қайта ишлаб чиқилиши ёки такомиллаштирилиши.

Мазкур модернизация шахсни ўқитиш ва тарбиялашга оид энг яхши анъаналарни сақлаб қолган ва бойитган ҳолда мажмуавий характер касб этиб, таълим тизимининг барча соҳаларини тўла қамраб олади ва жамиятда қарор топган малакали мутахассисларни тайёрлаш борасидаги эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади⁵.

Таълим тизимининг модернизациялашда қуйидаги устувор вазифалар ҳал қилинади:

- ҳар бир шахснинг тўлақонли таълим олишида бошқалар билан тенг ҳуқуқлилиги ва таълим олишнинг очиқлигини таъминлаш;

- узлуксиз таълим тизимида янги сифат кўрсаткичларига эришиш;

- янги таълим ресурсларини жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш асосида узлуксиз таълим тизимида самарали меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий механизмларни шакллантириш;

- давлат ва жамиятнинг қўллаб-қувватлаши негизида таълим тизими ходимларининг ижтимоий мақоми ва касбий компетентлигини ривожлантириш;

- таълим тизимининг давлат ва жамоатчилик бошқарувига асосланганлик тамойилига мувофиқ таълим жараёни иштирокчилари – талабалар, педагоглар, ота-оналар ва таълим муассасаларининг ролини ошириш.

Барча давлатларда бўлгани каби Ўзбекистон шароитида ҳам таълим тизимини модернизациялашда давлат, жамият, маҳаллий ва ижтимоий ташкилотлар, юқори ҳамда қуйи бошқарув органларининг ўрни ва роли, улар ўртасидаги ўзаро бирлик, ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга.

Замонавий шароитда таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари қуйидагилар саналади:

⁵ Модернизация образования // <http://www.gov.karelia.ru/Leader/Gossovet/d14.html>.

- электрон ахборот-таълим ресурсларини яратиш;
- ўқитишнинг мавжуд ва янги технологик шакллари ўзаро мувофиқлаштириш;
- ўқув ҳамда мутахассислик фанлари асосларининг талабалар томонидан мустақиллик ўзлаштирилиши учун қулай педагогик ва технологик шарт-шароитларни вужудга келтириш.

Инновацион жараёнларнинг кечиш босқичлари. Таълимда рўй бераётган ислохотлар чуқур ўзгаришлар таълим тизимининг демократиялашуви ва инсонпарварлашуви таълимни бошқариш тизимининг янгиланиши таълим сифатига бўлган объектив талаби педагогларни инновацион фаолиятга тайёрлаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек шахснинг педагогик фаолиятга йўналганлиги тўғрисида қатор олимлар ўз фикрларини билдиришган, жумладан, “Шахснинг педагогик касбга қизиқиши ва фаолиятнинг ушбу тури билан шуғулланишга бўлган иштиёқи”, “Болаларга бўлган муносабат, педагогик меҳнатга иштиёқ, педагогик кузатувчанлик қобилияти”. Демак, шахснинг педагогик фаолиятга йўналганлиги унинг дунёқараши, педагогик касбига қизиқиши, у билан шуғулланишга бўлган лаёқати билан белгиланади.

Ҳозирги вақтда таълимдаги инновацион ҳаракатларнинг хусусиятини ўрганмаган, таълим соҳасидаги инновацион фаолиятнинг моҳиятини тушунмайдиган, инновацион таълим технологияларини кенг эгалламаган ўқитувчини замонавий педагог, етук мутахассис деб ҳисоблаб бўлмайди.

Педагог-ўқитувчи инновацион фаолиятининг ривожланиши—бу таълимдаги стратегик йўналишлардан биридир.

Шу сабабли, таълимда педагогик кадрларни инновацион фаолиятга тайёрлаш муаммоси юзага келди. Рўй бераётган инновацион жараёнлар таълим методологияси ва психологик тадқиқотларда ёритилди. Фандаги инновацияларга концептуаль ёндошиш методологияда (Ю.В.Громько, В.И.Слободчиков, П.Г.Шедровицкий ва б.); психологияда (Л.С.Выготский, В.В.Давидов, Н.Ф.Талызина ва б.); умумий педагогикада (М.В.Кларин, М.М.Поташник,

А.И.Пригожин, Н.Р.Юсуфбекова, К.Ангеловски, Ю.Воглайд, К.Роджерс ва б.) тавсифланган.

Илмий-педагогик адабиётларда ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш тажрибаси қатор олимлар томонидан умумлаштирилган.

Таълимдаги инновацион жараёнларнинг тадқиқ этишда инновациялар ва ўқитувчининг ижодий фаолиятига тегишли (янгиликни баҳолаш мезонлари, анъаналар ва инновациялар, иновацион цикл хусусиятлари, ўқитувчининг инновацияларга бўлган муносабати ва ҳ.к.) назарий-методологик характердаги бир қатор муаммолар илгари сурилмоқда. Кўпинча олимлар ўз тадқиқотларида ўқитувчи (педагог)ларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг маълум бир аспекти билан шуғуланганлар:

Масалан:

- Таълим соҳасидаги янгиликларни татбиқ этиш муаммолари;
- Ўқитувчи (педагог)нинг инновацион фаолиятидаги тадқиқот компонентларининг ўрни;
- Ўқитувчининг инновацион фаолиятидаги ижтимоий-маданий муаммоларни, оммавий ва шахсий маданиятнинг бир-бирига ўтишини, индивидуал ва жамоа уйғунлигини ёритиб бериши;
- ўқитувчининг киритилган янгиликларга бўлган муносабатларининг асосий мотивларини, ўқув жараёнида педагогнинг янги технологияларни фойдаланиш тайёргарлиги ва мотивацион муаммолари;
- Ўқитувчининг инновацион фаолияти ва рефлексия ўртасидаги ўзаро алоқалари;
- Таълим тизимига педагогик инновацияларни тадбиқ этишнинг психологик муаммолари;
- Педагогик инновацияларнинг моҳияти, таркиби ва баҳолаш мезонларининг назарий-методологик асослари.

Педагогларни инновацион фаолиятга тайёрлаш бўйича тадқиқотлар ичида М.В.Клариннинг ишлари алоҳида ўринни эгаллайди. У ўз ишларида инновацион фаолиятни ижтимоий-маданий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга

ошириш орқали ташкил этилган узлуксиз таълимнинг зарурлиги билан боғлайди. Ушбу ёндошув шахснинг эркин танлаш имкониятига йўналганлигидадир, бунда ўқиш фаолияти етакчи ўринлардан бирини эгаллайди ва шахснинг ривожланишидаги муҳим, етакчи восита ва шахсни таълим жараёнига жалб этувчи усул бўлиши мумкин.

Олий таълим муассасалари инновацион фаолиятини ташкил этиш ва унинг мазмунидаги ўзгаришлар, инновацион йўналишдаги педагогларни тайёрлаш методологик ва технологик ўзгаришлар билан узвий боғлиқдир. Аммо бу жараён педагогларни инновацион фаолиятга тайёрлаш, мукаммаллаштириш бўйича тавсияларнинг йўқлиги сабабли стихияли характерга эга бўлиб қолмоқда.

Педагогнинг инновацион фаолиятига тайёргарлиги жараёни куйидагича кечади, жумладан: мўлжалланган янгиликни ялпи ва унинг алоҳида босқичлари муваффақиятини башорат қилиш, янгиликни бошқа инновациялар билан қиёслаш, улардан самарадорини танлаб олиш, уларнинг энг аҳамиятли ва аниқлик даражасини белгилаш, янгиликни тадбиқ этишнинг муваффақиятлилик даражасини текшириш ва янгиликни тадбиқ этадиган ташкилотнинг инновацияни қабул қилиш қобилиятига баҳо бериш.

Ўқитувчини инновацион фаолиятга тайёрлаш икки йўналишда амалга оширилиши лозим:

- янгиликни идрок қилишга инновацион тайёргарликни шакллантириш;
- янгича ҳаракат қила олишга ўргатиш.

Т.М Давиденко ҳар қандай педагогик инновацияни эгаллаш учун учта зарури шарт **“тушуниш, рефлексия ва шахснинг тайёрлиги”** бўлиши кераклигини таъкидлаган.

Инновацион фаолиятда педагог илғор, сермахсул ижодий шахс, кенг камровли қизиқиш, ички дунёси бой, педагогик янгиликка ўч бўлиши лозим. Инновацион фаолият мотивацион, технологиклик ва рефлексиялик қисмлардан ташкил топади. Инновацион фаолиятни ташкил этишда талабаларнинг билиш фаолияти ва уни бошқариш алоҳида аҳамиятга эга.

Турли соҳаларда олиб борилаётган илмий – методик тадқиқотлар, албатта,

зарур ва муҳимдир, аммо бўлажак педагог - ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашни қандай шаклда ташкил этиш ва бошқариш мумкинлиги тўғрисидаги муаммо барча педагог олимлар олдида ечимини кутиб турган асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Педагогларни инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёнидаги муаммо ва тўсиқларни қуйидагича ҳолатларда кўришимиз мумкин:

1. Инновацион фаолият зарурлигини тушуниб етиш, янгиликларни таълим муассасасига киритиш бўйича ижодий фаолиятини жалб этишга тайергарлиги, инновациялар киритишга қаратилган ҳаракатлар натижа келтиришига ишончи.

2. Шахсий мақсадларининг инновацион фаолиятлар билан мослиги ва мувофиқлиги, ижодий муваффақиятсизликни сабоат билан енга олиши.

Педагогни инновацион фаолиятга йўналтириш учун янгиликни (инновация) идрок қилишга тайёрлаш ва янгича ҳаракат қила олиш кўникмасини шакллантириш.

1.4. Инновацион таълимда илғор хорижий тажрибалар интеграцияси. Кредит тизими. ECTS кредитлари: хусусиятлари ва тамойиллари. XX асрнинг иккинчи ярмида илмий-техник инқилоби туфайли, илмий техник тараққиёт ўзининг юксак чўққиларига эришди.

Илмий техник тараққиётининг (ИТТ) ҳозирги даражаси шундайки, фан, техника ва технология ривожининг эришилган суръатларини, мамлакат қай даражада ривожланган бўлмасин алоҳида олинган мамлакатда уни таъминлаб бўлмайди. ИТТ кейинги ривож, фақат турли мамлакатлардаги олим ва мутахассисларнинг ҳамкорлиги, илмий-тадқиқот ишларнинг интеграцияси натижасида амалга оширилиши мумкин. Фан, техника ва технологиянинг тарққиёти таълим тараққиёти даражаси билан чамбарчас боғлиқлигини эътиборга оладиган бўлсак, таълим соҳасидаги халқаро интеграциянинг устуворлиги яққол муаммога айланиб қолади.

Таълим соҳасидаги интеграцион жараёнлар илк бор Европада бошланган эди. 1989 йилда Европанинг минглаб талаблари, Европа ҳамжамиятининг ERASMUS (European Community Action Scheme for mobility of University

students), Tempus va бошқа дастурлари асосида чет элларда таҳсил олиш имкониятига эга бўладилар.

Erasmus дастури бўйича Европа ҳамжамияти университетлари ўртасидаги талабалар алмашинуви схемаси, даставвал 145 олий ўқув юртларини қамраб олган эди.

Erasmus дастурининг ютуқларидан бири, бу Европа университетларидаги ўқитиш натижаларини ўзаро тан олиш тизими – European Credit Transfer System (ECTS) ни яратиш, синаш ва амалиётга кенг қўллаш деб айтиш лозим.

2001 йилда, ўқув жараёнини ташкил этишнинг кредит технологияси ECTS, Европанинг 1200 та университетларида аллақачон қўлланилган эди.

2001 йилда, 29 та Европа давлатлари таълим вазирлари томонидан Болонья декларациясининг имзоланиши, Европа таълим ҳудудини яратилишида, муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Болонья декларациясига кўра, дипломларнинг ўзаро тан олиниши яъни ўқитиш натижаларини якуний кўрсаткичларнинг ўзаро тан олиниш муддати – 2010 йилга белгиланган.

Болонья декларациясига кириш учун қўйидаги дастлабки талаблар қўйилади:

- Олий ўқув юртигача, 12 йиллик таълим;
- Икки босқичли олий таълим-бакалаврият ва магистратура;
- Ўқув жараёни ва ўқитиш натижаларини баҳолаш, ECTS кредит технологияси асосида ташкил этилиши.

Ўқув жараёнини ташкил этишнинг ECTS кредит технологиясига ўтишда қўйидаги мақсадлар кўзланади:

- Хорижда ўқишни давом эттириш учун олий ўқув юртини танлашда шарт-шароит яратиш;
- Ўзбекистонда таълим олган муддатини хорижий давлатларда тан олинишини таъминлаш;
- Европа олий ўқув юртлари ўқув режаларини ўрганиш ва шу асосида ўқув жараёнини такомиллаштириш;

- Талаблар қобилиятини тўлароқ очилишига ва ўқитишнинг юқори натижаларига эришиш;
- Дипломларни ўзаро тан олинисига эришиш.

ECTS – бу ягона Европа таълим ҳудудини яратишнинг ибтидосидир.

ECTS кредитлари. «Кредит» атамаси (ECTS-credit)- синовдан ўтди, маълум бир курсни ўқув юртида ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома маъносини англатади. ECTSда «Кредит» - шартли синов бирлиги бўлиб, талабанинг ўқув фанининг маълум бир қисмини ўтганлиги ҳақидаги маълумот беради. Ҳар бир ўқув фанига маълум миқдордаги кредит birlikлари ажратилади. Кредит birlikлари сони, талабаларнинг меҳнат сарфига мос ҳолда белгиланади.

Талабанинг меҳнат сарфи – аудитория машғулоти, мустақил ишлар ва ўқув режасида кўзда тутилган бошқа фаолиятларини ўз ичига олади. Яъни ECTS кредитлари фақат аудитория соатлари билан чегараланмасдан, талабаларнинг тўла юкланмасига таянади. Шунинг учун ECTS кредитларини, талаба меҳнат сарфининг ўқув фанлари бўйича шартли - сонли ифодаси деб ҳисоблаш мумкин.

Одатда ўқув режасидаги фанларга ажратиладиган кредитлар сони 3 га тенг, ундан кўп ва кам сонли фанлар ҳам мавжуд.

ECTS да кредитлар йиғиндиси семестрда - 30, ўқув йилида – 60, бакалавриатдаги ўқув даврида – 240 ни ташкил этади.

ECTS кредитлари барча ўқув фанларига, яъни мажбурий ва талаба танлови асосида фанларга тақсимланади. Улар мазкур фан бўйича курс лойиҳалари ва ишларининг мавжудлигини ҳисобга олишлари зарур.

Ўқув фанига ажратиладиган кредитлар миқдори, фаннинг мураккаблигига ва ўзлаштириш даражасига боғлиқ бўлади. Яъни ҳар қандай мураккаб фан ҳам катта миқдордаги кредитларга эга бўла олмайди.

Агар мураккаб фан билиш ва тушуниш даражасида ўзлаштирилган бўлса, кам мураккабли ўқув фани малака даражасида ўзлаштирилса табиийки охиргисига кўпроқ кредитлар ажратилади. Шунинг учун турли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун, бир фаннинг ўзи турли ўқув

дастурларига ва унга мувофиқ турли меҳнат сарфи ва кредитларга эга бўлиши мумкин.

ECTS нинг хусусиятлари. Замонавий ўқитиш технологияси, олий таълим муассасасининг жиҳозланганлиги, профессор-ўқитувчилар таркиби фақат даражали, юқори малакали кадрлардан иборат бўлиши, ўқитишнинг юқори сифатлари - ECTS учун дастлабки зарурий талаблар ҳисобланади. Ўқув жарёнини ташкил этишнинг ушбу тизими, қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга.

Ўқув режаси бўйича:

Барча ўқув фанлари икки гуруҳга бўлинади - мажбурий ва талаба танлови асосидаги фанлар.

- ◆ Бу нисбатан тахминан 1:2 тенг қабул қилинади;
- ◆ Ҳар бир талаба шахсий ўқув режасига эга бўлади;
- ◆ Асосий ҳужжат транскрипт (transcript of records) у ECTS нинг унификациялашган ҳужжат бўлиб, ягона шаклда тузилади, ўқитиш натижаларини тан олиш учун мажбурий ҳужжат ҳисобланади. Транскриптда, талабанинг мазкур давлатда қабул қилинга баҳолаш тизимида ҳам, ECTS тизими бўйича ҳам олган баҳолари, олинган ECTS кредитлари бўйича маълумотлар келтирилади.

- ◆ Ҳар бир семестрда ўрганиладиган фанларнинг сони 3-5 та бўлиши;
- ◆ Мустақил ишга ажратилган соатлар, аудитория соатларида кўп бўлиши;
- ◆ Кредит ўзида талабанинг ўқув фанини ўзлаштириш учун зарур бўлган барча меҳнат сарфларини мужассамлаштирди. Ўқув фани учун ажратилган кредитлар сони, аксарият ҳолларда 3 га тенг бўлади.

Ўқув фани дастурининг мазмуни (silabus) қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ◆ Ўқув фаннинг тўлиқ номланиши ва унинг ўқув режасидаги тартиб рақами;
- ◆ Ўқув фанини ўрганиш мақсади;
- ◆ Ўқув фанининг қисқача мазмуни;
- ◆ Календар-мавзувий режа, машғулотлар жадвали билан;
- ◆ Ўқитиш технологияси;

- ◆ Талабанинг масъулияти ва унга қўйилган талаблар;
- ◆ Талабалар билимини баҳолаш тартиби ва мезонлари;
- ◆ Асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати

Ўқитувчининг ўқув юкларини ҳисоблашда:

- ◆ Умумий меҳнат сарфи миқдори (аудитория соатлари ва мустақил иш) бир ўқув йилида 750-800 соатни ташкил этиши - эътиборга олинади.

Ўқитиш жараёнининг асосини:

- ◆ Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиялари;
- ◆ Талабанинг мустақил ишида, ўқитувчи маслаҳатчи сифатида иштирок этади;

- ◆ Талаба ўқув фанини ва ўқитувчини танлаш ҳуқуқига эга.

ташкил этади.

Ҳар бир талабага ахборот пакети берилади, у қуйидагиларни ўз ичига олади.

- ◆ Олий таълим муассасида ҳақида маълумот;
- ◆ Ўқув режаси;
- ◆ Ўқув жараёнининг графиги;
- ◆ Ўқув фанларининг мазмуни;
- ◆ Олий таълим муассасада қабул қилинган таълим тизимининг методик хусусиятлари ҳақида маълумотлар;

◆ Талабалар билимини баҳолаш тизими ва баҳолар шкаласи ҳақида маълумотлар;

- ◆ Ижтимоий-маиший шарт-шароитларга тегишли маълумотлар;
- ◆ Тарихий ва маданий соҳага оид маълумотлар;
- ◆ Қўшимча таълим хизматлари тўғрисида маълумотлар.

ECTS – олий мактабда ўқув жараёнини ташкил этишнинг энг демократик тизимидир.

ECTSнинг асосий тамойиллари. ECTS қуйидаги асосий тамойилларга таянди:

1. **Transferancy** – бу ECTS тизимига хоҳлаган шахс ёки ташкилотнинг тўсиқсиз киришига шарт-шароит яратиш. Ушбу шарт-шароит кучли ахборот тарғиботи воситасида яратилади, унинг натижасида умумий янгилик, аниқлик ва очиқлик муҳити шакллантирилади.

Ахборот тарғиботи қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ◆ Алмашиш схемасига киритилган талабаларнинг ўқиш натижалари ҳақида бир бирига ўз вақтида ахборот етказиб туриш;

- ◆ Олий ўқув юртларининг ўз ахборот пакетлари билан мунтазам алмашиб туришлари, таълим хизматлари доирасида бир бирини имкониятларини ўрганиш;

- ◆ Олий ўқув юртларида, ECTS ҳақида тўла маълумотларнинг мавжудлиги.

2. **Agreement** – Талаба билан иккала олий таълим муассасасининг ECTS координаталарини орасида тайёрлаш мазмуни, ўқиш тартиби ва муддатлари, аттестация тадбирлари, ўқув режаларидаги фарқни бартараф этиш тартиблари ҳақида ўзаро келишувларини англатади.

3. **Credits** – Host университетда (қабул қиладиган университет) муваффақиятли ўтилган барча фанлар Post- университетда (талабани бошқа ОТМ га жўнатган университет) ҳисобга олиниши зарур.

4. **Таълимнинг инсонпарварлашуви** - бу шахснинг турли таълим хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириши ва таълим жараёнида инсон қобилиятининг очилишини англатади. ECTS таълимни давом эттириш учун олий таълим муассасасини, ўқув фанларини ва ўқитувчиларни танлаш имкониятни беради.

5. **Таълимнинг индивидуаллаштируви** - бу ҳар бир талабанинг индивидуал режа ва таълим дастурларига эга эканлигини ифода этади. Талаба танлови асосидаги фанлар 70% ни, мажбурий фанлар эса 30% дан ошмайди. Талабанинг мустақил иш ҳажми 70% ни, аудиториядаги иши эса 30% ташкил этади. Ушбу кўрсаткичлар индивидуал таълимни ташкил этишга асос бўлиб хизмат қилади.

6. **Таълимнинг самарадорлиги** – гуруҳда индивидуал ўқитишли аудитория машғулоти ва талабанинг мустақил ишларини уйғунлаштириш орқали таъминланади. Аудитория ўқув вақтининг 70% гача қисмини индивидуал ўқитишга, шунингдек умумий ўқув вақтининг 70% гача қисмини мустақил ишга ажратилиши ўқув фанларининг талабалар томонидан табиий қобилиятлари даражасида ўзлаштиришга имкон яратади. Ушбу билан таълимнинг самарадорлиги таъминланади.

ECTS тамойиллари - шахснинг тўла ривожланиш учун шарт-шароитлар яратиш зарурийлигини кўзда тутади.

Назорат саволлари:

1. Ўқитувчиларнинг бошқа касб эгаларидан ўзига хосликлари қандай?
2. Ўқитувчиларнинг педагогик-психологик тайёргарлигини таркиб топтириш парадигмаларини санаб беринг?
3. “Модернизация” тушунчаси қандай маънони англатади?
4. “Таълим тизимининг модернизацияси” деганда нимани тушанасиз?
5. Таълим инновациялари деганда нимани тушунасиз?
6. Таълим инновацияларининг қанай турлари мавжуд?
7. Нималар инновацияларнинг асосий кўринишлари саналади?
8. Инновацион жараёнлар қандай ёндашувлар асосида ташкил этилади?
9. Инновацион фаолият нима ва унга қандай белгилар хос?
10. Инновацион жараён қандай тузилмаларга эга?
11. Таълим инновацияларини педагогик жараёнга татбиқ этиш қандай босқичларда кечади?
12. Педагогларда инновацион ёндашувни қарор топиш қандай босқичларан иборат?
13. Хориж таълим тажрибасида дифференциал, интегратив таълимнинг мазмун моҳиятини баён этинг.

2-мавзу: Бакалавриат йўналишлари ва магистратура ихтисослари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методлари. (2 соат)

Режа:

1. Ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш.
2. Ўқув машғулотларининг ҳар хил турларини ўтказиш методикаси.
3. Талабаларда танқидий фикрлашни шакллантириш, мустақил ишларини ташкил этиш. Иқтидорли талабалар билан ишлаш.

2.1. Ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш. Ҳозирги замон таълимнинг мақсади - шахснинг унга ва жамиятга ижтимоий аҳамиятга молик фаолиятга киритиш учун зарур бўлган хоссаларини ривожлантириш. Таълимнинг мазкур мақсади билимлар, ўқув ва кўникмаларга комил инсонни вояга етказиш учун зарур бўлган воситалар сифатида ёндашиш имкониятини беради. Билимлар, ўқув ва кўникмалар ўзлаштирилаётган маданиятни ҳаётда қўллаш учун зарур. Айни шу сабабли таълим муассасаларида фанлар ва санъат асосларини ўрганиш бирдан-бир мақсад эмас, балки ҳақиқатнинг тагига етиш ва уни синовдан ўтказиш, гўзалликни билиш ва ривожлантириш усулларини ўзлаштириш воситаси ҳисобланади.

Назарий даражада ўқув режаларида ўз ифодасини топувчи таълимнинг мазмуни ўқув фанларида конкретлаштирилади. Ўқув дастури - ўқув фанига доир билимлар, ўқув ва кўникмалар мазмунини, дунёқарашга доир асосий ғояларни ўрганиш мантиқини ёритувчи норматив ҳужжат. Унда мавзулар ва масалалар ҳамда уларни ўрганишга сарфланадиган вақт муайян кетма-кетликда баён этилади. У фанни ўқитиш, назариялар, воқеалар ва фактларни баҳолашнинг умумий илмий ва маънавий-яхлит йўналишини белгилайди. Дастурда ўқув материали таълим олиш йиллари бўйича олдинма-кетин жойлаштирилади. Дастурда белгиланган билимлар, ўқув ва кўникмаларни таълим олувчилар тўла ўзлаштиришлари таълим жараёнининг самарадорлигини белгиловчи мезонлардан бири ҳисобланади.

Ўқув режа-олий таълимнинг муайян бакалавриат таълим йўналиши ёки

магистратура мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги ҳажмини белгилайдиган ҳужжатдир.

Қуйидаги модулда ўқув режани олий таълимда тутган ўрни ҳақида фикр юритилади. Ўқув режа ижтимоий, жисмоний, иқтисодий ва маданий атроф муҳитлар таъсири остида бўлади. Бу бўлим узоқ вақтлар давомида атроф муҳит ўзгаришини асословчи мисоллар келтиради. Маълумотлар содда ва тушунарли бўлиши бўлим миллий ва халқаро дастур, ўқув предметларга ажратилган.

Олий таълим контексти

Ўқув режа ижтимоий, жисмоний, иқтисодий ва маданий атроф муҳитлар таъсири остида бўлади. Бундан ташқари АҚШлик Старк деган олимнинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики “штатдаги ислохотлари” (‘staff beliefs’) “фильтернинг контекстли модели” (‘contextual filter model’)нинг дастлабки бир бўлаги бўлган, бироқ:

Хар қандай жараён албатта режалаштирилади, лекин, “киритилган” ва аста тадбиқ этилган хар қандай йўллар муассаса контекстига таъсир қилади. (Stark, 2000, p430)

Бу контекст ўқув режага нимаики киритилган бўлса қаттиқ таъсир этишини изоҳлашни давом эттиради, айниқса талабаларнинг ўзига хос нуқтаи назарларида. Унинг тадқиқотлари штатнинг қарорларига таъсир этувчи 9 та тасосий филтерли контекстларни аниқлаштирган (2.1-жадвалга қаранг).⁶

2.1-жадвал. Қарорларга ўқув режа таъсир этишнинг контекстли филтерлари (Старк, 2000)

(Contextual Filters that Influence Curriculum Decisions)


Талабалар характерлари	Прагматик омиллар
Талабалар мақсадлари	Педагогик адабиётлар
Ташқи таъсирлар	Уюшмалар
Даструлар мақсади	Воситалар ва имкониятлар

⁴ O’Neill, G. (2015). Curriculum Design in Higher Education: Theory to Practice, Dublin: UCD Teaching & Learning. ISBN 9781905254989 //www.ucd.ie - 10 б.

Муассаса мақсади	
------------------	--

Улар турли тумандир ва бошқа контекстли филтерлар ўқув режасини режалаш жараёнига таъсир этувчи International, National, Institutional, Дастур, Ўқув предметлар контекстларига ажратилган бўлиши мумкин. (2.1-чизма).

2.1-чизма – Ўқув дастур Ўқув предмет, Тасдиқланган (Institutional), Миллий, Халқаро контекст



Контекстли таъсирларни англаш қийинчилиги шундаки улар доим ўзгаришидадир ва қизиққан шахслар, дастурлар, вақт, шароит учун бебаҳо. Шунинг учун қуйида контекстларнинг баъзи бир жиҳатларини кўрип чиқамиз.

Халқаро контекст: Глобал дунё.

Халқаро контекст доимий тарзда ўзгарип туради. Мураккаб ўзгарувчандунёга талабаларни тайёрлаш тушунчаси дастур тайёрлайдиганлар учун фаолиятлар маркази ҳисобланади.

Эдинбург университети тадқиқотчилари педагогик жамоа ўзгарувчан дунёга қандай таъсир эта олиши мумкинлиги ҳақида таҳлил олиб боришган. (см. практический ресурс). Британия совети томонидан Олий таълим муаммолари ва асосий жиҳатларига бағишланган “Олий таълим глобал тенденциялари ва 2020 йилда бўладиган имкониятлар: Кечаётган Глобал 2012” деб номланган

нашриётида келтирилишича глобал атроф ўзига хосликлари учун олий таълимнинг баъзи бир асосий имкониятларини бирлаштиришади:

- Халқаро талабалар ҳаракати
- ички таълим тизимининг ўлчами ва ўсиши
- миллатлараро таълим (TNE)
- академик халқаро тадқиқотлар ҳамкорлиги
- Иш юритишдаги халқаро тадқиқотлар ҳамкорлиги.⁷

Дастурлар халқаро талабалар ва турли фондлардан талабаларни жалб этганлиги муносабати билан таълим олаётган турли халқнинг қатламлари талаблари учун ўқув режани лойишатириш юзасидан ўсувчи талаб мавжуд. Шундай турли туман талабалар гуруҳининг ўсиши (Британия Советининг ҳисоботи 2012) билан бирга, Хол ва Томас (2005) шуни таъкидлашадики, олий таълим билан иш берувчилар ўртасида талаба алоқадорлик намоён:

Олий таълимнинг мақсади ва унинг ўзига хос имкониятлари..., бу таълимни дунё меҳнат бозори билан яқинлаштириш... бугунги кундаги маркази масалалардар бири ҳисобланади(Хол & Томас, 2005, р69)

Бугунги кунда ўқув режани режалаштириш унчалик осон иш эмас, чунки бугун мавжуд бўлган иш ўринлари эртага келиб йўқ бўлиши мумкин. Майкл ва Боулрэджд (2003) бу ҳақда АҚШ нашрлариди.

Бугун битираётган битирувчи нафақага чиқгунга қадар кўп маротаба ўз кабий фаолиятларини ўзгартириши кўпчилига маълум. Шунингдек, кеклажакда ишлаши мумкин бўлган касбий фаолият турлари яли яратилмаган ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам олий таълим тизимини бошқарувчилари фанлараро ўқув режалари ва ҳамкор соҳаларга ўзларининг эътиборларини қаратишди. (131 б.)

Иқтисодий шарт-шароитлар олий таълим ўқув режасига алоҳида таъсир кўрсатади. Лекин олий таълимга киритилган инвестициялар халқаро даражада аҳамият касб этиши мумкин. Таълим Иқтисодиётида Asplund (2008) шундай маълумот беради.

⁵ O'Neill, G. (2015). Curriculum Design in Higher Education: Theory to Practice, Dublin: UCD Teaching & Learning. ISBN 9781905254989 //www.ucd.ie - 11 б.

Бугунги кундаги кенг таълим инвестицияларга доир келишувлар бандликни, рақобатбардошликни, ижтимоий яхлитликни ва ўсишни таъминловчи асосий омил бўлиб ҳисобланади. Шунга қарамай, турли давлатларда шундай инвестицияларни тадбиқ этиш бўғича ўзига хос ҳаракатлар, тафовутлар мавжуд. Одатда бунга ижтимоий зарурат учун ҳаракатлар билан шахсий молиялаштириш учун ўзгарувчан имкониятлар собаб этиб кўрсатилади (261 б.).

Битирувчида шаклланган кўрсаткичларининг ривожланиши, ҳоҳ у ўқув фани даражасида, ҳоҳ универсал касбий даражада бўлсада ўқув режаларда халқаро даражада ўсиб борган.

D'Andrea ва Gosling (2010) олий таълимдаги баъзи бир халқаро тенденцияларни бирлаштиришади: турли туман талабалар профили, глобаллашув, етказишдаги қулайлик, marketisation, молиялаштирув, маъсулият. Бундан ташқари, Bologna жараёни ва Erasmus дастури талабалари – европа даражасида ўқув режаларни тадбиқ этишда наъмуна бўла олади.

Тасдиқланган (Institutional) контекст

Ҳар қайси таълим муассасасида ўзларининг шахсий ижтимоий, тарихий, иқтисодий ва сиёсий контекстлари мавжуд. Улар ўқув режани маҳаллий масштабда қай даражада ишлаб чиқилганлигини назорат этиб туради. Ирланд олий таълим тизимини модуллаштириш талабалар оқимини ва ўқишдаги танловини ривожланишга имкон берди, аммо, муассаса жамоасини бу ўқув режадаги фанлар блокларини қай даражада ривожлантиришига ҳаракат қилишларига ҳам таъсир кўрсатди. Икки Ирландия таълим муассасаларининг тадқиқотларига кўра шундай ёндашув асосида ишлаётган маҳаллий сиёсат ва жараёнлар ўқув режага баъзи бир салбий таъсирларни кўрсатди:

Шу каби тузилмавий ва стратегик масалалар дастлабки йилдаёқ ўқув режа киритилмаган таълим муассаса, босқичларни такомиллаштирилганлик, узок йўлдан кириб келадиган талабалар ва танлов модуллашда тузилма мавжуд эмаслиги каби муаммолар билан боғлиқ бўлди. (O'Neill ва бошқалар., 2014, 7-б.).

Дастур ва ўқув предмет контексти

Таълим муасаса ресурслари ва дастурлар даражаслари ҳам дастурларнинг табиатига таъсир кўрсатади, масалан, шарт-шароит ва штатлар сонига. Бундан ташқари, кўпчилик фанларни ўзига яқин фанлар кетма кетлигига, жойлашувига қараб лойиҳалаштиришади. Олий таълимда сўнги ўн йилликларда кучли, киришувчан фанлар чегараларида ўсувчи эътирофлар мавжуд. (O'Neill ва McNamara, 2015, 7-б). Бу шу соҳадаги кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўз тасдиғини топган (Becher ва Trowler, 2001; Неумен, 2001). Бироқ, шу билан бирга узони кўзлаган шундаш тасаввурлар мавжудки, бунги бўлиб келаётган касблар эртанги бўмаслиги ҳам мумкин, шунинг учун дастурлар жамоалари фанлараро алоқаларни тадқиқ этишлари лозим. Trowler, 2013, 6-б).

Ўқув режа модели


Юқорида келтирилган маълумотларни инобатга олиб, муҳим бўлган ўқитиш ҳақидаги қарашларни ва ёндашувларни ўрганиши алоҳида аҳамиятга эга. Бў қисмда барчага ёки сизи дастурингиз аспектларига мос келувчи ўқув режалар мавжудлигини тадқиқ этамиз. Ўқув режа моделлари аниқ ўқитишда, ўрганишда, баҳолашда фойдаланиш учун тушунтиришларни тизимли ва яхлит режали лойиҳалаштирувчиларга ёрдам беради. Ornstein ва Hunkins (2009) ўқув режани ишлаб чиқаётганда фақат техник эмас, шахсий муносабатлар, ҳис-туйғу ва қадриятлар каби инсоний омилларни ҳам ҳисобга олиш кераклигини таъкидлашди. Шунинг учун ҳам, бу сиз учун фақат намуна сифатида қабул қилиб, шахсий маҳоратингиз ва шахсий фикрингизни инобатга олиш ва талабаларни яхши ўзлаштиришига учун манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Одатда кўплаб муаллифлар томонидан ўқув режа моделларини “Лойиҳа модели” ёки “Жараён модели” номлари билан келтирилади. Нери (2003b) ўқув режа сифати ва самарадорликка олиб келувчи омилларни шундай изоҳлайди (Жараён модели) (4.1-чизмага қаранг). Кўплаб дастурларда бу иккала модел элементлари мавжуд бўлиб, шу билан бирга ишлаб чиқиладиган дастурда бошқа ўзига хос жиҳатларини эътиборга олиши ҳам мумкин ⁸

4.1-чизма – Тараққиёт ўқув режасининг маҳсулот ва жараён

⁸ O'Neill, G. (2015). Curriculum Design in Higher Education: Theory to Practice, Dublin: UCD Teaching & Learning. ISBN 9781905254989 // www.ucd.ie - 26 б.

моделлари



<p>Режа ва мақсадлар Хулқ-атвор Баҳолашнинг аниқлиги Тузилма Таналов фанлар рўйхатидан танлаш Ўқитувчи режаси</p>	<p>Ўрганиш фаоллиги Талабалар томонидан фанларни танлаш Шарт-шароитлар Ижтимоий кўникмалар</p>
---	--

Маҳсулот моделини Американинг тараққиёт ўқув режасига катта таъсир кўрсатган Тейлорнинг (1949) ёзма манбаларида қайд этилган (O'Neill, 2010):

Тейлор омонидан Пофэм и Бейкер (1970) каби ривожланаётган моделлар мақсадларни ўрганишда асосан техник фойдаланилганлиги сабабли танқидларга учраган. Болония Декларацияси 1999 йилда (Европа комиссияси, 2009) қаттиқ таъсир остида қолган Европа олий таълим контексти Тейлорнинг ишидан фарқ қилмайдиган моделдан фойдаланилмоқда. (O'Neill, 2010, 63р.).

Маҳсулот моделининг бироқ таълим олийчилар аҳолиси томонидан ривожланишда ва натижаларини шаффофлигида авзаллик жиҳатлари бўлган ҳамда мазмунга алоҳида эътибор беришмоқда. Бугунги адабиётларда келтирилишича бу моделда фойдаланилаётганда ўқув фаолият натижаларини жуда ҳам таяниб қолмаслиги лозим. (Gosling, 2009; Hussey & Smith, 2008; Maher, 2004; Hussey & Smith, 2003). Масалан, Hussey ва Smith шундай таъкидлашади:

Талабалар мотивацияси-ўрганишда асосий элементдир, биз шуни таклиф

қиламизки, ўқитаётганлар ўқув фаолият натижаларини тўғирлаши ва унинг янада кенг кўламда ва мослашадиган (гипко), баҳоланишлар натижасида ўзгаришлар киритадиган, ва булардан ўзи қаноатланадиган бўлиб ишлаб чиқишни бошлаши зарур. (Hussey ва Smith, 2003, 367-б.)

Knight (2001) Ўқув режадаги маҳсулотга нисбатан режалаштириладиган Жараён моделига кўпроқ афзалликни беради. У ўқув режани-жараён, етказиш ва шароитлар, ҳуқуқ каби қисмлардан иборат ва аҳамият касб этадиган мураккаблилик назарияси талаблари асосида белгиланган шу йўл билан режалаштириш яхши натижаларни беради деб таъкидлайди. Бу шуни ифода этадики ўқув фаолияти натижалари маҳсулот моделига кўпроқ вақт ажратиш, қимматлироқ бўлиши мумкин, даставвал ўқитишга, ўрганишга бўлган ҳаракатларингиздан ўзи нимага эришишга интилаётганлигингизни кўриб чиқиш зарур, ва шундагина моделнинг ўқув фаолияти натижалари ҳақида дастурни ёзишингиз мумкин.

Жараён ва Маҳсулот моделларига қўшимча равишда дастурингиз дизайнига мос келувчи индивидуал ёки жамоавий деб аниқланган турли диапазон мавжуд. Баъзи бир ўқув режа моделлари мактаб даражаси, ундан кейинги, кўпталар таълими контекстларидан чиқиб келган. Бироқ кўплари турли соҳалар орқали тадбиқ этилади. Баъзилари “модел” сифатида келтирилган ва улар кўпроқ мос келганлиги сабабли “проект” бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин, яъни ўқув предмети мувофиқлашган проектлар бўлиб. 4.1-жадвал баъзи моделларнинг ифодасини келтиради.⁹

4.1-жадвал – Ўқув режа моделлари ифодаси

Ўқув режа модел(лойиҳа)лари					
Олий таълим	2-даражали (мактаб)	2-даражали (мактаб)	Олий таълим	2-даражали (мактаб)	Олий ва олий таълидан кейинги таълим
Маҳсулот	Техник фанлар	Тайлер: Тўртта асосий	Тизимга ёки ишга ёндашув	Ўқув предмет лойиҳага	Конструктив мослаштириш 6 Битирувчилар ифодаси

70'Neill, G. (2015). Curriculum Design in Higher Education: Theory to Practice, Dublin: UCD Teaching & Learning. ISBN 9781905254989 //www.ucd.ie - 29 б.

	р	принциплар 3. Назад дизайн (Уиггинс & Мактай) 1	анъанавий ёки ўқув предмет ўқув режага мувофиқлаш тирилган 3	мувофиқла штирилган 4	/ Компетентлик асосланган (см. также Штрейкбрехера 5), Широкие области 4 Дизайн 4 корреляции Мавзу ўқув режага асосланган
		Блиш моделли (Лэкофф & Нуньес) 1	Билиш ёндашуви 3 Ижтимоий конструктив ёндашув 7		
Жараён	Нотех ник 1	Моделни кўлаб кўриш: Диалогли ёндашув 1	Тажрибага ёки шахсий мулоҳазага асосланган 3	Талаба лойихага этибор қаратади 4	Келишув асосида ўқув режа Жараёнга асосланган ўқув режа
		Ижобий модел 1	Ижтимоий муҳим ёндашув 3	Муаммо лойихага қаратилган 4	Ўқув режанинг интеграллашган лойихаси 5 Муаммо/талаб models3
1= Ornstein & Hunkins (2004); Knight (2001), Neary (2003b); 3= Toohey (2000); 4= Ornstein & Hunkins (2009); 5= Fink (2003); 6= Biggs (2004); 7= Land (2005)					

Ornstein ва Hunkins (2004) ўқув режа дизайнида режалаштиришга асосий этибор қаратишади ва улар ўқув режа моделлари кўп бўлса ҳам кўпчилиги техник ёки техник эмас ёндашувлар бўлиб таснифланади деб таъкидлашади. Бу ўқув режанинг маҳсулот жараён моделлари қайта ишланишидан фарқ қилади (4.1-жадвал). Улар бу ёндашувларни фойдали ёки самарасиз деб қараш керак эмас деб таъкидлашади. Илмий-техникавий ёндашувда ўқув режани ишлаб чиқишда ўқитиш шароитини тузилмалаштириш лойихаси фойдали. Тадқиқ қилинаётган таълимда ёндашув мантиқий, самаралидир. Техник эмас ёндашувда субъектив, шахсий, эстетик ва этибор талабага қаратилган бўлиб изоҳланган (Ornstein & Hunkins, 2004, p207). Жараён Моделдаги Техник эмас ёндашувларнинг баъзи изоҳлари (4.2-жадвалга қаранг).

4.2-жадвал – Техник, илмий ва нотехник, ноилмий

Ўқув режадаги ёндашувларнинг қиёсланиши

Technical /Scientific	Non Technical/non scientific
<ul style="list-style-type: none"> • Curriculum as plan or blueprint • Definable process • Means/end analysis • Usually pre-ordained objectives • Emphasis on efficiency • Criticised as too linear • Tyler 	<ul style="list-style-type: none"> • Questions assumptions of technical approach • Questions universality/objectivity • It stresses personal, subjective aesthetic nature of curriculum • Focus on learner • View learning as holistic • Students as a participants

<p>Ўқув режаси ёки лойиҳаси</p> <p>Жараёни аниқлаш</p> <p>Маъноси ва таҳлили</p> <p>Олдинга қўйилган мақсадни аниқлаб олиш</p> <p>Сифатга эътибор қаратиш</p> <p>Танқидий йўллар</p> <p>Тайлор</p>	<p>Техник ёндашувдаги муаммолар</p> <p>Сифатга оид саволлар</p> <p>Талабларга эътиборни қаратиш</p> <p>Мазмунларни яхли кўрсатиб бериш</p> <p>Талабалар иштирокчи сифатида</p>
--	--

Техник илмий ёндашувда ўқув режанинг кўплаб ҳар хил моделлари мавжуд. Тайлор (1949)нинг оригинал тадқиқот иши ҳам моделлардар бири бўлиб хизмат қилади. Унинг ишлари маҳсулот модели билан мувофиқлик пайдо қилади ва ўқув фаолият натижалари ўқув режасининг асоси ҳисобланади. Ёндашувни ўзгартириш-Wiggins ва McTighe (2010) тасдиқлаганидай қайта дизайн модели ҳисобланади. Бу касбий дастурларда жуда машҳурдир. Чунки бу битирувчининг ғоялари билан билимларини боғлайди. Бундай ёндашув Ирландия

муассасаларининг ўқув режаларида тез-тез фойдаланиб турилади (O'Neill, 2010). Fink(2003)нинг ўқув режа машҳур модели ёндашувлар нотехник, инсонпарвар бўлса ҳам дастурни лойиҳалаш учун унда “Орқага қайтиш” тушунчаси ифода этилган.

4.3-жадвал – Техник, илмий ёндашувларга оид иккита мисол

The Deliberative Model	Post-positivism models
<ul style="list-style-type: none"> • Focus on how select content, procedures and questions one would employ • Reality exists in circles, not linear steps. • Draws on systems theory • E.g: Hunkins conversation approach 	<ul style="list-style-type: none"> • Embrace uncertainty, chaos allowing order to emerge • Curriculum should help student search for instabilities • These do not result in a specified model (usually) but emphasise the social and emergent quality of curriculum

Келишув модели	Танқидий моделлари
<ul style="list-style-type: none"> - Жараёнлар ва саоллар мазмунини фойдаланиш мумкинлигига эътибор қаратиш - Хақиқт мазмунда мужжассам - Тизим назариянинг чизилиши - Хункенснинг суҳбатга ёндашиши 	<ul style="list-style-type: none"> -Мавҳумкликларни қамраб олиш - Ўқув режа талабларнинг тадқиқот ишларига ёрдам бериш лозим - Одатда бу яхши натижа бермас балки, бироқ ижтимоий ва фавқулотда яхши самара беради

Худди шу каби Нотехник ноилмий ёндашувда кўплаб хар хил ўқув режа моделлари мавжуд (Ornstein ва Hunkins, 2004). Бу ёндашувда асосий марказ мазмун ёки ўқув фаолият натижалари хисобланмайди, балки талаба хисобланади. “Ривожланиш жараёнида тажрибавий қайта ишланган мавзуда талабага ўзига ёки биродарига қандай ўзига хос аҳамият топганлик даражаси муҳим” (Ornstein ва Hunkins, 2004, 207-б.) бошқаларга қараганда эътиборлироқ талабаларнинг ёндашувлари ҳам бу ёндашувга кўшилишган бўлишар эди. Олий таълимнинг бугунги дастурларида бу бириктирилган ёндашувлар жиҳатлари мавжуд. Бироқ, бу ёндашув кўплаб дастурларда фойдали бўлиши мумкинлигини кўриб чиқиш муҳим.¹⁰

Мужассам Модель (Ornstein & Hunkins, 2004) талабаларнинг нимани ўргангиси келса шуни ўрганишини эркин танловига эътибор қаратади. Модел мужассам жараён эвазига ўқитувчилар талабаларга ўз ғояларини етказиши ва таълим-тарбия олишни биргаликда режалаштириш ва шу режани доимо назорат қилиб боришни таклиф этади. Пост-позитивзм модели тарафдорлари бунга ўқитувчиларнинг камроқ аралashiши тарафдоридир. Бу ёндашувда талабаларга улар хоҳлаган ғоялар ва маълумотларни инъом этишмайди, лекин ривожлантирадиган ва янги келишувлар олиб келадиган мазмунни ўзгартиришлари мумкин (Ornstein ва Hunkins, 2004, 213 б). Бундай ёндашув мураккаброқдир, аммо кутилмаган ижодикорликни олиб келиши мумкин.

Бу моделни бошқача тадқиқ қилинадиган бўлса уларни ўқув претметига маказлашган ёки талабага марказлашган моделларни текшириш даркор (Ornstein ва Hunkins, 2004). 4.1-жадвалда кўриниб турганидай бу ғоя маҳсулот, жараён ёки техник, нотехник бўлиши ҳам мумкин. 4.6 ва 4.7 жадвалларда бу лойиҳа(кўриниш)ларга келиши ифодаланган.

4.6-Жадвал. Ўқув предметларга марказлашган лойиҳа (кўриниш) (Ornstein & Hunkins, 2004)

⁵ O’Neill, G. (2015). Curriculum Design in Higher Education: Theory to Practice, Dublin: UCD Teaching & Learning. ISBN 9781905254989 // www.ucd.ie - 31 б.

Ўқув предметлар асосланган	Ўқув предметда (лойихада) иштирокчилар фаолиятини ифода этадиган концептуал гуруҳларга асосланган ўқув предметлар бир нечта ўқув предметлар орасидаги билимларни инкор этади.
Кенг соҳалар	Бир нечта ўқув предметларни фанлараро ўқув предметлар соҳасига боғлаш (копроқ билимлар интеграциясига имкон бериш), яъни, Фан, Ижтимоий тадқиқотлар, Гуманитар фанлар.
Концептуал гуруҳлар	Кенг соҳаларда концептуал гуруҳлар бўлиши мумкин, масалан, “Фан, Технология ва Жамият” ёки “Колониализм”
Мавзуга асосланган	Тушунчалар орасидаги муносабатлар ва ўхшашликлар муҳимлигини ифода этади. Маданиятга ва ходисаларга асосланган.

**4.7-Жадвал: Талабаларга марказлашган лойиҳа(кўриниш)
(Ornstein & Hunkins, 2004)**

Келишилган	Талабалар билан имкониятлардан келиб чиққан холда ўқиш кераклиги хақида келишиб олиш. Бу жараёнда ўзига хосликларни ўрганишдан фойдаланиш бу ёндашувга умумий боҳолашда кенг имкон беради.
Жараёнга асосланган	Мазмунга эмас ўрганиш жараёнига алоғида эътибор қартиш. Масалан, танқидий фикрлар, рефлексив ёзувлар атрофида тизимланиш. Баҳолаш жараёнида ўзини баҳолашга ҳам эътибор қаратиш лозим.
Интеграллашган ўқув режа	Интеграциялар орқали бўлажак билимларни оширадиган лойиҳалар. Масалан, спирал ўқув режа.

Талабаларга марказлашган лойиха (кўриниш) кўплари ўқитувчилар ўз талабалари ҳақида кўпроқ асосланган қарорлар қила олишига ишонганда фойдаланилади, масалан магистрлар ёки катталар таълимида каби. Бироқ катта ресурслар имкон берса балки талабалар анча вохлироқ бунга мослаша олишган бўлишар эди. (Бу ёндашув ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлмоқчи бўлганлар учун: Barrett ва бошқалар томонидан нашр этилан.¹¹

Магистр даражасидаги ўқув режанинг баъзи моделлари

Юқорида келтирилган кўплаб моделлар талаба ва битирувчи даражасига ҳам таълуқлидир; бироқ, сони ўсаётган магистр дастурлари алоҳида эътиборни талаб этади ва уларнинг кўпчилиги алаша ёки тўлиқ онлайн моделлардан фойдаланилади. (4.8-жадвал).¹²

4.8-жадвал - Post Graduate (магист) аспирант учун баъзи умумий ўқув режа моделлари

М аҳсулот	Ўқув предметга асосланган	Ўқув предметнинг концептуал тузилмасига марказлашган (ўқув предметлар орасидаги билимларни инкор этади). (Ornstein & Hunkins, 2009; O’Neill 2010)
	Ўқув режа мавзусига асосланган	Тушунчалар орасидаги муносабатлар, ўхшашликларни ифода этади. Маданиятга асосланган хотисалар (Ornstein & Hunkins, 2009). Гуруҳлар мослашиши мумкин, чунки улар ўқув предметлар чегаралида пайдо бўлади. Lansu ва бошқалар. (2013)
	Таянч ибора (Земля и др. 2008)	“Таянч ибора” ўқув предметда фаол иштирок этиш учун қаратилган қачондир анланган асосий тушунча ҳисобланади. Бу аҳамиятли ривожланиш учун зарур бўлган қайта

¹¹ “Handbook of Enquiry and Problem-based Learning Irish Case Studies and International Perspectives <http://www.aishe.org/readings/2005-2/>

¹²O’Neill, G. (2015). Curriculum Design in Higher Education: Theory to Practice, Dublin: UCD Teaching & Learning. ISBN 9781905254989 // www.ucd.ie - 35 б.

		<p>ишланган билимни ифода – деб, NAIRTL директори доктор Бетти Хиггс таъкидлайди. Дастлабки тушунчага этибор қаратиш ўқув режани бортирилишидан холис этади, деб доктор Хиггс яқунднайди. www.ucd.ie/teaching/news/news_items/name_200213,en.html http:// (О'Махони ва бошқалар, 2014),</p>
Ж араён	<p>Талаб ёки муаммо ўрганишга қаратилган</p>	<p>Кўплаб жавоблар ёки ечимларни ифода этувчи мураккаб муаммо ёки сценарияга эга мажбуриятлар. Талабалар кўплаб саволларни йўллайди ва методларни фойдаланилади. Таҳлиллар талаблар эга билимлардан унумли фойдаланишларини ва ўрганишлари зарур бўлган жиҳатларни талаб этади. Вазифалар фаол тадқиқотлар олиб бориш учун ва янги исботларни топишга қизиқишни оширади. Таҳлил этиш бўйича маъсулият талабага ётади ва муаммога ўзининг мос ечимини қўллаб қувватлашга ўзига хос йўллар билан мувофиқлаштириш зарур. Жараён учун жамоавий ишлаш жуда муҳим. (Kahn & O'Rourke, 2005)</p>
	<p>Диалогли ёндашув</p>	<p>“Рухсатлар ва қизиқишлар”, “Миллий Он-лайн”, “маълумот алмашинуви”, “билимларни шакллантириш” ва “ривожланиш” (2011, p. 32) орқали амалга ошириладиган Salmon'нинг моделларига эътибор қаратиш eLearninglearners бўлиши керак scaffolded мазмундан келиб чиқиб, шу билан бирга eLearningenvironment (Baker & Watson, 2013)</p>

	Лориллар д (2002) 'диалогов ая структура'	Laurillard (2002) ўрганишни педагогик тизимнинг талаби сифатида кўради ва диалоглар, келишувлар орқали талабалар мақсадларини кўллаб қуватлайди.
	Бошқа ўзгаришлар	Clinton & Rieber (2010)га қаранг (Студиянинг тажрибаси асосида) адабиётлар рўйхатига киритиш зарур. Baker & Watson (2013) га қаранг (Инглиз тилидан мисол) адабиётлар рўйхатига киритиш зарур.
	Ижтимоий муҳим	Ижтимоий танқидий ғоя талабаларда шандай танқидий фикрлаш жараёнини бизнинг жамиятнинг муаммолардан хабардор бўлишларини тақозо этади (Toohey, 1999, 63). Также Персик, S. (2010) адабиётлар рўйхатига киритиш зарур.
	Келишилган ўқув режа	Талабалар нимани ўзлаштирилиши кераклигини келишиб олишади, ўз имкониятларини ҳисобга олган олда. Шартномаларни, турли туман баҳолашдан фойдаланган холда. (Ornstein & Hunkins, 2009) адабиётлар рўйхатига киритиш зарур.
	Тажрибага а осланган ёки ифода этилиши	Шахсий кўникма ва тажрибага таяниш муҳимлигига ишониш. Муаммоларни бартараф этишга йўналтириш. Ўқув режа ҳаётий вазиятлар атрофида шакллантирилиши лозим. (Toohey, 1999, O'Neill 2010).

2.2. Ўқув машғулотларининг ҳар хил турларини ўтказиш методикаси.

Лойиха – аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган ҳаракат маҳсули.

Лойиха дастур, модел, технологик харита ва б. кўринишда намоён бўлади. Лойиханинг асосини илмий ёки ижодий характерга эга ғоя ташкил этади.

Лойихалаш – бошланғич маълумотларга асосланиб, кутиладиган натижани тахмин қилиш, башоратлаш, режалаштириш орқали фаолият ёки жараён мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган амалий ҳаракат.

Лойихалаш “**ғоя – мақсад – кутиладиган натижа – тахмин қилиш – башоратлаш – режалаштириш**” тизимига асосланади. Лойихалаш турли воситалар, яъни моддий буюм, қуроллар, м: компьютер технологияси, ватмон ёки оддий иш қоғози, чизғич, қалам, маркер, нусха кўчириш аппарати (принтер) ва б. ёрдамида амалга оширилади

Лойихани яратиш учун педагог лойихани яратиш, жараённи босқичма-босқич ёритиш, мақсадни аниқ белгилаш, мақсадга мос вазифаларни аниқлаш, ўқув материали мазмунини шакллантириш, савол ва топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш, жараён ёки тадбирнинг методик тузилишини асослаш, талаба билим даражасини ташхислаш ва унинг тарбияланганлик даражасини баҳолаш каби кўникма ва малакаларга эга бўлиши зарур.

Таълим жараёнини лойихалаш – алоҳида олинган таълим жараёнини самарали ташкил этиш учун барча омилларни инобатга олган ҳолда унинг лойихаси (схемаси)ни ишлаб чиқиш.

Таълим жараёнини лойихалаш қонуниятлари:

1) таълим жараёнини лойихалаш самарадорлиги барча таркибий қисмлар (технологик жараён, технологик жараённи бошқариш, восита, ахборот, ижтимоий-иқтисоий таъминот)нинг лойихада мақсадга мувофиқ ёритилиши билан таъминланади;

2) таълимнинг технологик воситалари талабаларнинг индивидуал

хусусиятларига боғлиқ ҳолда танланади;

3) лойиҳалаш стратегиялари педагогнинг индивидуал услубига мувофиқ танланади;

4) лойиҳалаш сифати тескари алоқа (педагог ва ўқувчи ўртасидаги) кўлами, лойиҳалаш мазмуни ҳамда барча омиллар самарадорлигига боғлиқ.

Педагогик жараёни лойиҳалаш: **лойиҳа – мазмун – фаолият** учлиги асосида ташкил этилувчи педагогик фаолиятнинг умумий моҳиятини яхлит ифодалашга хизмат қилувчи лойиҳани яратишдир.


Таълим жараёни лойиҳалаш куйидаги босқичларда кечади:



Таълим жараёни лойиҳалаш босқичлари

Педагогик жараёни лойиҳалашда бажариладиган **асосий вазифалар**:

- 1) педагогик фаолият мазмунини таҳлил қилиш;
- 2) натижаларни олдиндин кўра билиш;
- 3) режалаштирилган фаолиятни амалга ошириш лойиҳасини яратиш.



Таълим жараёни лойиҳалашда вазифаларнинг белгиланиши

Педагогик фаолиятни лойиҳалаш, одатда, технологик паспорт ва технологик хариталар воситасида амалга оширилади.

Технологик паспорт (педагогикада) – таълим ёки маънавий-маърифий тадбирнинг асосий кўрсаткичлари ва уларнинг технологик тавсифини ёритувчи ҳужжат.

ОТМдаги ўқув машғулотининг технологик паспорти

Маъруза мавзуси	
Маърузага ажратилган вақт	Талабалар сони
Ўқув машғулотининг шакли ва тури	
Ўқув машғулотининг тузилиши	
Ўқув машғулотнинг мақсади:	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
Таълим методлари	
Таълимни ташкил этиш шакли	
Дидактик воситалар	
Таълимни ташкил этиш шароити	
Назорат	

Технологик харита (педагогикада) – педагогик (таълим ва тарбия) жараёни бажарувчи ёки маълум объектга техник хизмат кўрсатувчи педагогларга тақдим этиладиган барча зарур маълумотлар, кўрсатмаларни ўз ичига олган ҳужжат.

ОТМдаги ўқув машғулотларининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Педагог	Талаба
1-босқич. Бошланғич қисм – ўқув машғулотининг ташкилий-тайёргарлик босқичи (15 дақиқа)		

2-босқич. Асосий қисм – билимларни мустаҳкамлаш босқичи (55 дақиқа)		
3-босқич. Якуний қисм (10 дақиқа)		

Педагогик жараёни лойиҳалашда баъзан моеллаштиришдан ҳам фойдаланилади.

Модел – реал, ҳақиқатда мавжуд бўлган объектнинг соддалаштирилган, кичрайтирилган (катталаштирилган) ёки унга ўхшаган нусхаси.

Моделлаштириш ҳодиса, жараён ёки тизимнинг умумий моҳиятини тўла ёритувчи моделни яратиш.

Ўқув жараёнида қўлланиладиган моделларнинг турлари:

1. Ўқув моделлари (таълим жараёнида қўлланилади; кўрсатмали қуроллар, кўргазмали воситалар, тренажёрлар, таълимий дастурлар).

2. Тажриба моделлари (илмий, амалий тажрибаларни олиб боришда қўлланилади; лойиҳалаштирилаётган объектнинг катталаштирилган ёки кичиклаштирилган нусхаси).

3. Илмий-техник моделлар (жараён ва ҳодисаларни тадқиқ этишда қўлланилади; қурилма, мослама, асбоб, жиҳоз ва механизмлар).

4. Ўйин моделлари (турли вазиятларда объект томонидан турли ҳаракатларни бажариш орқали кўникма, малакаларни ҳосил қилиш мақсадида қўлланилади; компьютер, спорт, иқтисодий, ҳарбий, ишчанлик ўйинлари ва б.).

5. Имитацион моделлар (реал воқеликни у ёки бу даражада шунчаки аниқ акс эттириш учун эмас, балки айнан унга ўхшатиш мақсадида қўлланилади; амалий ҳаракатларни бажаришга хизмат қилувчи турли тренажёрлар, механизмлар).

Муаммоли таълим – талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қиладиган таълим.

Муаммоли таълимнинг илк ғоялари америкалик психолог ва педагог Ж.Дьюи

(1859-1952 йй.) томонидан асосланган. У 1894 йилда Чикагода ўқитиш ўқув режаси бўйича эмас, балки ўйин ва меҳнат асосида олиб бориладиган тажриба мактабини ташкил этган. Ўтган асрнинг 60-йилларида эса муаммоли таълим Л.Рубинштейн, М.И.Махмутов, В.Оқоң, И.Я.Лернер каби тадқиқотчиларнинг қарашлари негизида янада ривожланган. С.Л.Рубинштейннинг “Тафаккур муаммоли вазиятдан бошланади” деган ғояси муаммоли таълимнинг психологик асоси сифатида қабул қилинган.

Муаммоли таълим турлари (М.Н.Скаткин):

1. Билимларни муаммоли баён қилиш.
2. Билимларни муаммоли баён қилишнинг маълум босқичларида талабаларни изланишга ундаш.

3. Кичик илмий тадқиқотларни олиб бориш.

Муаммоли маъруза муаммоли таълимда энг кўп қўлланиладиган ўқитиш шакли саналади.

Муаммоли маъруза – ўқитувчи томонидан талабани муаммоли вазият, муаммоли масалани ҳал этишга йўналтириш орқали унда билиш фаоллиятини оширишга йўналтирилган маъруза.

Муаммоли таълим технологиялари – талабаларда изланиш олиб бориш учун зарур кўникма, малакаларни шакллантириш, уларнинг билиш ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қиладиган технологиялар.

Муаммоли ТТ: муаммоли баён, эвристик суҳбат, муаммоли намойиш, изланишга асосланган амалий машғулот, ижодий топшириқ, хаёлий муаммоли тажриба, муаммо фаразларини шакллантириш, масалаларни муаммоли ечиш оптимал вариантларни танлаш), муаммоли вазифа, муаммоли ўйин.

Муаммоли ТТ – талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қиладиган таълим технологиялари.

Муаммоли таълим асосини **муаммо** (юн. “тўсиқ”, “қийинчилик”) ёки **муаммоли вазият** ташкил этиб, муаммоли ТТ уларнинг ечимини топишга

хизмат қилади. Кўп ҳолатларда муаммо ва муаммоли вазият синонимдек қабул қилинади. Аслида эса улар бир-биридан фарқ қилади.

Муаммоли таълим методлари:

- 1) тадқиқот усули;
- 2) эвристик усул;
- 3) муаммоли вазиятлар яратиш усули;
- 4) муаммоли баён қилиш;
- 5) ижодий усул;
- 6) қисман ижодий усул.

Муаммонинг таркибий қисмлари:

- 1) маълум билимлар;
- 2) номаълум билимлар;
- 3) мавжуд тажриба.

Педагогик муаммо – ҳал қилиниши зарур, бироқ, ҳали ечиш усули номаълум бўлган педагогик характердаги масала.

Муаммоли вазият – талабаларнинг маълум топшириқларни бажариш (масалани ечиш, саволга жавоб топиш) жараёнида юзага келган зиддиятни англаши билан боғлиқ руҳий ҳолати бўлиб, у ҳал этилаётган масала билан боғлиқ янги билимларни излашни тақозо этади.

Муаммоли вазиятларни ҳал қилиш босқичлари:

1. Муаммоли вазиятни яратиш.
2. Вазиятни таҳлил қилиш асосида муаммони қўйиш.
3. Фаразларни илгари суриш.
4. Ечимни текшириш.

Педагогикада муаммоли вазият методи ҳам қўлланилади.

Муаммоли вазият методи – талабаларни муаммоли вазиятга тўқнаш келишини таъминлаш асосида, уларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга асосланувчи йўл, Методнинг моҳияти аниқ вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва унинг ечими юзасидан қарор қабул қилишдан иборат.

Муаммони қўйиш қуйидаги **босқичлар**да кечади:

1. Муаммони излаш.
2. Муаммони қўйиш.
3. Муаммони ҳал қилиш.

Муаммони қўйиш сатҳи	
1-сатҳ	Ўқитувчи муаммони қўяди ва талабаларни уни ҳал қилишга йўналтиради
2-сатҳ	Ўқитувчи муаммоли вазиятни баён қилади ва талабаларнинг ўзлари мустақил равишда муаммони шакллантиради
3-сатҳ	Ўқитувчи муаммони кўрсатиб бермайди, балки унга талабаларни рўпара қилади. Талабалар муаммони англаган ҳолда уни ўзлари шакллантириб, муаммони ечиш усуллари таҳлил қилади

2.3. Талабаларда танқидий фикрлашни шакллантириш, мустақил ишларини ташкил этиш. Иқтидорли талабалар билан ишлаш. Бугунги кунда таълим олувчиларнинг мустақил танқидий фикрлаш, ахборотни излаш ва топиш, ақлий меҳнат маданиятини, мустақил билим олиш малакаларини ривожлантириш замонавий таълимнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Доимий ва тез ўзгариб боровчи технологиялар, билимларнинг янги-ланиши замонавий шароитларга мослашиш кўникмасига эга бўлиш ҳамда янги билимларга интилишни талаб этади. Бунинг учун талабаларни янги билимларни мустақил ўзлаштиришга ўргатиш керак.

Агар таълим олувчиларнинг “Мустақил ўрганиш” ёки “Мустақил фаолият” тушунчаларни олимлар талқинида ўрганадиган бўлсак, мустақил ўрганиш - тафаккур жараёнининг шарти ҳамда ақлнинг хислати, (П.П.Блонс-кий, А.А.Смирнов, Н.А.Менчинская, М.Н.Мардонов, А.М.Матюшкин, Э.З.Усмонова ва бошқалар), мустақил ўрганиш - бу ақлий фаолият усуллари эгаллашнинг натижаси ҳамда шартидир (Д.Б.Богоявленский, Е.Н.Кабанова - Меллер, В.И.Решетников.).

А.Н.Леонтьев, Я.А.Пономарев, А.А.Любинская, В.М.Каримова, Р.И.Суннатова ва бошқаларнинг фикрича қараганда мустақил ўрганиш - бу шахс

хислати бўлиб, масала ечишнинг аниқ усулини танлаш ҳамда ечимини таъминлашдан иборатдир.

М.Г.Ярашевский, Я.А.Пономарев, О.К.Тихомиров таъкидлашича, мустақил ўрганиш - бу шахс ижодий фаолиятининг шартидир.

В.В.Давыдов, М.А.Данилов, А.М.Матюшкин, А.В.Брушленский, Д.Б.Богоявленская, Э.Ғ.Ғозиевлар эса мустақил ўрганиш - бу янги муаммо ёки янги масалани олдиндан кўра олиш, уни таҳлил қилиш ҳамда ўз кучи билан ечиш кўникмасидир деган ғояни илгари сурадилар .

З.Т. Нишонловнинг таъкидлашича, мустақил ўрганиш - бу шахс томо-нидан билимларни ўзлаштиришда вужудга келадиган ҳукмлар ва ҳуло-саларни ўзининг субъектив фикри ҳамда англаганлик туфайли эътиқодни ай-лантириш қобилиятидир.

Юқоридаги фикрлар мазмунан ўхшаш бўлсада ҳар бирида ўзига хос ёндашув бор. Бизнинг фикримизча, мустақил ўрганиш - бу таълим олув-чининг муаммо ёки топшириқ ечимига қаратилган мустақил ва ижодий фао-лияти натижасидир.

М.И.Махмутов талабаларнинг ўқув фаолиятида мустақил ўрганишни шакллантиришни муаммоли таълим билан боғлаган. Муаллиф мустақил билишни уларга мустақил ўқишга имкон берадики, малака ва унинг интеллектуал қобилияти сифатида таърифлайди. Муаллифнинг фикрига кўра мус-тақил билимнинг мавжудлиги кўрсаткичлари қуйидагилардан иборатдир:

А) талабанинг ҳар хил манбалардан янги билимларни мустақил ўзлаштириш кўникмаси ва янги малака ҳамда кўникмаларга эга бўлиши;

Б) ўзлаштирилган билим ва малакаларни кейинги мустақил таълим олиш учун қўллаш малакаси;

В) ҳар қандай ҳаётий муаммоларни ҳал қилиши учун уларни амалий фао-лиятда қўллаш имконияти.

Ҳозирги пайтдаги ўқитишни ташкил этиш шакли мустақил таълим олиш кўникмасини шакллантирмаслиги таълим олувчиларда таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш хоҳишини камайтиради.

Қ. Т. Олимовнинг фикрига кўра мустақил ва мунтазам таълим олиш бугунги кун учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, таълим концепциясининг ўзгариш босқичида «бутун ҳаёти учун билим олишдан-бутун ҳаёти давомида билим олиш» талабини кўяди.

Хорижий тадқиқотчилар бутун ҳаёти давомида таълим олиш - бу бошланғич, умумий ўрта, касб - ҳунар ва олий таълим йиғиндиси эмас, балки инсоннинг бутун ҳаёти давомида таълим олишни шакллантиришни кўзда тутди. Улар таълим олиш инсоннинг бутун ҳаёти давомида узлуксиз жараён бўлиши кераклигини таъкидлайдилар.

Албатта, шу ўринда шуни таъкидлаш жоизки ўқув адабиётлари ҳам ўқув материални талабалар томонидан мустақил ўзлаштириб олинишига самарали хизмат қилиши лозим. Шу муносабат билан унда ўқув материали билимларни ўзлаштиришнинг педагогик ва психологик қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда баён қилиниши керак.

Яратиладиган ўқув адабиётлари талаба ҳаракатини турли усуллар би-лан рағбатлантирилиши, ўзлаштирилган материални талабанинг ўзи томо-нидан назоратини амалга оширишига, унинг эътиборини муайян фаннинг муаммолари ва долзарб масалаларига йўналтиришлари лозим.

Ф.М. Жерар ва К. Рожьелар “дарслик талабаларда мустақил ишлаш малакаларини ривожлантириши, турли ўрганиш методикаларини тавсия этиши, олган билимларини амалиётга қўллашни тақдим этиши керак” деб ҳисоблайдилар¹³

Т.С.Назарова ва Ю.П.Господариклар фикрига кўра ўқув адабиётларининг замонавий авлод ҳам мустақил таълим олиш бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш асоси, талабаларнинг билим олиш фао-лиятини ташкил қилиш воситаси бўлиш ҳамда фанни ўқитишда педагогик технология ва методикаларни қўллаш имконини яратиши керак.

Бизнинг фикримизча, замонавий дарслик-мустақил билим олишни ташкил қилиш учун шароит яратиш, талабаларда табақалаштирилган ёндашув асосида

¹³ [Жерар, Ф.](#) Разработка и анализ школьных учебников : по материалам книги Ф.-М. Жерар и К. Рожье / Ф.-М. Жерар, К. Рожье // Народная асвета. - 2007. -N 7. - С. 14-16.

ижодий фикрлашни ривожлантиришга йўналтирилиши керак.

Бир қатор тадқиқотчилар фикрича ўқув адабиётлари танқидий мулоҳаза юритишга имконият яратувчи восита бўлиши керак. Ҳар бир фан маърузалари муаммоли тарзда бўлиши билан танқидий асосда ўқитилиши, талабаларда ўрганишга, шунингдек танқидий фикр юритилган ўқув адабиётларга нисбатан қизиқишини орттиради, улар қатор фикрлар асосида ўз фикрини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади, маъруза ўқиган педагог билан мулоқот қилиш учун интиладилар, ўз фикр-мулоҳазаларни ифода қилиш йўллари топадилар. Демак, талаба ўз билимини танқидий фикрлар асосида ошириб боради ва ҳар қандай ҳолатда ҳам фикр-мулоҳаза юритиш қобилиятини намоён этади.

Дарсликларда берилган матн, машқ ва масалаларни иллюстратив материаллар, жадвалларни танлашда ўқув-билув фаолиятини бошқариш, яъни дарс жараёнига раҳбарлик қилиш, дарслик материаллари воситасида ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакалари, эгаллаган шахсий сифатларини на-зорат қилиш механизминини ишлаб чиқиш лозим.

Хорижий тадқиқотчилар фикрича, талабаларда мустақил фикрлаш, мақсадга интилиш, индивидуал ва гуруҳий ишлари, ҳамда ижодий қобилиятларини ривожлантириш ва коллеждан ташқари таълим олиш имкониятларини ҳам яратиш, касб-ҳунар таълими муассасаларининг асосий вазифаси бўлиши керак.

Француз олими К. Аллегр таъкидлаганидек, талабаларда мустақил фикрлаш, мақсадга интилиш, уларнинг индивидуал ва гуруҳий ишларини, ҳамда ижодий қобилиятларини ривожлантириш ҳам касб-ҳунар ўқув юртларининг асосий вазифасидир.

Психологларнинг тадқиқотлари таҳлили шуни кўрсатдики, талабаларда билимларини шакллантириш ўқитувчи раҳбарлигида, мақсадли ташкил қилинган фаолият жараёнида самарали ривожланади ва бу педагогик жараёнда ўз аксини топади.

Фақатгина самарали ташкил этилган таълим жараёнида талабада ўқув муаммосини мустақил ҳал қилиш кўникмасини ривожлантириш ва ўрганилаётган билимлар юзасидан келиб чиққан муаммоларни ижодий ечиш

имкониятини яратади.

Шунинг учун ҳам биз бугунги кунда замонавий таълимнинг вазифаси, мақсади, ўрни ва ролини яққол тасаввур қила олишимиз керак.

Биз ҳозирги вақтда қўлланилаётган ўқув-тарбия жараёнида ва педагогик адабиётлар ва тадқиқот ишларида, “мустақил таълим”, “мустақил иш” тушунчаларининг моҳиятини ёритишга ҳаракат қилдик. Баъзан мустақил ҳолда ўқиш ва мустақил таълим тушунчалари адаштирилади. Мустақил ҳолда ўқиш расмий ўқув жараёнидан ташқарида кечиши мумкин, яъни муайян таълим муассасига бормай туриб, уйда ўзи ўқув материаллари асосида мустақил, индивидуал ҳолда ўқиши ва ўрганиши мумкин.

Н.Муслимовнинг фикрича мустақил таълим - билимларни ўзлаштириш тасаввурларини ривожлантириш тушунчалари, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш бўйича ўқув жараёнининг субъектив мақсадига мувофиқ мунтазам, мустақил ҳамда автоном фаолиятни ташкил этиш демакдир.

Мустақил таълим - белгиланган ўқув топшириқларини таҳсил олувчиларнинг мустақил ва ижодий бажаришлари асосида ўтадиган ўқув фаолиятидир. Мустақил таълим негизини мустақил ишлар ташкил этади.

Биз мустақил таълимни педагогик тамойилларга асосланиб ташкил этиш керак, деб ўйлаймиз. Масалан, талабаларнинг онглилиги ва фаоллиги тамойили ўқитишни шундай ташкил этишни назарда тутадик, бунда ўқув-чилар илмий билимларни ҳамда уларни амалда қўллаш методларини онгли ва фаол эгаллаб оладиган, уларда ижодий ташаббускорлик, ўқув фаолиятида мустақиллик, тафаккур, нутқ ривожланадиган бўлсин.

Баъзи тадқиқотчилар талабаларнинг билим савияси уларнинг мустақил таълим олиш ёки ўрганиш фаолиятининг ҳажми ва мунтазамлигига бевосита боғлиқдир, деб таъкидлайдилар. Чунки ҳеч бир инсон мустақил фаолиятсиз келишган мақсадига эриша олмайди. Шунинг учун мустақил фаолиятни билим олиш воситаси ва унинг натижаси сифатида қараш мумкин. Талабаларнинг мустақил билим олишлари, уларнинг тадқиқот ишлари изланиш-лари натижаси

эканлигини кўрсатиш учун бундай натижани ташкил этиш ва бошқариш лозим. Бу эса талабаларнинг билим фаолиятини ривожлантиради.

Мустақил таълим - талабаларнинг ўқув мақсадлари кафолатли эришишларини, шунингдек фан дастурлари доирасидаги ўқув материалларни самарали ўзлаштиришлари бўйича мустақил ишларни бажаришларини назарда тутди. Ўқитувчилар эса талабаларнинг мустақил таълим олишга интилишларини рағбатлантиришлари ва тўғри йўналтира олишлари лозим. Талаба якка ҳолда самаралироқ ишлайдими; ёки бир неча кишидан иборат гуруҳ билан биргаликда ишлашни ёқтирадими; ўз вақтини кутубхонада ўтказадими; ёки унга интернет тармоғидаги мавжуд электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш қулайроқми - талаба мустақил ишни қандай қилиб яхшироқ, самаралироқ ва қулайроқ ташкил этиш кераклигини ўзи ҳам, ўқитувчи ҳам яхши билиши керак. Мустақил таълимнинг асосий моҳияти ҳам шундаки талабаларнинг билим манбаи фақатгина ўқитувчи томонидан машғулотларда берилаётган билимлар бўлиши керак эмас. Мустақил таълим шароитида талаба ўзлаштириши лозим бўлган ўқув материални ўзи англа-ши ва ҳаракат қилиши, ўқитувчи эса, ўз навбатида, талабаларнинг тадқиқот олиб бориш кўникмаларини, ўтилган материалларни янада чуқурроқ ўзлаштириш учун қўшимча маълумотларни излаб топишга ундашлари ҳамда йўналтиришлари лозим.

Мустақил таълим - ўқитиш мақсадлари, тамойиллари ва мазмуни мос ҳолда ҳамда ташқи таъсир ёрдамисиз амалга оширилиши керак.

Мустақил таълим олиш талабанинг ўқув ва касбий фаолият мустақиллигини белгилайди. Бу сифатлар эса ўқув-материалини тушунишда ва мавжуд ҳолатни танқидий баҳолашда намоён бўлади.

Шахснинг мустақиллиги унинг алоҳида хусусияти, лаёқати, фаоллиги, фикрлаш қобилияти, қўйилган мақсадга эришиш йўлида бор кучни сарф этиш каби хусусиятларининг бирлигидир.

Мустақил таълимда дидактик ва педагогик тамойилларга асосланиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги даврда талабани мустақил билим олишни самарали ташкил этиш орқали талабани ижодий фаолият юритишга ва шу билан унинг

мустақил изланишига ундайди.

Мустақил билим олиш педагогик технологияга нисбатан жуда муҳим талабларни қўяди. Таълим муассасадаги ўқитувчи ва талаба ҳамкорлигидаги фаолиятининг якуний натижаси олдиндан аниқ бўлган ўқитиш жараёнидан фарқли равишда мустақил билим олишда талаба аниқ бўлмаган ҳамда олдиндан режалаштирилмаган натижага эришиш керак, яъни ўрганаётган ўқув материаллари бўйича билим, кўникма ва малакаларнинг аниқ ҳажмини ўзлаштириши лозим.

Мустақил билим олишнинг мақсади, тамойили, усули, методи, восита ва шартлари аниқ кўрсатилиши зарур ҳамда уларнинг танланиш ва самарали амалга ошириш кўзланган натижага олиб келади.

Талаба ўзи олган билимлари сифатига жавобгарликни ўзига олиши керак. Талабаларнинг билим манбаи фақатгина ўқитувчи маърузаларида берилаётган билимлар эмас балки талаба ўзи англаши ва ҳаракат қилиши, ўқитувчи эса, ўз навбатида, талабанинг тадқиқот олиб бориш кўникмаларини, ўтилган материалларни янада чуқурроқ ўзлаштириш учун кўшимча маълумотларни излаб топиш қобилиятларини ривожлантиришга ундашлари лозим.

Ҳар бир бўлажак замонавий мутахассис мустақил равишда таълим олишга ва ўрганишга шундай тайёрланишлари керакки, улар нафақат ҳозирги мавжуд техника ва технологияни билиши, балки янги техника ва технологияни анча қисқа муддатда ҳамда самарали ўзлаштира олишлари лозим. Шунини таъкидлаш керакки, бўлажак кичик мутахассисда ижодкорликни шакллантириш ва ривожлантириб бориш алоҳида педагогик вазифа ҳам ҳисобланади ҳамда бу вазифани амалга ошириш учун махсус методикалар ишлаб чиқишни тақозо этади.

У.Содиқов фикрича, замон талабига мос мутахассис тайёрлаш учун фақат билим бериш билан чегараланмасдан, талабаларга ҳар бир масалага ижодий ёндашишни ўргатиш керак. Талабалар ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш уларнинг қизиқиши, ҳаваскорлиги билан боғлиқ.

Таълимга ижодий ёндашув - шахсга йўналтирилган ўқитишни тўла амалга

оширишга имконият яратади.

Хорижий педагоглар ва психологлар: Д.Гилрорд, Е.Торранс, Л.Термен, Р.Стернберг, М.Воллах, Россиялик олимлар В.Дашлова, П.Гальперин, В.Калныкова, Д.Богоявленский, Т.Куликова ва бошқалар томонидан ижодий фикрлаш назарий жиҳатдан асосланган бўлсада, бугунги кунда ижодий фаолиятни ривожлантириш методикаларини ишлаб чиқишда йўналтирилган тадқиқотлар давом этмоқда.

Д.Б.Богоявленская фикрича ижодий иш - муаммоли вазиятни ҳал қилишга қаратилган фаолиятдир. Ижодий фаоллик деганда ҳодисалар, жараёнлар, объектлар аҳамиятини тушунган ҳолда, қийинчиликларни ёки муаммони енгишга интилиш тушунилади. Яъни шахснинг касбий фаолияти бўйича янги ечимларни излаш ва топиш ҳамда натижаларидан қониқиш тушунилади.

Ижодий фаолликни шакллантириш ва ривожлантириш - босқичма- босқич ҳал қилинадиган муаммодир. Шахс фаоллиги турли, яъни ўқув илмий ишлаб чиқариш, ижодий фаолиятлар таъсирида шаклланади ва ривожлантирилади.

Психолог олим С.Л.Рубинштейннинг фикрича, ижодий фаолият жараёнида кишида аста-секин ишнинг қайси жойини, нимани ўзгартириш, яхшилаш, такомиллаштириш масаласини ўйлаш тамойили вужудга келади. Натижада мавжуд билимларни таққослаш, кузатиш ва ижод жараёнида келиб чиқадиган вазифаларга мувофиқлаштириш, мўлжалланган ечим умумий тузилишини фикран тасаввур этиш зарурати туғилади.

Бу эса, ўз навбатида, хаёлнинг инсон миясининг фаол ишлаши билан топилган ечимларни ҳисоблашларда, чизмаларда, эскизларни яратишда, буюмларни безаш ва ҳоказоларда аниқ ифодалашни талаб қиладиган ўзига хос ақлий иш билан боғлиқдир. Ижодий меҳнат жараёнида фақат қандайдир буюм ёки янги нарса яратилиб қолинмай, балки шахснинг ўзи киритган оригинал хусусиятлари ҳам яққол намоён бўлади. Шунга кўра, ижодий фаолият, ижодкорлик сифатлари ва шахс хислатларини шакллантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Барча соҳада ижод иш натижасининг фарқли белгилари, унинг янгилиги ва

ижтимоий аҳамиятга моликлигидир. Педагогик энциклопедияда талабаларнинг техник ижодкорлиги фойдали ва муҳим янгилик белгиларига эга бўлган техник объектлар яратиладиган фаолият туридир», деб таърифланади.

Қ.Абдуллаеванинг фикрича техник ижодкорликка индивидуал ёндашиш таълимнинг энг муҳим принципларидан бирини амалга ошириш, юқори даражадаги қийин ижодий фаолиятга доир қобилиятни ривожлантириш имконини беради. Бинобарин, ана шундай ёндашишда талабанинг маънавий кучи намоён бўлади, мустақил ижодий ишда қатнашадиган барча талабаларнинг, шу жумладан, энг бўш талабаларнинг ҳам билим ҳам ҳунарни пухта эгаллаши учун ҳақиқий шароит вужудга келади.

П.И.Пидкасистый талабанинг келажакда бутун меҳнат фаолияти давомида касбий маҳоратини ўзи ошириб боришга, мустақил ва ижодий ёндашган ҳолда муаммоларни ечишга ўргатишдан иборат бўлиши керак.

Агар ҳозирги таълимни таҳлил қиладиган бўлсак бугунги кунда ўқитувчининг вазифасида анъанавий қараш ҳали ҳам мавжуд. Одатда ўқитувчининг вазифаси талабаларга муайян фан бўйича билим ва кўникмаларини бериш деб тушунилади. Бундай қарашга асосан талабага билимни “қачон” ва “қандай” қилиб бериш бўйича ўқитувчи қарор қабул қилади ва аудиторияда кечадиган барча жараёнларнинг ягона диктатори ҳисобланади. Ўқитувчи таълим жараёнини тасдиқланган ўқув режасига мувофиқлигини таъминлаш мақсадидаги аудиторияда кечадиган жараёнларни назорат қила олиши мумкин ва лозим. Аммо ўқитувчи талабаларнинг хаёллари ва қалбларида кечадиган жараёнларни назорат қила олмайди.

Шундай қилиб, ўқитувчи азалдан билимлар “эгаси” ҳисобланган. Агар ўқитувчиликнинг келиб чиқиш тарихига назар солсак, бунда биз ушбу касбни, аниқроғи ўқитувчи ролининг илдизи ҳисобланган китобларнинг ёзилиши ва кўпайтириши эндигина ривожланган даврларга тақалишини кўрамыз. Ўтмишда китоблар кам учрайдиган ва ноёб бўлганлиги сабабли, улардан фақатгина кишиларнинг тор доираси фойдаланган. Ушбу инсонлар зиёли бўлиб, ўқишни билганлар, китоблардан ўқиганларини эса бошқаларга айтиб берганлар. Аввалги

даврдаги уларнинг тингловчилари учун мавзуни танлаш имконияти бўлмаган, сўзамоллар айтган “ҳақиқат” ни эшитаверганлар, шу сабабли ушбу зиёли инсонларни барча билимларнинг “эгаси” ва “билагони” деб қабул қилганлар.

Вақт ўтиши билан инсоният ривожланиб бориши, фан ва техника тараққиёти натижасида инсонлар мактабларда, университетларда ҳамда бошқа ўқув масканларида кечаётган жараёнлар ҳақида кўпроқ, чуқурроқ мулоҳаза юрита бошлаганлар. Аммо нима учун ўқитиш жараёни доим ҳам самарали бўлмаган? Нима учун иқтидорли, саводхон, зиёли ўқитувчилардан билим олганлар орасида саводсиз талабалар пайдо бўлган? Наҳотки анъанавий ўқитиш технологияси самараси паст бўлган, балки ўқув жараёнидаги барча ҳолатлар фақат ўқитувчига боғлиқ эмасдир?

Кўпгина педагоглар ва олимларнинг инсоннинг қандай қилиб илм ўрганиши ҳақида кўпгина турли хил назариялар, қарашлари мавжуд. Аммо тадқиқотларнинг кўрсатишича, таълим олиш жараёнига мувофиқлаштирилган ҳолда бир хил ёндашиб бўлмайди, чунки ўрганиш жараёни ҳар бир инсон учун индивидуалдир. Шунингдек, таълим жараёни кўп омилларга, яъни об-ҳаво шароити, ўқитувчига бўлган шахсий муносабат, ўқишдан ташқари ишлар билан бандлиги, оилавий шароит, жисмоний ҳолатларга боғлиқ бўлиб буларнинг барчаси интеллектуал билимлар талабанинг дарсларда ва дарсдан ташқарида фаоллиги, ўқишга бўлган иштиёқи, ўзлаштириш даражасига таъсир қилиши мумкин.

Мустақил таълим олишнинг устувор омилларидан бири талабанинг билим олиши учун ўзи масъул бўлиши, жавобгарликни ҳис қилишидадир. У ўқитувчига қарам эмас, у ўзи мустақил равишда нимани ва қандай қилиб ўрганишни ҳал қила олади. Бундай талабанинг ўзи камчиликларини ўзи тuzатиши учун мустақил ишлайди. Бунда талаба таълим олишни мустақил режалаштириш қобилияти ҳам муҳимдир.

Замонавий таълим жараёнининг вазифаси ўқитиш, тарбия ва ривожланиш бирлигини таъминлашни назарда тутди. Бироқ соҳалар учун кичик мутахассислар тайёрлашда талабаларнинг қобилияти, онг ва кўникмаларини

ўстириш, мустақил ҳамда ижодий ишлаш қобилиятларини ривожлантириш, илмий-амалий билимларини чуқурлаштириш муаммоси бундан ҳам муҳимроқ. Бу хусусиятлар келажакда талабалар қобилиятини ва қизиқишига онгли равишда ўз касбларига қизиқиш ҳамда масъулиятни ошишига ёрдам беради.

Талабаларнинг фаоллиги, уларнинг ўқув материални эгаллаб олишда, синфда, тажриба машғулотлари да назарий ва амалий топшириқларини бажаришда намоён бўлади. Фаоллилик талабаларнинг ўқув ва тажриба машғулотлари фаолиятидаги мустақиллигини ривожлантириш билан мустаҳкам боғланган.

Мустақил фикр юритиш ҳар бир шахс ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун, аудиторияда дарс беришнинг барча шакллари: назарий, амалий, тажриба машғулотлари дарслари, амалиётлар, дарсдан ташқари ишлар, илмий тадқиқот ишларида талабаларнинг мустақил фикр юритиш кўникмалари таркиб топади ва у ўқитувчи ёки илмий раҳбар томонидан ривожлантириб борилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Методист олим С.Матчоновнинг қуйидаги таъкиди ҳам ғоятда ўринли: “Ўқиш-ўрганиш малака ва кўникмаси шаклланган кишигина билимларни пухта ўзлаштириши мумкин”.

Талаба ўқув материали ўрганишда фаол иштирок этса ва шундай мавқе таъминланса, унинг мустақил фикрлаши ўз қобилиятидан куч олади. У бошқаларнинг фикрлари билан ҳам қизиқади, баъзан уларга танқид қилади. Р.В.Глинтершчикнинг аниқлашича, ўқув-билув фаоллиги методик фаолликка олиб келади: дарсда бундай талаба фақат эмоционал ва ақлий зўриқиш дақиқаларинигина қадрлайди, адабиётни яхши ўрганган бўлишини аниқ ва равшан англайди, ўз ақлий фаолиятини назорат қилиш ва йўналтиришга ҳаракат қилади.

Мустақил фаолият юритишда касбий маҳоратларни шакллантириш жараёни ҳар доим тушунилган, англаб етилган хусусиятда бўлади. Мустақил ишлаш маҳоратини эгаллаш учун таълим олувчи фақат ўз фаолияти мақсадини тушуниб етишигина эмас, балки таълим олиш метод ва усулларини ўзлаштириши ҳамда

билимларни амалий қўллаш кўникмаларини эгаллашлари керак бўлади. Маҳоратлар шаклланишида талабанинг маълум шароитларда қандай қилиб ҳаракат қилиш кераклиги ҳақидаги билимларни эгаллаши алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Бундай билимлар амалий ҳамда ақлий ишларни бажаришнинг самарали усул ва услубларини эгаллаши учун зарур бўлади.

Мустақил фаолият юритиш маҳоратларини эгаллаш психологларнинг фикрича ўқув ишлари усулларини ўзлаштириш ҳисобланади. Айнан идрок этиш фаолиятида талаба қандай қилиб иш бажариш кераклиги ҳақидаги билимлардан фойдаланиб маълум ўқув масалаларини ечиш учун зарур бўлган амаллар, усулларни эгаллай бошлайдилар. Аммо фақат кўргазмали ва сўз билан тушунтириш асосида ҳамма маҳоратларни эгаллаб бўлмайди. Баъзи амалий маҳоратларни бевосита бажаргандагина тушуниб етиш мумкин. Шунинг учун ҳам талабаларнинг мустақил ишлаш фаолияти усулини эгаллашларига ёрдам берувчи шароитлар яратиш зарурлигини ҳисобга олиш керак.

Мустақил фикрлаш билан бир қаторда ижодий фикрлаш ҳақида ҳам бир қатор фикрларга тўхталамиз.

Ижодий фикрлаш имкониятлар турли-туманлигига таянувчи, муам-мо ва масалалар умуман янги ечимига олиб келувчи идрок этиш страте-гиясини тақдим этади. Унинг психологик механизмини дивергент фикрлаш билан боғлайдилар. Субъектив янги маҳорат яратиш, шунингдек, уни яратиш бўйича идрок этиш фаолиятининг ўзида янгилик яратиш билан ифодаланади. Ўз белгиси билан репродуктив фикрлашдан фарқланади.

Н.Муслимов ва Ш.Шариповлар фикрича талабаларда ижодий фикрлашни ривожлантириш учун уларнинг ҳар бирига алоҳида индивидуал ёндашиш лозим. Ижодий фикрлашни ривожлантиришнинг энг муҳим усулларида бири талабаларни турли даражадаги муаммоли саволларни ёки топшириқларни ечишга жалб этиш, уларнинг ечимларини мустақил излаб топишга ўргатишдан иборатдир. Амалиётда ижодий фикрлашни ривожлантириш жараёнида муаммоли саволлар ёки топшириқлардан фойдаланиш мумкин.

Ижодий фикрлаш инсоннинг теварак-атрофда бўлаётган жараёнлар, воқеа

ва ҳодисаларга бўлган муносабатида турли муаммоларни ҳар хил усуллар ёрдамида ҳал эта олишда намоён бўлади. Фақат фанга оид формула, теорема, ҳамда таърифларни эслаб қолиш билан ижодий қобилиятини шакллантириб бўлмайди.

Ижодий фикрлашни ривожлантириш ҳар бир талабага алоҳида ёндашиш орқали амалга оширилувчи жараёндир.

У.Содиқов фикрига кўра ижодий фикрлашни ривожлантиришнинг энг муҳим усулларида бири талабаларни турли даражадаги қуйидаги ноанъанавий масалаларни ечишга жалб этиш, бетакрор ва ўзига хос ечимларни излаб топишга ўргатишдан иборатдир:

- дастлабки маълумотлар етарли бўлмаган масалалар;
- ортиқча маълумот билан берилган масалалар;
- қарама-қарши ёки хато маълумотлар билан берилган масалалар;
- саволлари ноаниқ қўйилган масалалар;
- ечим вақти чекланган масалалар.

Ноанъанавий масалаларнинг бундай турли даражалар бўйича гуруҳланишида талабаларнинг психологик ва ижодий ишлари қобилиятларининг инобатга олишни назарда тутати.

Психолог олимлар фикрига кўра талаба у ёки бу муаммони назарий ва амалий билимларига асосланиб ўрганса, ўрганилаётган муаммонинг 70-80 фоизи узоқ вақт унинг хотирасида сақланиб қолади.

О. Қўйсинов тадқиқот ишларида талабаларнинг мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятларини аниқлаш учун умумий ўқув материалдан муҳимларини ажратиб олиш маҳоратини юқори, ўрта ҳамда қуйи даражаларга ажратилади ва уларга қуйидагича тавсифлаб берилади:

Юқори даража - ўрганилаётган материалнинг муҳим хусусиятини осон ва тез ажратиб олади.

Ўрта даража - ўқиган материалдаги муҳим хусусиятларини ажратишни асосан бажара олади, шу билан бирга бир қанча хатоларга йўл қўяди.

Қуйи даража - материалнинг муҳим хусусиятларини одатда гапира олмайди.

Унинг фикрича, ушбу даражалар орқали талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятини ривожлантириш учун уларнинг ҳар бирига индивидуал ёндашувни талаб этади.

Ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантиришнинг етакчи омилларидан бири, талабаларнинг умумқасбий ва махсус фанларидаги бирор маҳсулотни тайёрлашдаги технологик фаолиятидир. Бунда техник фанлар бўйича олинган назарий билимларни мустақил равишда амалда онгли қўлланилади ва маҳсулотларни тайёрлашда амалий ифодасини топади. Шу тариқа, талабалар фаолиятида жисмоний ҳамда ақлий меҳнатни бирлаштириш орқали уларда ижодий қобилият ривожлантириб борилади.

Педагогик адабиётлар ва илмий тадқиқотларда “Ўқув топшириғи”, “Ижодий топшириқ” ёки “Масала” тушунчаси кенг берилган.

П.И.Пидкасистыйнинг таъкидлашича, талабаларда билимларни ўзлаштириш қобилияти муаммоли топшириқлар ечимини мустақил излашда, уларни мустақил бажаришда шаклланади.

С.Л.Рубинштейн топшириқ тушунчасини таҳлил қилар экан, мотив, муносабат, мақсад, шароит категорияларини таҳлил қилади: мотив - талаба билан ўқув топшириғи ўртасидаги муносабатни юзага чиқариб, талабаларни мақсадга етаклайди, ҳатти-ҳаракатларни ишга туширади.

Ўқув топшириқларни бажара олиш малакаси шахснинг онги ва фикрлаш қобилиятини кўрсатувчи малакасидир. Ўқув топшириқларни ҳал этиш натижасида талаба бўлажак касбий фаолият муаммоларини ечиш усулларини эгаллайди.

“Инсоннинг онгли фаолияти топшириқларни бажаришдир. Топшириқда берилган муносабат, мақсад, шарт-шароитга кўра топшириқ қабул қилинади, ечилади”.

А.Н.Леонтьев топшириқ тушунчасига қуйидагича таъриф берган: “Топшириқ - бу маълум шарт асосида берилган мақсаддир”.

Я.А.Пономарёв “Топшириқ” тушунчасини шарҳлашда “Топшириқли ҳолат” категориясини асосланган. У субъектни-топшириқни бажарувчи, интеллектни

“топшириқли ҳолат” контекстида таҳлил қилган. “Субъект ва объектнинг мавжудлигидан топшириқли ҳолат пайдо бўлади. Шу билан бирга шу ҳолатнинг мураккаблигидан субъект ўз билимларини тўлдиради, такомиллаштиради, ривожлантиради”.

Л.М.Фридман топшириққа қуйидагича таъриф беради: “Муаммоли ҳолатнинг ёзув шаклидаги моделини топшириқ деб тушунади”.

“Таълимга тадбиқ қилинадиган топшириқларни 2 гуруҳга ажратиб ўрганамиз. Бажариш усули талабаларга маълум бўлган топшириқлар. Бундай топшириқларни машқдеб қараймиз. Бажариш усули талабаларга номаълум бўлган топшириқлар. Бундай топшириқларни муаммоли топшириқлар деб тушунамиз”.

Ўқув топшириқлар тўплами - бу ўқитувчи ёрдамида талаба томонидан мустақил ҳал этилувчи асосий вазифаларни акс эттиради.

О.Розиқов ўқув топшириғига қуйидагича таъриф берган.

“ ...ўқув топшириғи – бу ўқитиш ва ўқиш эҳтиёжига кўра ўқув материалнинг ўзгартирилган шакли”.

Н.Муслимовнинг фикрича, мустақил билим олишни таъминлашга имкон берадиган топшириқлар тушунча, сабаб ва қадриятли йўналишларни ўзлаштириши паст даражали ҳамда қониқарсиз бўлган талабалар учун қулай шароитни яратишни кўзда тутаяди. Биргина муваффақиятни ҳис этиш ҳам талабани мустақил билим олишга ундовчи психологик ҳолатни юзага келтиради.

Бизнинг фикримизча, ўқув топшириқларни бажариш орқали мустақил билим олишга ўтиш учун катта имкониятлар яратилади.

Савол ва топшириқлар устида ишлаш талабалардан ижодий фаолиятни, бадий эстетик тафаккур ҳамда ташаббускорликни талаб қилади. Талаба дарсликдаги савол-топшириқлар устида ишлаганда озми-кўпми меҳнат қилади, изланади, ўз эҳтиёжига жавоб топади. Демак, меҳнат билан топилган билим, ўзлаштирилган малака ва кўникмалар аста-секин ўз-ўзидан инсоннинг қалбига, онгига абадий муҳрланиб қоладиган илмий, ҳаётий дунёқараш ва юксак ахлоқий фазилатларни таркиб топтиради.

Талабаларнинг у ёки бу амалий топшириқни тез ва юқори сифатда бажаришга қизиқиш билан интилиши учун уларнинг рационализаторлик фаолиятини сермеҳнат жараёнларни қисқартирувчи ҳамда меҳнат самарадорлигини оширувчи турли хил мосламаларни яратишга йўналтириш муҳимдир.

Талабанинг мустақил ўқув фаолиятига нисбатан ўқитувчи томонидан муайян талабларнинг қўйилиши уларнинг мазмунини бойитади. Ўқув топшириқлар олдин ўзлаштирилган билимларга таянган ҳолда берилиши керак.

Ижодий топшириқлар таркибига ижодий машқ, ижодий мустақил иш, турли дидактик ўйинлар киради. Агар ижодий машқ воситасида ўрганилган билимлар янги ўқув ҳолатларига татбиқ қилинса, ижодий мустақил иш далиллардан янги хулосалар чиқариш ҳамда янгича фаолият усулларини фаолиятда қўллаш билан ажралиб туради.

Ўқув топшириқларини бажариш жараёнида талабаларда ташкилий (ўқув фаолиятини мустақил ташкил этиш мазмунли-жараёнли (ўқув фаолиятининг мазмуни ва моҳиятини билиш ҳамда бу фаолиятни самарали амалга оширишни белгиловчи шахсий сифатларни ривожлантириш), ўз-ўзини баҳолаш каби кўникмаларнинг шаклланиши мустақил билим олиши жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Ўқув топшириғи мустақил билим олишнинг ташкилий шакли сифатида белгиланади ва унга асосланиб, ўқув топшириқлар тизимига қўйилувчи талаблар ишлаб чиқилади.

Ўқитувчи ўрганилаётган ҳодиса ёки жараёнларнинг ўзаро зид хусусиятларини акс эттириш учун муаммоли вазиятдан фойдаланилса, у ҳолда объектив муаммо ўқув муаммосига айланади. Талабалар учун тушунарли бўлган муаммо ўқув топшириғи сифатида берилиши лозим.

Мустақил ва ижодий ишлаш учун ўқув топшириқларини ишлаб чиқишда қуйидаги қоидаларга риоя этилиши тавсия этилади:

- топшириқлар ҳақиқий вазиятлар билан боғлиқ муаммоларга қаратилиши керак;

- ўқув топшириғидаги муаммони ҳал этишда талабалар ақлий фаолиятини турли усуллар ёрдамида ривожлантиришни кўзда тутди;

- топшириқлар мазмунида акс эттирилган ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги муҳим боғлиқлик кўрсатилиши керак;

- топшириқлар ечимини аниқлаш ва талабалар онгида ҳодисалар ёки жараёнлар ўртасида боғлиқликни мустаҳкамлаш имкониятларини назарда тутилиши лозим;

- топшириқларни бажариш жараёнида талаба оддий тушунчалардан, у хали ўзлаштирилмаган янада мураккаброқ тушунчани келтириб чиқариш имко-нини бериши лозим;

- топшириқни бажариш жараёнида оддий тушунчалар талабага маълум бўлмаган тушунчалар билан ўзаро таҳлил қилинади;

- топшириқни бажаришда талаба тушунчаларнинг шакли ва мазмунини ўзгартирмасдан ҳамда ўзгартириб, уларни қайта ишлаб чиқади;

- ижодий фикрлаш асосида янги билимлар шаклланади.

Талабаларнинг ўқув-топшириқларини бажариш жараёнида дастлабки амалларни бажариш ўқитувчи томонидан доимий назорат қилиб борилади. Топшириқ ечимларини таҳлил қилиш натижасида талаба ўқув топшириқларини бажаришнинг умумий усулларини ўзлаштиради.

Ўқув топшириқлари мураккаблаштириб борилиши керак. Ижодий ва изланиш хусусиятига эга бўлган иқтидорли талабалар мураккаб топшириқларни бажаришлари, камроқ тайёргарликка эга бўлган талабалар топшириқларни бажаришларига қарамасдан, уларга топшириқ ечимини топиши гуруҳ билан бирга ишлашга имкон беради.

Талабаларнинг мустақил ва ижодий фикрлаш маҳоратларини қуйидаги 3 та даражага ажратиш мумкин:

1. Талаба муаммони ечиш, топшириқларни бажариш йўлларини ўзи излайди, мустақил фикрлаб, мулоҳаза юритади.

2. Талаба берилган топшириқ ёки вазифани мустақил бажаради, аммо ижодий ёндошолмайди. Мустақил ҳолда топшириқни бажаришда муаммоларни ҳал

этади, аммо натижа қанчалик даражада тўғрилигини кузатмайди. Берилган топшириқ ёки муаммоли масалага ўхшашларини туза олади.

3. Муаммонинг тайёр ечимларидан фойдаланишга интилади. Муаммони ечишда қийинчиликка дуч келиши билан ёрдам сўрайди. Муаммоли масалани ёки топшириқни мустақил ечишда қобилияти етмайди.

Узлуксиз таълим тизимида ахборот технологиялари билан замонавий педагогик технологияни биргаликда таълим жараёнига татбиқ этиш ўқитиш жараёнида жуда яхши самара беради.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда таълим тизимини ахборотлаштириш муаммосига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Вазирлар маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди. Шу муносабат билан республикамиздаги таълим муассасалари компьютер техникаси ва электрон ўқув қўлланмаларининг янги авлод билан жиҳозланишига эътибор берилмоқда.

Замонавий ахборот ва педагогик технологиялар ҳамда ўқитишнинг интерактив методлари ёрдамида мустақил таълим олишни йўлга қўйиш мумкин бўлади. Талабалар билимини ҳар хил турдаги машғулотлар бўйича холисона баҳолаш мезонлари, танқидий фикрлаш ва ижодни ривожлан-тириш, интерактив таълим бўйича методик ишланмаларни яратиш замон талабидир.

Талабаларга ибратли бўлиш, уларнинг имкониятларини инобатга олинишини истаётман.

Манго кўчасида яшовчи инглиз тили талабаси талабалар қизиқишини инобатга олиб дарсдан кейин улар билан шуғулланади. Талабалар кичик-кичик гуруҳларда муҳокама қилиш учун мўлжалланган тажрибаларни қуйидаги кўрсатмалар орқали жавоб бериши мумкин.

Бизга керакли нарсани ҳаётнинг қайси соҳаларида кераклиги бор?

- Бир шахснинг шахсий эркинлигини чеклаш билан жинс, ирқ, дин, таълим, ёш ва тарбиявий ўйиннинг даражаси қандай?

Манго ҳудудининг кўчаларидан бирида талабларга фифср ҳақида мавзулар

бор, бу муҳим аҳамиятга эга.

Инглиз талабалар фикр алмашиш учун ўз тажрибаларига, ўз имкониятига эга бўлиши керак. Бу талабалар ўқиш учун, баъзи фон галстук очилиши фаолияти бор, деб ишонтиради.

Бобда мавзулар учун асос қилиб олиниси провакацион саволлар асос қилиб олинисидан бошланиб, ўқитувчилар талабанинг қизиқиши билан шуғуланиши керак. Уларнинг фон бўлимларини фаоллаштириш шулардир. Бундан ташқари, кейинчалик талабалар Манго кўчасидаги аоссий белги билан ҳаёт тажрибаларини солиштириш ва таққошлашга, улар таркибидаги материалларга қизиқиш яратиш ва ўлчаш.

Ҳар бир талаба оддий фаоллашиш мақсадида бир мавзу атрофида кўрилган фаолиятини баҳолаши керак, илмга тегишли шахсий фон томонидан ўқитувчилар мавзунини ўрганиши учун ўз фаолиятини яратиш имкониятига эга.

Талабаларга бу диагностик баҳолаш бўйича нажот йўқ бўлса, ўқитувчилар талабаларга билим яратиш ёки сабоқ олиш кўникмаларини мустақамлашга ёрдам беради. Кўп марта, талабалар шунчаки кўриб, керак ўрганиши, муҳим мавзунини баъзи талабаларда таълимга оид мазмунли кўникмалар ва билим кенгайтирилган бўлиши керак.

Мультимедиа дарслари ёки бирлик учун, фаоллаштириш, банд ва оддийгина ўтилган дарсни баҳолаш. Бу аввалги дарсда ўрганилган бир ёки бир кун олдин тез жавоб-ва-эсланг фаолияти талабалар шарҳ материал каби бир муаммо билан очилишини назарда тутиши мумкин. Ўқитувчилар барча талабалар бир кичик ёки кичкина юмалоқ қалқон-гуруҳ фаолияти орқали, кейин жавоб талаб қилдадиган, бир катта гуруҳ билан қўшилиб бошлаши мумкин.

Талабалар яхши билишлари учун билим, зарур кўникмалар етарли бўлиши керак. Муваффақиятли сабоқ бажариш учун зарур кўникмалар учун билим йўқ. Синфда билим ва кўникмаларни таъминлаш шакллантириш учун, уларга зарур бўлган билим берилади. Фақат бир кичик рақам қисқа тушса, кейин ўқитувчи бобда кейинчалик муҳокама қилинади ўхшаш маҳорат даражаларига ёки контсептуал ақл атрофида гуруҳлаш талабалар, орқали таълим дифференциал

тарзда ўтказилиши мумкин.

Талабалар ёрдам бериш учун бир стратегиясини амалга ошириш керак бўлади. Талабалар олдинда дарс ёки бирлик учун тайёр бўлмаса, улар билан курашиш енгил бўлади ва эҳтимол, муваффақият учун ўз салоҳиятига кўра осон тушади.¹⁴

Таълим сифатини бошқариш асосан инфор­мацион технологиялар асосида ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва самарали педагогик фаолият учун шароитлар яратишга йўналтириш керак.

Инфор­мацион технологияларни қўллаш шароитида ўқитувчи фаолияти ўзгаради. Бу эса ўқитувчининг янги педагогик муҳитда янги ўқитиш воситаларини қўллаб, талабаларга тайёр билимларни бериш эмас, балки уларга янги билимларни мустақил излаш ва топиш кўникмаларини шакллантиришдан иборатдир.

Компьютер техникасининг қўлланилиши анъанавий ўқитиш фалсафасини ўзгартиради, яъни ўқув жараёнида 3 чи иштирокчи, компьютер иштирок этади. Анъанавий ўқитиш технологиясига ўрганган педагоглар компьютерли ўқитишнинг аҳамияти ва афзалликларини ҳам сезмаяптилар. Улар учун таълим жараёнида компьютерлар пайдо бўлиши қийинчилик туғдираяпти. Шунинг учун ҳам компьютерли ўқитиш технологияларини қўллаш учун биринчи навбатда педагог ўқитувчиларнинг компьютер билан ишлаш малакаларини ошириш, уларда инфор­мацион маданиятни шакллантиришни талаб этади.

Кейинги йилларда реал касбий фаолият ҳолатларини (фаолият усулларини) иммитацион моделлаштириш тамойилига асосланиб ишлаб чиқиладиган “ўйинли” ўқитиш методи кенг тарқалмоқда. Ушбу метод дарс жараёнида талабаларни фаоллаштиришга йўналтирилган. Иммитацион ўйин махсус компьютер дастури бўлиб, у ёрдамида ишлаб чиқариш жараёнлари, машина ва аппаратлар технологик самараларини ишлаб чиқиш жараёнларнинг бориши, машина ҳамда аппаратлар ишларини намойиш қилишни, таълим олувчиларнинг олган билимларини баҳолаши моделлаштирилади.

¹⁴ Navigating the new pedagogy: six principles that transform teaching/Jeff Halstead, United Kingdom, 2011 – 74-75 p.

Таълимда мультимедиадан фойдаланиш - бу информатиканинг дастурий ва техникавий воситалари асосида аудио, видео, матн, графика ҳамда анимация (объектларнинг фазодаги ҳаракати) эффектлари асосида ўқув материалларини талабаларга етказиб беришнинг мужассамланган ҳолдаги кўринишидир.

Мультимедиа - тасвир ва матнни ўзига олиш, сақлаш ҳамда намойиш этиш вазифасини бажаради.

фанларни электрон дарслик воситасида ўқитишда “Иш ўйинлари” технологик жараённинг ёки алоҳида фаолият усули модели сифатида намоеъ бўлади. Талабага бир технологик жараённинг параметри берилди, у юқоридаги параметрларда технологик жараён бажариш учун экранда тасвирланган бир нечта машина ёки аппаратлардан бирини танлаши керак. Дастур ҳисоблашда ҳисоблашларни график кўринишни, параметрларини киритишни бажаришни таъминлаши керак. Дастур талабанинг нотўғри жавобида бошқа параметрларни киритишни топшириш пайтидан бажаришни таъминлаш керак.

Француз мутахассислари янги информацион технологияларни қўллашни қуйидагича баҳолайдилар.

- ўқитиш мотивациясини оширади;
- талабаларнинг мустақил таълим олиш қобилиятларини шакллантиради ва ривожлантиради;
- таълимнинг натижавийлигини оширади;
- қисқа вақтда ўқитишга мўлжалланган.

Масофавий таълимда уй шароитида ёки узоқ масофадан туриб таълим олиш имконияти бўлса ҳам ўқитиш сифати ва замонавий информацион ҳамда дидактик воситалардан фойдаланишнинг муаммолари юзага келади. Чунки, масофавий таълимда талабаларнинг қизиқишини ошириш, ўқитиш жараёнида фаол усулларни қўллаш, семинар тренинглари ва лойиҳа ишлари ўтказиш имконияти бўлмайди.

Демак, замонавий информацион ва ўқитиш технологиялари биргаликда қўлланилганда таълим самарадорлигини оширишга максимал эришиш мумкин. Шу ўринда шуни таъкидлаш жоизки замонавий таълим шароитида электрон

таълим ресурсларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Электрон таълим ресурслари (электрон дарслик, электрон ўқув қўлланма, мультимедиалар, воситалар, электрон маълумотномалар ва ҳоказо) билан таълим жараёнини таъминлаш орқали компьютерли ўқитиш технологиялари ҳамда мустақил таълимни тўла амалга ошириш мумкин.

Электрон ўқув адабиёти - мультимедиа технологияларига асосланган матн, аудио, видео маълумотлари билан бойитилган маълумотларни танлаш, тасвирлаш, сақлаш, маълум бир соҳани ёритишда билимларни интерактив усулда тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятларига эга бўлган манбадир.

Электрон ўқув адабиёти (ЭЎА) - булар давлат таълим стандартлари асосида мутахассислик ва йўналишлар бўйича техник фанларнинг алоҳида муҳимроқ бўлимларига оид нашрлар, намунавий ҳамда ишчи режа, шунингдек, машқлар, масалалар тўплами, харита ва схемалар альбоми, тузилмаларга оид атласлар, хрестоматия, диплом лойиҳаси бўйича кўрсатмалар, маълумотнома, энциклопедия, тренажер кабилардир.

Электрон таълим ресурслари воситасида ўқитишда ўқитувчи ва талабанинг компьютер билан ишлаш малакасига эга бўлишни талаб этади, яъни информатика ва ҳисоблаш техникаси асосий тушунчаларни, компьютер техникасининг функционал имкониятларини ҳамда принципиал қурилмаларини билиш, асосий командалар ва дастурлар билан ишлаш, дастурлаштиришнинг тили ҳамда алгоритмлари тўғрисида дастлабки тушунчаларга эга бўлиш керак. Электрон таълим ресурслари асосийси бу электрон дарслик ҳисобланади. Қуйидаги компьютерли ўқитиш технологияси амалга оширишда электрон дарсликнинг бевосита ўқитиш воситаси сифатида қаралиши тўғрисида қисқача фикр юритамиз.

Компьютерли ўқитиш технологияси қўлланилгандан асосий мақсад таълим олувчиларнинг информация билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, оптимал ечимларини мустақил излаш, топиш, тадқиқотчилик фаолиятларини кучайтиришдан иборатдир.

Компьютерли ўқитиш воситалари ўқитувчи ва талабанинг ўзаро фаол ҳамкорлигини таъминлайди. Компьютерли ўқитиш технологиясида ўқитувчи вазифасини бажаради. Компьютер ўқув ахборотини узатиш манбаи бўлиб, мультимедиали ва анимацияли кўргазмалиликни таъминлайди, тренажёр, таҳлил ҳамда назорат қилиш моделлаштириш воситаси, ҳисоблаш машинаси вазифасини бажаради.

Компьютерли ўқитишда жараёнида иштирокчилар фаолияти қуйидагилардан иборат бўлади: талабаэлектрон дарслик-ўқитувчи; талабаларнинг электрон дарслик билан интерфаол алоқаси ва мустақил фаолияти; ўз-ўзини назорат қилиш ва бошқариш.

Ўқитиш объекти функцияси компьютер дастурлаштириш, дастурий маҳсулотларни яратиш, турли информацион муҳитни қўллаш сифатида бажаради. Компьютер ўқитиш технологиясида ўқитувчи қуйидаги вазифаларни бажаради:

- электрон дарслик воситасида ўқитиш жараёнини ташкил этиш;
- компьютер синфидаги тармоқли бошқариш, инструктаж ўтказиш, талабаларни фаоллаштириш;
- талабаларни индивидуал кузатиш, уларга ёрдам кўрсатиш, яъни электрон дарслик билан мустақил ишлашга йўналтириш;
- талабаларнинг ўқув материаллари билан ишлашда маслаҳатлар бериш;
- талабаларнинг топшириқларни бажариш бўйича қўшимча кўрсатмалар бериш;
- талабаларнинг ўз-ўзини баҳолаш натижаларини таҳлил этиш.

Электрон дарсликлар дидактиканинг асосий тамойилларини ишончли ва юқори даражада жорий қилиш имконини берувчи, самарали ўқитиш воситасидир.

Тадқиқотчилар электрон дарсликларни масофавий ўқитишда, уйда мустақил ўрганишда, гуруҳий ва индивидуал ишларни ташкил этишда ҳамда ўтказишда қўлланилганда яхши самара беради, деб фикр билдирганлар.

Электрон дарслик ва қўлланмалар масофали ўқитишда юқори фаолликка эга

бўлиш лозим. Улар тингловчилар учун таълим бериш тизимлари вазифасини бажаришлари керак. Ҳар бир фанга мўлжалланган курслар энг камида учта: таълимий, машқли ва назорат қилиш каби асосий қисмларга эга бўлишлари зарур.

Электрон дарсликлар турлича бўлиши мумкин. Масалан, анимация, овоз, график, жадвал, расм, гиперматнли ва тест тизимлари бор бўлган дарсликлар. Электрон дарслик мавзунини талабага энг қулай кўринишда тақдим эта олади, у талаба билан интерфаол усулда мулоқотда бўлади. Талаба мавзуларни мустақил ўрганиши ва ўзи олган билимни тест синови асосида синаб кўриши мумкин. Электрон дарсликни яратувчи ишчи гуруҳи ҳар бир мавзу, мавзулар блоки учун сценарий ёзади, қайси мавзуда компьютернинг қандай имкониятидан, янги педагогик технологиянинг қайси элементидан фойдаланиш мумкинлигини аниқлайди.

М.Х.Балтабаевнинг фикрича, электрон дарсликлар талабаларнинг билим олишни фаоллаштиришни ва мустақил ишлашни юқори даражада таъминлайди. Электрон дарслик фанни ўқитиш мақсадидан натижасигача бўлган жараёни қамраб олиши керак. Электрон дарсликни талабаларнинг мустақил ўрганишларини таъминлайдиган маълумотни базаси бўлиши лозим. Ўқитувчи учун эса электрон дарслик очик методик тизим бўлиб, у педагогик тажрибаларга таяниб доимо ривожлантириб бориши керак.

Масофавий ўқитиш жараёнида электрон дарсликлардан фойдаланишда фаннинг мазмунини берибгина қолмасдан, лаборатория ишларини ҳам махсус жиҳозланган хоналарда эмас, балки электрон стендлар ёрдамида бажариш имкониятини ҳам беради. Талабалар амалиётда бажара олмайдиган ва кўзлари билан кўра олмайдиган мураккаб, кичик ўлчамдаги жараёнларни компьютер анимацияси ёрдамида кўрибгина қолмай, бу технологик жараёни бошқара оладилар.

Г.Н.Нургалиеванинг электрон дарсликларнинг яратишнинг педагогик технологияси ўтказилган назарий тадқиқотлар натижаси ҳисоблайди. Ушбу технология ўқитиш жараёнини инобатга олган ҳолда дарсликлар назариясига

асосланиб ишлаб чиқилган бўлиб, унда электрон дарслик-бу жараёнли, модулли, интерфаол, мультимедиали инфорацион ўргартиш воситаси деб исботлайди.

Электрон дарслик-бу дастурий методик мажмуа бўлиб, фанни мустақил ёки ўқитувчи ёрдамида ўзлаштиришни таъминлайди.

Бир қатор илмий тадқиқотларда электрон дарсликнинг босма дарсликдан фарқли белгилари очиб берилган.

Электрон дарсликлар воситасида ўқитиш жараёнини хизмат кўрсатувчи таълим сервис портали орқали самарали ташкил этиш мумкин.

Электрон дарслик ихтисослашган ўқув хоналарида ўтказиладиган амалий машғулотлар учун қуйидаги қулай имкониятлар яратилиши лозимлиги аниқланди:

- компьютерли қўллаб-қувватлашлардан фойдаланган ҳолда талабалар катта миқдордаги топшириқларни бажаришга, ечимларни ва уларнинг график талқинини таҳлил қилиш учун зарур бўлган вақтдан озод бўлади;

- ўқитувчининг раҳбарлик ва маслаҳатчи сифатида қатнашиб, компьютер олдида мустақил иш шаклида машғулот ўтказиш имконини беради;

-ўқитувчига компьютер ёрдамида талабалар билимини тез ва самарали назоратдан ўтказишга имкон беради;

-ўқитувчига назарий ва амалий машғулотларда ўзининг хоҳиши бўйича ҳажми жиҳатидан кичик, аммо таркиби бўйича ўта муҳим бўлган материалларни етказишга имконият беради. Талабаларнинг аудитория машғулотлари доирасидан ташқари ўрганиши мумкин бўлган масалаларни ечишда мустақил шуғулланишлари учун имкон яратилади;

-ўқитувчини уй топшириқларини, турли ҳисоблашларни ва назорат ишларини текшириш каби машаққатли ишлардан озод этади;

-талаба билан, айниқса уй топшириқлари ва назорат ишлари қисмига оид ишларни индивидуаллаштиришга имкон беради.

Мисол: ўқув хонасида ҳамма банд. Талабалар гуруҳ-гуруҳ бўлиб ишлашмоқда. Талабалар учун ўқув адабиётлари етарли. Бир талаба нимадир ўқияпти. Иккинчиси берилиб дафтарларига бир нималарни ёзмоқда. Умуман

ўқув хонасида ҳамма қандайдир иш билан бандлиги сезилиб турибди.

Ушбу дарс шаклини кузатиб беихтиёр савол туғилади - ўқитувчи қани, агар талабалар мустақил ишлаётган бўлсалар ўқитувчи нима билан машғул? У талабаларни мунтазам назорат қилиш ва уларга нима қилиш кераклиги тўғрисида қатъий кўрсатмалар бериш керак эмаслигига қандай қилиб эришди. Бу ҳолатда шундай фикр туғилиши мумкин. “Қандай онгли талабалар! Ўқитувчининг омади бор экан”. Аммо реал таълим шароитида талабаларнинг онгли ва фаол бўлишлари бу-ўқитувчи ишининг самарасидир.

1. Умумий ўқув мақсадлари. Ўқув мақсадлари муайян таълим жараёни якунида таълим олувчи томонидан ўзлаштирилиши, янги ҳосил қилиниши лозим бўлган билим, хатти-ҳаракат билан боғлиқ бўлган амалий топшириқни уддалай олиш маҳорати, шахсий фазилатлар ва хулқни белгилайди.

Масалан: Мустақил билим олиш ва ўрганишда талабалар ҳаракати гуруҳдаги талабалар қуйидаги тартибда бўлиши мумкин:

1. Талабалар кичик гуруҳларга бўлинади (одатда 3-4 та)
2. Ҳар бир кичик гуруҳ ўтилган мавзулар бўйича бир нечта савол (ёки топшириқ)лар тузадилар.
3. Сўнгра гуруҳлар ўзаро саволлар билан алмашадилар.
4. Гуруҳлар “рақиб” гуруҳ тузган саволларга жавоб берадилар ва энг кўп саволга тўғри жавоб берган гуруҳ муваффақият қозонган деб ҳисобланади.

Демак, касб-хунар коллежларида талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантиришга қаратилган машғулотларни самарали ташкил этиш ўқув жараёнининг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мустақил ва ижодий ишлаш жараёнида талабада мустақил фикрлаш қобилиятининг ривожланиши натижасида, талабада жараёнлар ва ҳодисалар, объектлар ҳақида билимларни тизимлаштириш уларни чуқур ўрганиш ҳамда тегишли қарорлар қабул қилиш, назарий билимларни амалда қўллаш кўникмалари шаклланади.

2. Назарий ва амалий машғулотлар. Назарий дарс, тажриба ва амалий машғулотларни ўтказиш давомида ўқитиш жараёнининг кўзда тутилган кетма-кетлигини сақлаб қолиш ҳамда режалаштирилган ўқув мақсадларига эришишни

таъминлаш лозим.

Ўқитувчи томонидан талабаларнинг мустақил ва ижодий фаолиятларини ривожлантириш учун машғулотларнинг дарс ишланмаси ҳамда технологик харитаси ишлаб чиқилиши керак. Ҳар бир машғулот бўйича дарс ишланмалари ва технологик хариталарни ишлаб чиқиш ўқув жараёнини тўлақонли лойиҳалаштириш ҳамда самарали ташкил этиш имконини беради.

3. Мустақил иш. Талабаларининг мустақил ва ижодий ишлаш қобилиятларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришда мустақил ишлар-нинг аҳамияти жуда катта.

Мустақил ишлар талабанинг умумий ривожланишига ва касбий маҳоратини ўстиришга хизмат қилиши керак. Шунингдек талабаларнинг мустақил ва ижодий ишларини ташкил қилиш тарбиявий, таълимий аҳамиятга ҳам эга бўлиши керак. Тарбиявийлик аҳамияти шундаки талаба ўз билимини ошириш ва мустаҳкамлаш учун ўзини-ўзини тарбиялаб боради. Таълимий аҳамияти эса талаба бўш вақтдан самарали фойдаланган ҳолда мустақил билим олиш жараёнининг шаклланишига олиб келади.

Талабаларнинг мустақил ишларини самарали ташкил этиш ва бошқариш ўқув жараёнининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мустақил ва ижодий ишларнинг турлари, шакллари танлашда “оддийдан-мураккабга” ҳамда “умумийдан-хусусийга”, “мавхумдан-аниқликка” тамойилларига амал қилиш лозим. Мустақил ва ижодий иш топшириқларини ишлаб чиқишда ҳар бир талабанинг шахсий имкониятлари, тушунувчанлик, ўқув материални ўзлаштириш даражаси инобатга олинishi, шахсга йўнал-тирилган ўқитиш технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Машғулотларда талабаларнинг ижодий ишлашига аҳамият бериш керак. Ўқитувчи талаба бажарадиган мустақил ишларни ҳажмини аниқлаб, бажариш учун уларга ақлий меҳнат қилиш йўллари йўлга қўлади ҳамда ишни бажариш жараёнида келиб чиқадиган камчиликлар ва хатоликлар бўйича кўрсатмалар беради.

Машғулотларни ташкил этиш шакллари. Талабаларнинг мустақил

изланувчанлик фаолиятларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган машғулотлар кичик гуруҳларда ҳамда индивидуал шаклда олиб борилиши лозим. Индивидуал шакл асосан ижодий топшириқларни бажаришга йўналтирилади. Ҳар бир талаба ўзининг индивидуал (жисмоний, психик ва б.) хусусиятларига эгаки, бу унинг ўқув фаолиятига катта таъсир этади. Педагогнинг бу хусусиятларни ўрганиши ва инобатга олиши ўқитиш сифатини ошириш ҳамда ҳар бир талабанинг ижодий қобилият-ларини ривожлантириш учун шароит яратади.

Педагог талабаларнинг дарслардаги ва тажриба машғулотлари вақтида дарс жараёнидаги ишини, мустақил иш ва топшириқларини бажаришини кузатади, уларнинг билими, назорат ишларини текширади, маслаҳатларда, дарсдан ташқари вақтларда улар билан ишлайди. Талабанинг кучли ва ожиз томонини билиб олишга, унинг қизиқишлари, тафаккури, нутқи, хотираси, диққати, ҳаёлига хос бўлган хусусиятларни ўрганишга, унинг характери ҳамда иродавий сифатларини яхши билиб олишга ҳаракат қилади, уларнинг ҳаётий ва меҳнат тажрибаларини, муассасага келишдан олдинги фаолияти хусусиятларини ўрганади.

Кичик гуруҳларда ишлаш махсус билимлар билан бир қаторда амалий кўникмалар ўрганилиши керак бўлганда, шунингдек талабаларда мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантириш учун қўлланилади. Бир нечта талабалар биргаликда ишлаган пайтда, уларнинг шахсий хусусиятлари ва характерлари орасида ўзаро ҳамкорлик вужудга келади.

Гуруҳли бўлиб ишлашда иккита ҳолат фарқланади:

- бир хил мавзуда олиб бориладиган гуруҳ иши;
- ҳар хил мавзуда олиб бориладиган гуруҳ иши

Бир хил мавзуда олиб бориладиган гуруҳ ишида бир неча гуруҳларга бир хил топшириқлар берилади. Топшириқ ва машқларни ечиш шароитлари ҳам бир хил бўлади. Шундай қилиб ҳар хил ечимлар гуруҳ иши тугаганидан сўнг бири-бири билан таққосланиши мумкин. Кўпинча бундай ҳолларда рақобат ҳолати юзага келади. Ечим топилиши вақтида эса рақибликка ўхшаш ҳолатлар вужудга

келади. Бу ерда муҳим нарса шуки, гуруҳлардаги талабаларнинг билим ва кўникмалари имкон қадар бир хил бўлиши керак.

Ҳар хил мавзуда олиб бориладиган гуруҳ ишида бериладиган иш топшириғи бир неча қисмларга бўлинади. Фақат бу қисмлар бирлаштирилгандагина топшириқнинг мазмуни аниқ кўринади.

Ҳар бир гуруҳ бу ҳолда қисман топшириқ олади ва мустақил равишда унинг устида ишлайди.

Бундай ёндашувда бир гуруҳ талабалари фақат ўзларига берилган топшириқларни билишади холос, яъни бошқа гуруҳлар ишлари ҳақида деярли хабарлари бўлмайди. Шунинг учун ҳам натижалар қисман бирлаштирилиши зарур.

Кичик гуруҳларда ишлашда берилган топшириқлар пухталиқ билан ўйлаб чиқилган бўлиши керак, чунки уларда талабалар орасида мулоқот ва ҳамкорлик қобилиятини ривожлантириш каби мақсадлар бор.

1) “Режа ўйини” шаклидаги гуруҳий иш:

“Режа ўйинлари” белгиланган вазиятда турли хил ечимларни синаб кўриш имконини беради. Талабалар бунда муаммога бўлган ҳар хил таъсирлар натижага қандай таъсир қилишини ўрганади. Бунинг учун сабаб ва оқибат бир-бири билан боғлиқ равишда кўрилиши керак. Талабалар ўйин жараёнида ўзаро рақобат муносабатида бўладилар.

2) Лойиҳа шаклидаги гуруҳий иш:

Лойиҳавий иш бир лойиҳани аниқ белгиланган чегара доирасида ишлаб чиқишни талаб қилади. Лойиҳа шаклидаги гуруҳий иш жуда ҳам катта аҳамиятга эга, чунки бунда вазифалар топшириқлар мажмуаси бўйича аниқ тақсимланиши керак бўлади.

Талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантиришда электрон таълим ресурсларидан максимал фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ўқув ва дидактик материалларга қўшимча тарзда тасвирий-визуал воситалар (фотосуратлар, расмлар, чизмалар, графиклар) ҳам киради. Улар умумий ва кенг қамровли тасаввурларни вужудга келтиришни

осонлаштиради. Шунингдек, тасвирий тасаввурларни шакллантирадиган аудио-визуал воситалар технологик жараёнлар ва функциялар тўғрисидаги кенг камровли реал тасаввурларни вужудга келтиради.

Предмет воситалари тасвир ва матнларни ёзиб олиш, сақлаш имконини беради. Уларга доска, флипчарт, кодоскоп (проектор) камера ва компьютерлар киради.

Тажриба иши соҳасига тегишли керакли тажриба ускуналари, намуналар, жиҳозлар ва асбоблар назарий дарс ёки амалий машғулот пайтида дидактик функцияга эга бўлса, ўқув воситаси сифатида қўлланилиши мумкин.

Ушбу воситалардан фойдаланишда уларни муайян мақсад соҳа ва усулларга мос ҳолда танлаш муҳим ўрин тутди. Ўқитувчи ўқув ва кўрсатмали воситаларни ишлата олишни, улардан мақсадга мувофиқ ва оқилона тарзда фойдаланишни билиши керак. Техник воситалардан фойдаланилаётганда юзага келадиган техник муаммоларни мустақил ҳал қила олиши керак.

Ўқув материаллари бир пайтнинг ўзида дидактик материаллар сифатида, яъни ўқитиш ва ўрганиш учун ишлатилади. Агар ўқув ва дидактик материаллар етарли бўлмаса, у ҳолда ўқитувчи томонидан уларнинг танланиши ҳамда назарий ёки амалий машғулотлар мақсадига мослаштириб тайёрланиши керак.

Ўқитиш жараёнида талабаларни фаоллаштириш - шунинг назарда тутдики, бунда талабалар илмий билимларни ҳамда уларни амалда қўллаш усулларини онгли ва фаол эгаллаб оладиган, уларда ижодий ташаббускорлик, ўқув фаолиятида мустақиллик, тафаккур, нутқ ривожланади.

Талабаларнинг фаоллиги уларнинг ўқув материални эгаллаб олишида ўқув, тажриба хонаси шароитларида топшириқларни бажаришдаги ҳаракатларида намоён бўлади. Фаоллилик талабаларнинг ўқув ва меҳнат фаолиятидаги мустақиллигини ривожлантириш билан мустаҳкам боғланган.

Фаол усулларини танлаш биринчидан, дарсдан кўзда тутилган ўқув мақсадларига боғлиқ. Масалан, агар дарснинг мақсади янги билимларни эгаллашдан иборат бўлса, ўқитувчи бу билимларни ўзи баён қилади ёки талабаларнинг ўқув адабиётлари ва бошқа материаллар билан мустақил

ишлашини ташкил қилади.

Иккинчидан, таълим усуллари тинлаш ўрганиладиган фаннинг мазмуни ва дарснинг аниқ ўқув материалига боғлиқ бўлади. Бир машғулотнинг ўзида бир нечта фаол усуллар қўлланилиши мумкин.

Учинчидан, талабаларнинг илгариги тайёргарлик даражасига ва шахсий тажрибасига боғлиқ. Агар янги ўқув материали талабаларга бутунлай нотаниш бўлса, ўқитувчи буни ўзи баён қилади, буни дидактик воситалар ва тажрибаларни кўрсатиш билан қўшиб олиб боради.

Таълим оловчиларнинг билим олиш, мустақил ишлаш ва ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг онгли фаоллиги, мустақиллиги ҳамда ижодкорлигини, ўқув билиш фаолияти натижасининг сифатини характерлайди.

Фаоллик-таълим шароитида ўзлаштирилган назарий билим ва амалий ишҳаракат усуллари турли ишлаб чиқариш вазиятларида қўлланишга имкон беради.

Ўқитиш жараёни. Талабаларнинг мустақил изланувчанлик қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган машғулотлар дарс ишланмалари ҳамда технологик хариталари асосида ўқитиш жараёни ташкил этилади. Машғулотлар асосини мустақил ва ижодий иш топшириқларини бажариш ташкил этади. Ҳар бир машғулот ўқув мақсадига тўла эришиш учун қўшимча машғулотлар ҳам ўтказилиши мумкин.

Талабаларга мустақил билиш, фикрлаш ва ижодий изланишга мажбур қиладиган, муаммоли ҳаётий далилларга асосланадиган вазиятли топшириқларни бериш мақсадга мувофиқдир. Талаба топшириқларни ижодий фикрлаш ва мустақил ишлаш орқали бажаришлари лозим.

Ўқитувчилар мустақил ва ижодий иш топшириқларини бажариш бўйича талабаларнинг интилишларини олқишлаши ҳамда тўғри йўналтира олишлари лозим. Талаба якка холда самаралироқ ишлайдими; ёки бир неча кишидан иборат гуруҳ билан биргаликда ишлашни ёқтирадими; ёки унга элек-трон дарсликлардан фойдаланиш қулайроқми буни ўқитувчи яхши билиши керак.

Талаба топширикни ўзи англаши ва уни бажаришга ҳаракат қилиши, ўқитувчи эса, ўз навбатида, талабаларнинг мустақил изланиш олиб бориш кўникмаларини, ўтилган материалларни янада чуқурроқ ўзлаштириш учун кўшимча маълумотларни излаб топиш қобилиятларини ривожлантиришга ундашлари лозим.

Саволлар ёки топшириқлар орқали талабаларнинг ижодий фикрлашларни ривожлантириш, номаълум ёки ноаниқ маълумотлар моҳиятини тушуниш учун мустақил изланишларини вужудга келтиради. Биз томондан олиб борилган педагогик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, талабанинг ижодий фикрлаш қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш, унинг мустақил билим олишга бўлган қизиқишини оширишда мустақил иш ижобий таъсир кўрсатар экан. Лекин, аудиториядан ташқари мустақил ишни ташкил қилиш бирмунча мураккаб жараён. Чунки бу жараёнда талаба мустақил тарзда фанлар бўйича берилган топшириқларни ўқув-услубий адабиётларидан фойдаланган ҳолда бажаришлари керак.

Талабалар томонидан ўқув материаллари ўзлаштирилганлигини, кўникма ва малакалар ҳосил бўлганлигини текшириш ҳамда баҳолаш таълим жараёнининг зарурий таркибий қисми ҳисобланади. Бу фақат ўқитиш натижаларини баҳолаш эмас, балки ўқитиш жараёни даврида талабалар билим олиш ва мустақил иш фаолиятига раҳбарлик қилиш ҳамдир.

Билим ва кўникмаларни текшириш ҳамда баҳолашнинг таълимий аҳамияти шундан иборатки, бунда ўқув материалларининг ўзлаштирилиши тўғрисида талаба ва ўқитувчи муайян маълумотга эга бўлади. Ўқитувчига талабаларнинг қайси ўқув материаллари яхши ўзлаштирилгану, қайси иш етарли даражада ўзлаштирилмаганлиги маълум бўлади. Бу эса талабанинг ўрганиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш учун асос бўлиб ҳисобланади. Баҳолаш орқали талабаларнинг ўқув материалларини билиш, тушуниш, хотирада сақлаб қолиш, амалда қўллаш олиш, таҳлил қилиш ва ўз-ўзини баҳолаш даражалари аниқланади.

Билимларни, кўникма ва малакаларни баҳолашнинг тарбиявий аҳамияти

шундаки, бунда талабаларнинг ўқишга қизиқиши, ўз ютуқлари ёки муваффақиятсизликларига нисбатан муносабати шаклланади, ўқув қийинчиликларни енгиш иштиёқи туғилади.

Натижаларни баҳолаш орқали бутун таълим жараёни текширилиб кўрилиши керак. Бу билан таълим жараёнида кутилаётган ўқув мақсадига эришилаётганлик даражаси текширилади. Таълим бериш давомидаги талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш талабанинг ўзлигини англаши учун бир имкониятдир.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ҳам инобатга олиб баҳолашда қуйидагиларни эътиборга олиш муҳимдир:

- ўқув мақсадларига эришилганликни аниқлаш;
- таълим жараёнидаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаш;
- ўқитувчи ўз фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш;
- жорий ва оралик ўзлаштириш даражасини аниқлаш;
- баҳолаш натижалари бўйича ота-оналарга маълумот бериш;
- дастлабки билим ва кўникмалар таълим натижасини баҳолаш;
- талабаларнинг қизиқишларини аниқлаш учун.

Баҳолашни қуйидаги уч босқичда ўтказиш тавсия этилади:

Бошланғич баҳолаштаълим жараёни бошида талабаларнинг дастлабки билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш учун ўтказилади. Бундай баҳолаш натижалари орқали махсус фанни ўқитиш жараёнининг мазмуни, методлари ва шакллари танлаш имконияти яратилади.

Жорий (шакллантирувчи) баҳолашмунтазам равишда ўтказиб борилиши лозим. У таълим жараёнидаги ютуқ ва камчиликларни, самарасини тезкор аниқлаб бориш, ўқув жараёнини мувофиқлаштириш ҳамда таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги қайтар алоқани таъминлаш имконини беради.

Оралик баҳолаш махсус фан асосий бўлимлари ёки модуллари бўйича машғулотлар ўтиб бўлингандан кейин талабаларнинг билим ва кўникмаларни ўзлаштирганликлари баҳоланади. Бу билан талабанинг бўлим ёки модел бўйича

Ўқув материални қанчалик даражада ўзлаштирганлиги ҳақида маълумотга эга бўлинади. Лозим бўлса ўзлаштириши паст бўлган талабалар билан қўшимча машғулотлар олиб борилади.

2-мавзу: Педагогнинг креативлиги инновацион таълимнинг муҳим омили сифатида (2 соат)

Режа:

1. Педагогнинг креативлиги инновацион таълимнинг муҳим омили сифатида.

2. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари: кейс стади, лойихавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш, синергетик таълим ва портфолио технологияларининг дидактик аҳамияти.

Таянч тушунчалар: *сифат, креативлик сифатлари, малака, ижодий фаолиятни малакалари, креатив сифатларни ривожлантириши йўллари, педагогларнинг креативлигини ифодаловчи белгилар, шахс креативлигини ривожлантириши тамойиллари, педагогларнинг креативлигини ифодаловчи белгилар, педагогларнинг креативлик имкониятлари, педагогларнинг креативлик имкониятининг муҳим даражалари, шахснинг креативлиги даражасини аниқловчи мезонлар.*

2.1. Педагогнинг креативлиги инновацион таълимнинг муҳим омили сифатида. Замонавий педагогикада “креатив педагогика” тушунчаси қўлланила бошлаганига ҳали у қадар кўп вақт бўлмади. Бироқ, ўқитиш жараёнига инновацион ҳамда ижодкорлик ёндашувларини қарор топтиришга бўлган эҳтиёж “Креатив педагогика”нинг педагогик туркум фанлар орасида мустақил предмет сифатида шаклланишини таъминлади. Ушбу предмет асосларини педагогика тарихи, умумий ва касбий педагогика ҳамда психология, хусусий фанларни ўқитиш методикаси, таълим технологияси ва касбий этика каби фанларнинг методологик ғоялари ташкил этади. “Креатив педагогика” фанининг умумий асослари мутахассис, шу жумладан, бўлажак мутахассисларнинг касбий камол топишлари учун зарур шарт-шароитни яратишга хизмит қилади.

Шахснинг мутахассис сифатида касбий камол топиши, ривожланиши ўз моҳиятига кўра жараён тарзда намоён бўлади. Касбий етуклик инсон онтогенезининг муҳим даврлари касбий камол топиш, ривожланиш ғояларининг қарор топиши (14-17 ёш)дан бошланиб, касбий фаолиятнинг яқунланиши (55-60

ёш)гача бўлган жараёнда кечади. Ижодкор шахснинг шаклланиши ва ривожланиши унинг ички ва ташқи олами ўзгаришининг ўзаро мос келиши, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ҳамда инсон онтогенгизи – туғилишидан бошлаб то умрининг охирига қадар узлуксизлик, ворисийликни тақозо этадиган фаолият мазмунига боғлиқ.

Маълумки, касбий тажриба билим, кўникма ва малакаларнинг интеграцияси сифатида акс этади. Бироқ, касбий-ижойий фаолият кўникмаларининг ўзлаштирилиши нафақат амалий кўникма ва малакаларнинг интеграцияси, мутахассис сифатида фаолиятни самарали ташкил этиш усул ва воситаларини ишлаб чиқишни эмас, шу билан бирга касбий ижодкорлик методологиясидан хабардор бўлиш, ижодий тафаккурни ривожлантириш ва креатив характерга эга шахсий сифатларининг етарли даражада ўзлаштирилиши талаб этади.

Ижодкор шахснинг шаклланишини шахснинг ўзаро мос тарзда бажарилган ижодий фаолият ва ижодий маҳсулотларни яратиш борасидаги ривожланиши сифатида белгилаш мумкин. Ушбу жараённинг суръати ва қамрови биологик ва ижтимоий омиллар, шахснинг фаоллиги ва креатив сифатлари, шунингдек, мавжуд шарт-шароит, ҳаётий муҳим ва касбий шартланган ҳодисаларга боғлиқ.Замонавий шароитда педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлиши тақозо этади.

Сўнгги йилларда етакчи хорижий мамлакатларнинг таълим тизимида ўқувчи ва талабаларда креативлик сифатларини шакллантириш масаласига алоҳида, жиддий эътибор қаратилмоқда. Буни Бронсон, Меррийман (2010 й.), Кен Робинсон (2007 й.), Фишер, Фрей (2008 й.), Бегетто, Кауфман (2013 й.), Али (2011 й.), Треффингер (2008 й.) ва б. томонидан олиб борилган кўплаб тадқиқотлар, уларнинг натижалариан кўриш мумкин.

Биргина Кен Робинсон томонидан 2007 йилда тайёрланган “Мақтаб креативликни барбод этяптими?” номли видео лавҳани YouTube сайтида 5 млн марта томоша қилинган. Қолаверса, ўқитувчилар креативлик асосларини ўрганишга жиддий киришганлар (Бегетто, Кауфман, 2013 й.). Ўқитувчиларда педагогик фаолиятни креатив ёндашув кўникма, малакаларини шакллантириш ҳамда

ривожлантиришга доир адабиётлар чоп этиляпти, Таълим департаменти томонидан тайёрланган видео лавҳаларга асосланувчи ноанъанавий дарслар ташкил этиляпти (Али, 2011; Таълим департаменти, 2013 й.).

Салмоқли амалий ишлар олиб борилаётганлигига қарамай, кўпчилик ўқитувчилар ҳали хануз шахс (ўзларида ҳамда талабаларда креативлик сифатларини қандай қилиб самарали шакллантириш тажрибасини ўзлаштира олмаяптилар.

Таълим тизимини бошқариш органлари ҳар йили таълим муассасаларида юқори самарадорликка эришишга эътибор қаратади. Ана шу мақсадда ўқув дастурини ишлаб чиқилади, янги ўқув дарсликлари яратилади. Бу эса ҳам талабалар, ҳам ўқитувчиларни касбий ўсишларига ёрдам беради. Олиб бориладиган амалий ҳаракатлар талабаларда ютуқларга эришиш, олға интилишга бўлган эҳтиёжни муайян аражада юзага келтиради, уларнинг ўқув-билиш қобилиятларини бир қадар ривожлантиришга ёрдам беради.

Бироқ, ўқув йилининг охирида келиб олий таълим муассасаларида талабаларнинг фанларни ўзлаштиришларида юқори даражадаги ижобий натижалар кузатилмаяпти. Кўплаб талабаларнинг таълим олишга нисбатан қизиқиши йўқолган. Бунинг натижасида ўқитувчилар ҳам аввалгидек завқу шавқ билан касбий фаолиятни ташкил этишни ўйлашмаяпти. Таълим тизимини бошқарувчи органлар таълим олишга нисбатан хоҳиш-истаги бўлмаган талабалар, бу каби таълим олувчиларни ўқитишни истамаётган ўқитувчилар фаолиятини ўзгартириш борасида янгидан-янги чора-тадбирлар белгиланса-да, аҳвол ўзгаришсиз қолмоқда.

Бунинг сабаби нимада? Балки дарсларнинг аввалдан ўйлаб, режалаштирилиб қўйилиши талабалар учун қизиқ бўлмаётгандир, балки балки таълим мазмунининг муайян қолипга солинганлиги талабалар учун ҳеч қандай стимул бермаётгандир, рағбат билдирмаётгандир. Ўқув машғулотларининг аввалдан режалаштирилишидан воз кечиш, талабаларда танқидий, креатив тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш, уларни ижодий фикрлаш, янги ғояларни ўйлаб топишга мажбур қилиш таълим олишга бўлган муносабатни

ўзгартириш, уларни ютукларга эришишга рағбатлантиришда асосий омил бўлар. Ўқув машғулларида етишмаётган омил – **креативлик** саналади¹⁵ [Патти].

Шахсда креативлик сифатларини ривожлантириш жараёнининг умумий моҳиятини тўлақонли англаш учун дастлаб “креативлик” тушунчасининг маънони тушуниб олиш талаб этилади. Кен Робинсоннинг фикрига кўра, “креативлик – ўз қийматига эга оригинал ғоялар мажмуи” (Аззам, 2009 й.) саналади. Гарднер эса ўз тадқиқотларида тушунчани шундай изоҳлайди: “креативлик – шахс томонидан амалга оширилаётган амалий ҳаракат бўлиб, у ўзида муайян янгиликни акс эттириши ва маълум амалий қийматга эга бўлиши лозим”. Эмебайл (1989 й.)нинг ёндашуви нуқтаи назаридан ифодаланса, креативлик “муайян соҳа бўйича ўзлаштирилган пухта билимлар билан бирга юқори даражада ноодатий кўникмаларга ҳам эга бўлиш” демакдир.

Кўплаб тадқиқотларда интеллект ва креативлик ўртасидаги алоқадорлик хусусида турлича қарашлар мавжуд. Бир гуруҳ тадқиқотчилар улар ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ эканлигини уқтирсалар, иккинчи гуруҳ вакиллари креативлик ва интеллект даражаси бир-бирига боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар (Ким, 2005 й.).

“Креативлик” тушунчаси ўзида маданий хилма-хилликни акс эттиради. Ғарб кишилари учун креативлик, умуман олганда, янгилик саналади. Улар креативлик негизида ноанъанавийлик, қизиқувчанлик, тасаввур, ҳазил- мутойиба туйғуси ва эркинлик мавжуд бўлишига эътиборни қаратадилар (Мёрдок, Ганим, 1993 й.; Штернберг, 1985 й.). Шарқликлар эса, аксинча, креативликни эзгуликнинг қайта туғилиш жараёни, деб тушунадилар (Хуи, Стернберг, 2002 й.; Рудович, Хуи, 1997 й.; Рудович, Йуе, 2000 й.). Гарчи ғарблик ва шарқликларнинг креативлик борасидаги қарашлари турлича бўлса-да, бироқ, ҳар икки маданият вакиллари ҳам мазкур сифат ва унга эгаликни юқори баҳолайдилар (Кауфман, Лан, 2012 й.).

Патти Драпеау нуқтаи назарига кўра креатив фикрлаш, энг аввало, муайян масала юзасидан ҳар томонлама фикрлаш саналади. *Ҳар томонлама фикрлаш*

¹⁵ Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. – p. 4.

талабалардан ўқув топшириқ, масала ва вазифаларини бажаришда кўплаб ғояларга таянишни талаб этади. Бундан фарқли равишда *бир томонлама фикрлаш* эса биргина тўғри ғояга асосланишни ифодалайди. Мушоҳада юритишда масала юзасидан бир ва кўп томонлама фикрлашдан бирини инкор этиб бўлмайди. Бинобарин, бир ва ҳар томонлама фикрлаш креативликни шакллантиришда бирдек аҳамият касб этади. Яъни, топшириқни бажариш, масалани ечишда талаба ечимнинг бир неча вариантыни излайди (кўп томонлама фикрлаш), кейин эса энг мақбул натижани қафолатловчи биргина тўғри ечимда тўхталади (бир томонлама фикрлаш).

Юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда “креативлик” тушунчасини қуйидагича шарҳлаш мумкин:

Креативлик (лот., инг. “create” – яратиш, “creative” – яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти

Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғулариди, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида ҳам акс этади. Қолаверса, креативлик зеҳни ўткирликни белгилаб беради, “талабалар эътиборини таълим жараёнига фаол жалб этишни таъминлайди.

Хорижий мамлакатларда барча соҳаларнинг мутахассислари каби ўқитувчилар ҳам ўзларида креативлик сифатлари мавжудлиги ва унинг даражасини аниқлаб боради. Бунинг учун улар Е.П.Торренс томонидан 1987 йилда асосланган ва шахснинг креатив тафаккурга эгалигини аниқловчи тестдан ўтади. Мазкур тест шахс креативлиги ва унинг даражасини ижодий фаолиятни ташкил этишдаги фаоллик, тезкор фикрлаш, ўзига хос (оригинал)лик ва такомиллашганлик каби мезонлар бўйича баҳолаш имкониятини яратади. Ўқувчи томонидан тавсия этилган саволларга бериладиган жавоблар айнан мана шу тўртта мезонни қанотлантириши лозим¹⁶.

Э.П.Торренс фикрича, “креативлик” тушунчаси негизда қуйидаги ёритилади:

¹⁶ Ўша асар, 4-5-бетлар.

- муаммога ёки илмий фаразларни илгари суриш;
- фаразни текшириш ва ўзгартириш;
- қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш;
- муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг ўзаро қарама-қаршилигига нисбатан таъсирчанлик

Креатив фикрлаш ҳар бир ижтимоий соҳада яққол акс этиши мумкин¹⁷. Ўқитувчининг ижодкорлиги эса у томонидан ташкил этилаётган касбий фаолиятни ташкил этишга ижодий (креатив) ёндашувида акс этади. Сўнги йилларда ушбу ҳолат “педагогик креативлик” тушунчаси билан ифодаланмоқда.



Педагогик креативлик – педагогнинг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёнини самарадорлиги таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган тайёргарлигини тавсифловчи қобилияти

“Креатив педагогика” қуйидаги икки ҳолатни кафолатлай олиши зарур:

1) ўқитувчилар томонидан ўқув фанларини паст ўзлаштираётган ва уларини ўрганишни зерикарли деб ҳисоблаётган талабалар эътиборларини фан асосларини ўзлаштиришга жалб этиш;

2) ўқитувчиларга талабаларда креатив фикрлаш ва ижодий фаолият натижаларини рағбатлантиришга хизмат қиладиган стратегия ва воситаларни тавсия этиш қилиш орқали аудиторияда улардан самарали фойдаланишлари учун имконият яратиш.

Педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлмаслиги туфайли талабалар ҳам қизиқарли ва ажойиб ғояларга эга бўлсалар-да, бироқ, уларни ифодалашда сусткашликка йўл қўяди. Бунинг сабабли таълим жараёнида қўлланилаётган методлар талабаларда эркин, мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга

¹⁷ Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. – p. 4.

хизмат қилмаслиги билан белгиланади. Муаллиф томонидан тавсия қилинган восита ва стратегиялар талабаларда креативликни ривожлантиришда ўқитувчилар учун қўл келади ҳамда талабаларда ўқув фанларини ўрганишга бўлган қизиқиш, интилишни ривожлантиради¹⁸.

Касбий фаолиятда педагогнинг креативлиги турли шаклларда намоён бўлади. Улар қуйидагилардир:

• Меъёрий ҳужжатлар (ўқув фанлари бўйича ДТС, ўқув дастури ва режалари)ни тайёрлаш; Ўқув манбалари (дарслик, ўқув-методик ва методик қўлланма, тавсиянома, луғат, энциклопедия, атлас, иш дафтари ва б.)ни яратиш;

- Таълим жараёни ва маънавий-маърифий ишлар лойиҳаларини тайёрлаш;
- Ўқув ахборотлари, назорат ҳамда синов топшириқларини шакллантириш;
- Таълим жараёнини қизиқарли, жонли, жўшқин ташкил этиш;
- Илмий-тадқиқотларни муваффақиятли олиб бориш;
- Илмий ва методик анжуманларда фаол иштирок этиш, чиқишлар қилиш;
- Илмий, илмий-методик ва методик ишларни чоп эттириш;
- Даврий ҳисоботларни топшириш, аттестациядан ўтиш.

Педагог томонидан ушбу шаклларда касбий фаолиятнинг самарали ташкил этилиши унинг креативлиги қай даражаа эканлигига боғлиқ бўлади.

Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Педагогнинг креативлик потенциали унинг умумий хусусияти сифатида акс этади. У ижодий фаолиятнинг дастлабки шarti ва натижаси саналади. Мазкур сифат шахснинг ўз-ўзини намоён қилиш лаёқатига эгалликни ва тайёрликни ифодалайди. Қолаверса, креатив потенциал негизида ҳар бир мутахассиснинг шахсий қобилиятлари, табиий ва ижтимоий қуввати яхлит ҳолда намоён бўлади. Креатив потенциал билиш жараёнига йўналтирилган ижодкорлик билан чамбарчас боғлиқ. Педагогнинг креатив потенциали анъанавий тафаккур юритишдан фарқли равишда қуйидагиларда намоён бўлади:

¹⁸ Ўша асар, 6-бет.

- тафаккурнинг тезкорлиги ва эгилувчанлиги;
- янги ғояларни яратиш қобилияти;
- бир қолипда фикрламаслик;
- ўзига хослик;
- ташаббускорлик;
- ноаниқликка тоқат қилиш;
- заковатли бўлиш

Педагог креативлик потенциалига эга бўлиши учун касбий фаолиятида қуйидагиларга эътиборини қаратиши зарур:

- касбий фаолиятига ижодий ёндашиш;
- янги-янги ғояларни яратишда фаоллик кўрсатиш;
- илғор педагогик ютуқ ва тажрибаларни мустақил ўрганиш;
- ҳамкасблар билан педагогик ютуқлар хусусида фикр алмашиш

Ҳар бир педагогнинг ўзини ўзи ривожлантириши ва ўзини ўзи намоён эта олиши бевосита унинг креативлик қобилиятига эгаллиги билан боғлиқ.

Одатда педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари педагогик муаммоларни ҳал қилишга интилиш, илмий-тадқиқот ишлари ёки илмий лойиҳаларни амалга ошириш ва ўзаро ижодий ҳамкорликка эришишлари орқали таъминланади.

Педагог ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Унинг ижодкорлик қобилияти маълум вақт ичида изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шакллантирилади ва у аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби бўлажак педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари учун талабалик йилларида пойдевор қўйилади ва касбий фаолиятни ташкил этишда изчил ривожлантириб борилади. Бунда педагогнинг ўзини ўзи ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга. Педагог ижодий фаолиятни ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик характердаги ижод маҳсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Муаммоли масала ва вазиятларни ҳал қилар экан, педагогнинг масала ечимини топишга ижодий ёндашиши унда ҳиссий-иродавий сифатларнинг ривожланишига ёрдам беради. Педагог ўз олдига муаммоли масалаларни қўйиш орқали мавжуд билимлари ва ҳаётий тажрибаларига зид бўлган далиллар билан тўқнаш келади. Бунинг натижасида ўз устида ишлаш, мустақил ўқиб ўрганишга нисбатан эҳтиёж сезади.

Педагогнинг креатив потенциали қуйидаги таркибий асосларни ўз ичига олади (1-расм):



1-расм. Педагог креатив потенциалининг таркибий асослари

Креативлик потенциалига эга педагог ўзида қуйидаги малакаларни намоён эта олади:

- бажариладиган вазифанинг моҳияти ва аҳамиятини белгилай билиш;
 - масаланинг қўйилишини таҳлил қила олиш;
 - масалани ҳал қилиш режасини тузиш;
- масалани ҳал қилишда самарали методлар (анализ, синтез, индукция, дедукция, таққослаш ва б.)ларни қўллаш;
 - масалани ҳал қилиш усулларини танлай олиш;
- қабул қилинган қарорнинг тўғрилигини асослаш ва қайта текшириш;
 - масалани ҳал қилишда кичик тадқиқот (изланиш)ни олиб бориш;
 - масалани ҳал қилиш шароити, жараённинг бориши ва масала ечими яқунларини умумлаштиришга оид далилларни расмийлаштириш

Педагогнинг илмий-тадқиқот ишлари ва илмий ёки ижодий лойиҳаларни амалга ошириши унда креативлик потенциални янада ривожлантиради.


Натижада педагог:

- ижодий фикрлашга одатланади;
- илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш кўникмаларини пухта ўзлаштиради;
- педагогика ёки мутахассислик фани ютуқлари ҳамда илғор тажрибалардан фойдаланиш имкониятларини мустақил таҳлил қилади;
- педагогик жамоа томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ва ижодий лойиҳаларни бажаришда фаол иштирок этади

Педагогларнинг креативлик имкониятини аниқловчи мезонлар ва уларнинг даражалари

Касбий фаолият самардорлигини баҳолашда педагогнинг ижодкорлиги – кротив потенциали даражасини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Педагогнинг кротивлик потенциали даражасини аниқловчи мезонлар қуйидагилар саналади (2-расм):



2-расм. Педагогнинг креатив потенциали даражасини аниқловчи мезонлар

Ушбу мезонлар педагоглар креатив потенциалини уч даражада аниқлаш имконини беради (1-жадвал):

1-жадвал. Педагог креатив потенциалининг муҳим даражалари

№	Даражалар	Даража хусусиятлари
1.	Юқори	Мунтазам равишда турли ташаббусларни илгари суради, креатив қобилиятга эгалигини изчил намойиб этиб боради, креатив жиҳатдан ўта фаол, изланувчан
2.	Ўрта	Баъзан у ёки бу ташаббусни илгари суради, креатив қобилиятга эгалиги мунтазам бўлмаса-да, аммо намоеън бўлади, креатив жиҳатдан бир қадар фаол, изланувчан бўлишга интилади
3.	Паст	Гарчи у етарлича асосланмаган бўлса-да, ташаббусни илгари суршга интилади, креатив қобилияти етарлича намоеън бўлмайди, изланувчан бўлишга интилмайди

Шундай қилиб, малака ошириш курсларида “Креатив педагогика” модули (фани)ни ўқитиш педагогларда уларга хос креатив сифат ва ижодий-педагогик фаолият малакаларини самарали ривожлантириш имконини беради. Педагогларда

креативлик сифатлари, ижодий-педагогик фаолият малакаларини ривожлантириш борасида америкали тадқиқотчи Патти Дрепеау томонидан таклиф қилинган йўлларда фойдаланиш кутилган натижаларни қўлга киритишга ёрдам беради. Қолаверса, педагогларда креативлик сифатларини шакллантириша устувор тамойиллар асосида иш кўриш аниқ мақсага йўналтирилган фаолият самарадорлигини кафолатлайди. Малака ошириш курсларида амалий машғулотлар жараёнида педагогларнинг креативлик имкониятларининг аниқ мезонлар асосида аниқлаш, даража кўрсаткичларини баҳолаш асосида бу борадаги ютуқ ва камчиликларни белгилаш, ютуқларни бойитиш, камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш мумкин бўлади.

2.2. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари: кейс-стади, лойиҳавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш, синергетик таълим ва портфолио технологияларининг дидактик аҳамияти.

Хорижий мамлакатларнинг таълим тизими амалиётида шахс креативлик сифатларида шакллантириш ёки ривожлантиришга хизмат қиладиган кўплаб метод ва стратегиялар қўлланилади. Ушбу метод ва стратегияларнинг дидактик аҳамияти шундаки, улар талаба ва ўқувчиларни ўқув материаллари юзасидан чуқур ўйлашга мажбур қилади. Шу сабабли бу метод ва стратегияларни креативлик сифатлари ниҳоятда паст ривожланган ўқувчи ва талабалар билан ишлаш жараёнида самарали кўллаб бўлмайди. Кзиксзентмихайли (Csikszentmihalyi, 1996 й.) креатив шахслар икки тоифага бўлинади деган фикрни илгари суради:

1. Катта креативлар (“катта К”). Улар ўзлари фаолият олиб бораётган соҳанинг етакчилари бўлиб, соҳада доимо ўзгаришларни содир этишга интилади.

2. Кичик креативлар (“кичик К”). Улар ўзларининг креативлик сифатларидан фақатгина кундалик ҳаётда муайян фойдага эришиш учун фойдаланади.

“Кейс-стади” технологиясининг моҳияти. Муаммоли вазиятларни яратиш ва уларни ҳал қилишга доир ўқув топшириқларини ишлаб чиқишда “Кейс-стади” технологияси муҳим аҳамиятга эга. Технология қарийиб 150 йилдан буён хорижий мамлакатлар таълими амалиётида муваффақиятли қўлланиб

келинмоқда. Бугунги кунда “Кейс-стади” технологияси республика таълимида ҳам тобора оммалашиб бормоқда.

Шу сабабли айни ўринда ушбу метод (технология)¹⁹ моҳияти ҳақида сўз юритилади.

“Keys-stadi” texnologiyasi (ingl. “case” – chemodan, metod, “study” – muammoli vaziyat; vaziyatli tahlil yoki muammoli vaziyatlarni tahlil qilish) – 1) talabalarda aniq, real muammoli vaziyatni tahlil qilish orqali eng maqbul variantlarini topish ko‘nikmalarini shakllantirishga xizmat qiladigan texnologiya; 2) real vaziyatlarni bayon etishda qo‘llaniladigan o‘qitish texnikasi

Технологиянинг асосий вазифалари²⁰ қуйидагилардан иборат:

1. Tahlil ko‘nikmalari va tanqidiy tafakkurni rivojlantirish.
2. Nazariya va amaliyot birligini ta’minlash.
3. Muammo yuzasidan turli qarashlar va yondashuvlarni namoyish qilish.
4. Qarorlar qabul qilish va uning oqibatlariga doir mulohazalarni taqdim etish.
5. Noaniqliklar mavjud bo‘lgan sharoitda muqobil variantlarni baholash ko‘nikmalarini shakllantirish

Дарҳақиқат, кейс-стади талабаларни ҳар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишга ўргатади. Унинг негизида муайян муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи элементлар ётади. Булар қуйидагилардир: таълим шакллари, таълим методлари, таълим воситалари, таълим жараёнини бошқариш усул ва воситалари, муаммони ҳал қилиш юзасидан олиб борилаётган илмий изланишнинг усул ва воситалари, ахборотларни тўплаш, уларни ўрганиш усул ва воситалари, илмий таҳлилнинг усул ва воситалари, ўқитувчи ва талаба (талаба) ўртасидаги таълимий алоқанинг усул ва воситалари, ўқув натижалари.

¹⁹ Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 81-б.; Сборник кейсов для вузов по дисциплинам гуманитарного и социально-экономического цикла / Учеб.-мет.пособие. – СПб.: Изд-о Санкт-Петербургского университета управления и экономики, 2015. – С. 3.

²⁰ Савельева М.Г. Педагогические кейсы: конструирование и использование в процессе обучения и оценки компетенций студентов / Учеб.-мет.пособие. – Ижевск: ФГБОУВПО “Удмуртский университет”, 2013. – С. 9.

2.4. Педагог касбий-инновацион компетентлигининг тузилиши ва мазмуни²¹. Педагогика ва психологияда бўлажак ўқитувчи фаолиятини яхлит тизим сифатида ўрганиш муҳим илмий-амалий муаммолардан бири ҳисобланади.

Уни ҳал этишда, моделлаштириш муҳим ўрин тутди. «Моделлаштириш тадқиқотчилик фаолиятининг яхлит туркумини акс этиришга хизмат қилади. Тадқиқотчи туркум моҳиятини синчиклаб ўрганиб чиқади. Зеро, у якуний модел сифатида назарияни хулоса ва ғоялар билан бойитади. Демак, моделлаштириш танланган объект туркум кўринишида тасаввур этишга имкон беради» .

«Мутахассис модели» тушунчасига нисбатан турли қарашлар мавжуд. Кўпчилик муаллифлар мутахассис модели дейилганда, муайян соҳа мутахассисининг умумлаштирилган образи сифатида ўрганилаётган объектнинг асосий хусусиятларини акс этирувчи тасвирий ўхшатишни тушуниш кераклигига урғу берадилар.

Моделнинг муайян вақтнинг ўзида тасвирий шаклни аниқлаш ҳамда уни қуриш «технологияси»дан иборат эканлигини қайд этувчи қарашлар ҳам мавжуд.

Учинчи гуруҳ вакиллари эса «мутахассис модели» тушунчаси моҳиятида билим, кўникма ва малакалардан ташқари шахснинг шахсий сифатлари, маданияти ва бошқа хусусиятлари ҳам намоён бўлиши зарурлигини ёқлайдилар.

Н.Ф.Тализина томонидан, мутахассисни касбий тайёрлаш жараёнини моделлаштиришга нисбатан умумметодологик ёндашув ишлаб чиқилган. Моделда кутилаётган натижа ва унга эришиш йўлларининг узвий бирлиги акс этиши зарурлигини алоҳида таъкидлаб, муаллиф қуйидагиларни баён этади: «Мутахассис модели муаммоси ўқув режалари каби ўқув дастурларининг ҳам мазмунини аниқлашда муҳим ҳисобланади».

Касбий тайёргарликнинг сифати қуйидаги учта асосий вазиятнинг асосланганлик даражасига боғлиқдир: ўқитиш мақсадлари (нима учун

²¹ Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед. фан. док... дис. - Т.: 2007. - 315 б.

ўқитилади?), ўқитиш мазмуни (нима ўқитилади?) ва ўқув жараёнини ташкил этиш тамойилари (қандай ўқитилади?) даражасига боғлиқ бўлади.

Бўлажак мутахассисларни тайёрлаш жараёни мураккаб хусусиятга эга бўлиб, бу жараёнда мақсаднинг аниқ белгиланиши, мутахассис моделининг таркибий асосларини аниқлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Мутахассис модели қуйидаги учта таркибий асосдан ташкил топади:

1. Янги ижтимоий босқичга хос бўлган хусусиятлар асосида юзага келган фаолият турлари.

2. Касбий талаблари аниқ кўрсатиладиган фаолият турлари.

3. Давлатнинг ижтимоий-сиёсий тузилмаси ҳамда унинг маънавий-ахлоқий тизими моҳиятига кўра ташкил этилувчи фаолият турлари.

Юқорида келтирилган фаолият асослари маълум мутахассис учунгина эмас, балки барча мутахассисликлар вакиллари учун ҳам зарур бўлган маҳорат (шунингдек, маълум билимлар)ни ўз ичига олади. Масалан, ўқиш маҳорати, жамоани бошқара олиш, ижтимоий фаолиятни ташкил этишга тайёрлик. Кейинги икки фаолият тури маълум касб учун қўйилувчи аниқ талаблар даражасини белгилайди.

Аммо, олий маълумотли мутахассислар томонидан ташкил этилувчи фаолият турларига кўра барча талабларни қуйидаги учта гуруҳга бирлаштириш мумкин: 1) тадқиқотчилик фаолиятини олиб боришга имкон берувчи маҳорат; 2) умуммуҳандислик ва ихтисослик фанлари бўйича назарий ва амалий масалаларни ҳал этишда зарур бўладиган маҳорат; 3) талабаларни педагогик ва методик фаолиятга тайёрлашни таъминловчи маҳорат.

Ўқитувчи аввало таълим мазмунини лойиҳалаштириш билан боғлиқ қуйидаги маҳоратлар тизимини эгаллаб олиши керак: ўқитиш мақсадларини (таълимий, тарбиявий ва ривожлантириш) конструктив тасвирлаш; ўқувчиларда маълум касб фаолияти бўйича билим, кўникмаларнинг шаклланганлик даражасини акс эттирувчи кўрсаткичларни аниқлаш; ушбу кўрсаткичларнинг акс этишига имкон берувчи чизмалар, схемалар, лойиҳалар, техник-технологик ҳамда ташкилий-иқтисодий машқлар ва таълим методлари, шаклини тўғри

танлаш; уларнинг кетма-кетлигини аниқлаш; ўқувчилар томонидан назарий ва амалий билим ва кўникмаларнинг шакллантирилиши ва ҳоказолар борасидаги зарур маълумотларга эга бўлишни таъминловчи кўрсаткичларни аниқлаш.

Касбий шаклланиш жараёнида ўқитувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ўрганиш, ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш ҳамда унинг натижаларини баҳолаш муҳимдир. Ўқув фаолиятининг зарур тарбиявий натижасини аниқлашга хизмат қилувчи маҳоратлар алоҳида тизимни ташкил этади. Маънавий дунёқараш ва унинг моҳияти ҳамда умумий маданиятлилик даражасига қўйилувчи талабларни ўз ичига олади.

Тузилиши нуқтаи назаридан мутахассис модели уни ўзгартириш ва тузатиш имконини берувчи, фаолият самарадорлигига таъсир кўрсатувчи ва осон ташҳис (диагностика) қилинадиган таркибий қисмларни ўз ичига олиши зарур. Икки қисмли тузилмага эга бўлган мутахассис модели энг кўп тарқалган модел ҳисобланади.

Мутахассис модели – бу ишлаб чиқариш соҳасида юзага келадиган муаммоли вазиятларни муваффақиятли ҳал этилишини таъминловчи, маълум сифатларни таърифловчи ҳамда касб эгасининг мустақил билим олиши ва ўзини ривожлантиришини акс эттирувчи андоза ҳисобланади.

Ушбу моделни яратишда касбий фаолиятнинг маълум тури учун мувофиқ келадиган шахсий сифатлар тўплами тартибга солинади. Мутахассис моделининг турларидан бири малакавий тавсифнома ҳисобланади. Унинг мазмунида қуйидаги ҳолатлар акс этади: турли лавозим ва турли иш жойлари учун хос бўлган касбий фаолият турлари, вазифа ва мажбуриятлар, шахсий сифатлар, билим ва кўникмалар. Бундай моделлар кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларни аттестациядан ўтказиш, шунингдек, мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурларини тузишда муҳим аҳамият касб этади.

Малакавий тавсифнома меъёрий модел деб ҳам аталади. Бу мутахассис фаолияти ва шахсига қўйиладиган умумий талабларни акс эттирувчи махсус паспортдир.

Малакавий тавсифнома борасидаги яхлит ва амалий аҳамиятга эга

маълумотлар Е.М.Борисова томонидан аниқланган. Муаллиф фикрича, малакавий тавсифноманинг тузилмаси қуйидагилардан иборат:

1. Шахсий хусусиятлар.
2. Фаолиятнинг асосий соҳа ва турлари.
3. Улар фаолият олиб боровчи ташкилотларнинг турлари.
4. Улар эгаллаши мумкин бўлган лавозимлар.
5. Шахсий сифатларга нисбатан қўйилувчи талаблар.
6. Касбий маҳорат қўйилувчи талаблар.
7. Лавозим бўйича амалга оширилувчи вазифаларнинг тартиби.
8. Касбий билим даражасига қўйиладиган талаблар.

Ўқитувчининг малакавий тавсифномасида қуйидагилар ўз ифодасини топади:

I. Фаолиятнинг асосий соҳаси ва турлари:

- а) фаолият соҳаси: 1) таълим; 2) бошқарув ва бошқалар.
- б) фаолият турлари: 1) ўқув; 2) методик; 3) тарбиявий; 4) ташкилий; 5) илмий (раҳбарлик); 6) кадрлар билан ишлаш; 7) тадбиркорлик; 8) экспертлик ва бошқалар.

II. Улар фаолият олиб боровчи ташкилотлар: 1) *олий таълим муассасалари;* 2) *олий таълимдан кейинги таълим муассасалари (малака ошириш курслари ва кадрларни қайта тайёрлаш марказлари);* 3) *таълимни бошқариш органлари;*

III. Шахсий сифатларга талаблар: 1) психологик; 2) мулоҳазали; 3) ахлоқий; 4) фаолиятни ташкил этиш маҳорати ва усулларига қўйилувчи талаблар.

Касбий тавсифнома маълум соҳа бўйича фаолият юритувчи мутахассиснинг муваффақиятли равишда умумлаштирилган намунавий модели саналади. Бирок айрим ҳолатларда профессиограммада «ўрта» даражадаги касбий фаолиятни бажариш вариантлари ҳам инобатга олинади. Профессиограмманинг мазмуни ва тузилишига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд.

Намунавий касбий тавсифнома қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

- 1) мутахассислик таълим йўналиши, билим соҳаси ва ихтисослик номи;
- 2) касбий таълим (таълим шакллари, ўқишга кириш шартлари, таълимнинг давомийлиги, эгалланадиган малака даражаси, касбий жиҳатдан ўсиш имкониятлари), ўқишни давом эттириш;
- 3) касбий фаолияти (вазифаси) хусусиятлари, фаолиятнинг устувор жиҳатлари, малакавий талаб ҳамда эгалланиши зарур бўлган асосий малакалар;
- 4) психогармма касбий-йўналтирилган талаблар, ижтимоий маданий сифатлар, мутахассисликка хос бўлган сифатлар (касбий йўналганлик, билимдонлиги, касбий лаёқат);
- 5) меҳнатнинг санитария-гигиеник шароитлари (иш тартиби, сенсомоторли ва перцептив доирадаги тиббий кўрсатмалар).

Меҳнат фаолиятининг умумий (ижтимоий, технологик, иқтисодий, санитария-гигиеник) хусусиятлари энг оммалашган касбий тавсифномада касбий фаолиятнинг мақсади, предмети, усули, натижаларни баҳолаш мезони, зарур малакавий хусусиятлари, воситаси, шарти, ташкил этилиши, меҳнат кооперацияси, меҳнат омилкорлиги, хавф-хатар турлари ва уларнинг ишчи ҳаёти ва фаолиятига бўлган салбий таъсири ёки фаолият натижаси учун фойдаси каби ҳолатлар ўз аксини топади.

Сўнги пайтларда таклиф этилаётган таҳлилий касбий тавсифномада «касбий фаолият ва шахснинг касбий аҳамиятли сифатлари, унинг алоҳида жиҳатлари эмас, касб (ёки касбий фаолият)нинг психологик тузилмасини умумлаштирувчи меъёрий ва морфологик кўрсаткичлар» ёритилади.

Таҳлилий касбий тавсифномада қуйидаги икки блокнинг алоҳида қайд этишнинг зарурлиги таъкидланади: 1) маълум шахсга боғлиқ бўлмаган ва ижтимоий тажрибаларга асосланувчи касбий фаолиятнинг объектив хусусиятларини тавсифлаш; 2) объектив фаолиятга симметрик, бироқ у билан мос келмайдиган психологик мазмунга эга фаолият ва унинг сифатларини тавсифлаш. Бошқача қилиб айтганда, аналитик профессиограммада касбий фаолият меъёри, психологик тузилмаси ҳамда ишчининг психологик сифатлари алоҳида қайд этилади.

Анча мураккаб турдаги профессиограмминг таркибий тузилмаси, касбий фаолиятнинг моҳияти, шунингдек, мутахассис шахсини тавсифлаш (трудограмма ва психограмма) имкониятини берувчи тузилма билан танишамиз.

«Касбий фаолият тавсифи» (трудограмма)нинг мазмунида қуйидагилар акс этади:

1. Касбнинг йўналганлиги, вазифаси, унинг жамиятдаги ўрни ва роли (моддий маҳсулот ёки ғоялар ишлаб чиқариш, турли ижтимоий соҳаларда хизмат кўрсатиш, ахборотларни тўплаш, сақлаш ва тарқатиш)нинг инсонга йўналтирилганлиги.

2. Касбнинг кенг тарқалганлиги (ушбу касб бўйича фаолият олиб боровчи ташкилотлар).

3. Касбнинг меҳнат предмети – инсон учун меҳнатни ташкил этиш жараёнида таъсир кўрсатувчи ижтимоий омиллар (моддий буюмлар, ижтимоий-ғоявий предметлар – маданият, ахборот, маълум шахс ёки омманинг ижтимоий онги, нотабий буюмлар).

4. Касбий билимлар муайян йўналишда фаолиятни ташкил этишнинг турли жиҳатлари борасидаги маълумотлар тўплами сифатида.

5. Самарали натижага эришиш учун фаолият жараёнида қўлланилувчи техника, технология, ҳаракат, усул, маҳорат ва иш методлари, фаолиятлар ҳамда уларнинг кўлами, умумлаштирилган ва автоматлаштирилганлиги.

6. Меҳнат воситалари – зарур меҳнат маҳсулотини олиш йўлида хусусий мақсадни амалга ошириш, меҳнат предметиға таъсир кўрсатиш мақсадида инсон томонидан фойдаланадиган ижтимоий (моддий ва маънавий) омиллар. Меҳнат воситалари сирасига иш қуроллари, асбоб-ускуналар, компьютерлар ҳамда мантиқий фикрлаш, ахлоқий ва эстетик баҳолаш тизим ва кўрсаткичлари киради.

7. Меҳнат шароитлари: меҳнат ва дам олиш тартиби, уларни ўзгартириш имкониятлари; ижтимоий муҳит хусусиятлари; меҳнатнинг санитария-гигиеник омиллари; иш жойи, меҳнат суръати, жадаллиги ва ишнинг давомийлиги.

8. Меҳнатни ташкил этиш ва бу борада ҳамкорликка эришиш: ушбу касб учун характерли бўлган индивидуал, ҳамкорликка асосланувчи ва гуруҳли

фаолият турлари: касбий муносабатлар турлари ва унда унинг иштирокчилари тутган ўрин, улар ўртасида меҳнат воситалари ва маҳсулотларнинг алмашиши; ишни бажариш меъёрлари ва муддати; лавозимлар ёки лавозимлар тартиби бўйича бўйсунуш, касб доирасидаги ижтимоий мавқе ва мансаб.

9. Меҳнат маҳсулоти (ёки унинг натижаси): инсон томонидан меҳнат жараёнида содир этилувчи сифат ва миқдор ўзгаришлари, меҳнат натижаларини баҳолаш кўрсаткичлари, меҳнат натижасининг муайян даражаси (меҳнатни касб тақозоси учунгина бажарилишидан ижодий хусусият касб этишига эришилиши), қатъий тартибларнинг белгилаб қўйилиши.

10. Касбий маҳоратнинг мавжуд даражалари ва малакавий разрядлар, уларга ҳақ тўлаш тартиби.

11. Мутахассиснинг хулқи: психологик ва ижтимоий хавфсизлик, касбий фаолиятида қулай микромуҳитнинг мавжудлиги; ижтимоий кафолатлар, меҳнат ва дам олишга ҳақ тўлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш; меҳнат фаолиятини бажаришнинг индивидуал методини танлаш ва операцияларни индивидуал тарзда ўзгартириш ҳуқуқининг мавжудлиги, малакани ошириш, турдош касблар бўйича қайта тайёрлаш борасидаги имтиёзлар, лавозим бўйича «ўсиб бориш» тартиби ва мутахассиснинг касбий жиҳатдан ўсишининг рағбатлантирилиши.

12. Мутахассиснинг мажбуриятлари: касбий малакани эгаллаш, касбий хулқ-одоб қоидаларининг мажбурийлигини билиш (касбдошлари билан муносабатда самимий, ахлоқли бўлиш); иш жараёнида касбий ва хизмат сирларини сақлаш қоидаларига амал қилиш, ҳужжатларни тўғри юритиш; муайян чекланишлар (яъни, ушбу фаолият жараёнида маълум хатти-ҳаракатларни содир этишнинг таъқиқланганлиги); лавозим бўйича вазифалар ва мажбуриятлар (у ёки бу ташкилотда муайян лавозимга кўра мутахассиснинг қандай вазифаларни қай тарзида бажариши).

13. Касбнинг инсон хулқ-атвори ва яшаш тарзига кўрсатувчи таъсири.

14. Ўз-ўзини шакллантириш, физиологик-психологик ривожланиш йўналишлари, биопсихологик ўзгаришлар, касб воситасида қарор топувчи индивидуаллик, унинг шахсни ривожлантириш борасидаги имкониятлари,

касбий жиҳатдан таркиб топган муайян жамоа ҳамда ижтимоий гуруҳга мансублик.

15. Касбий фаолиятнинг салбий жиҳатлари: қийинчиликлар, касбий фаолият жараёнида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолар, уларнинг турлари ва кўлами, рўй бериш эҳтимоли бўлган моддий ҳамда маънавий йўқотишлар, мураккаб вазиятларнинг мавжудлиги, вазиятнинг ўзгарувчанлиги ёки тўхталишларнинг содир бўлиши, монотонлик, вақтнинг чегараланганлиги, ахборот етишмовчилиги ёки уларнинг кўплиги; авария ҳолатларининг содир этилиш эҳтимоли, касбий касалликларни келтириб чиқарувчи ва бошқа психологик ҳолатлар; касбий жиҳатдан юқори лавозимларга кўтарилишнинг мумкин эмаслиги, паст даражадаги меҳнат самарадорлиги, мавжуд қоидаларни бузганлик учун белгиланувчи маъмурий жазо (жарималар) турлари.

Психологик тавсифнома (психограмма - мутахассиснинг маънавий-ахлоқий ва руҳий қиёфаси). Касбий фаолиятни самарали ташкил этишда ижтимоий-касбий муносабатлар, касбий жиҳатдан ўсиш, шунингдек, содир бўлиш эҳтимоли бўлган фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун талаб этилувчи психологик сифатлари муҳим аҳамият касб этади, уларнинг сирасига қуйидагилар киради:

1) шахсий эҳтиёжлар, ҳаётий мақсад, вазифалар, талаблар, қизиқишлар, шахс иштирокида ташкил этилувчи муносабатлар мазмуни, қадриятли йўналишлар, психологик позиция;

2) касбий интилишлари, талаблари, касбий жиҳатдан ўзини баҳолаш, ўзини мутахассис сифатида англаш;

3) психик ҳолат ва ҳиссий (эмоционал) қиёфа;

4) меҳнат, уни ташкил этиш жараёни ва натижалардан қониқиш (мутахассиснинг операционал хусусиятлари);

5) меҳнат ва касб борасидаги психологик билимлар;

6) психотехнологиялар, психологик ҳаракатлар, усуллар, методлар, маҳорат ва техникаси (уларнинг, шахснинг ўзи ва бошқаларга таъсири);

7) касбий қобилият, касбий салоҳият, касбий жиҳатдан ўсиш имкониятлари;

8) касбга хос, шу жумладан, ижодий фикрлаш, касбий тажрибани бойитиш имкониятлари;

9) касбий жиҳатдан ўсишни режалаштириш ва ривожланиш;

10) психологик зиддиятлар (касбий фаолиятга мутлақо ёки муайян даражада мос келмайдиган психик сифатлар, бу ўринда касбга хос операционал зиддиятларни аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир);

11) касбий жиҳатдан ўсиш йўналишлари.

Бизнинг назаримизда касбий тавсифнома мазмунида, яна шунингдек, касбий жиҳатдан тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, алоҳида психологик сифатларини машқ қилдириш, ўзгартириш, ўрнини тўлдириш, касбий малакани ошириш ва турдош касбга йўналтириш (шахсининг индивидуал хусусиятларини инобатга олиш асосида) масалаларининг ёритилиши мақсадга мувофиқдир.

Мутахассис шахси ва фаолиятини моделлаштиришга нисбатан ёндашувларнинг турлича бўлишига қарамай, илмий тадқиқотларда касбий педагогик тайёргарлик тизимида мутахассиснинг касбий ва шахсий камолоти, шунингдек, мутахассисни касбий тайёрлаш жараёнининг моделини яратиш муаммоси тадқиқ этилмаган.

Буюк Британиялик олим М.Розенберг ўқитувчи фаолиятининг тўққиз йўналиши ва уларга нисбатан қўйилувчи қуйидаги касбий талабларни ишлаб чиқди:


- ўқувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини билиш;
- фаолият самарадорлигини баҳолай олиш;
- ўқув дастурларини ишлаб чиқа олиш лаёқатига эгалик;
- касбий маҳоратга эга бўлиш;
- маслаҳатчи бўла олиш;
- коммуникабеллик лаёқатига эга бўлиш;
- илмий тадқиқот ишларини олиб бориш қобилиятига эгалик;
- доимий равишда касбий маҳоратни такомиллаштириб боришга эришиш;

– шахсини маданий жиҳатдан такомиллашувига эришиш.

Л.М.Митина ўқитувчилик фаолияти моҳиятига таянган ҳолда бўлажак ўқитувчини касбий-педагогик жиҳатдан тайёрлаш модели қуйидаги учта ўзаро боғлиқ йўналиш асосида намоён бўлишини қайд этиб ўтади: 1) талабанинг шахси; 2) талабанинг ўқув-ўрганиш фаолияти; 3) талаба томонидан ташкил этилувчи ижтимоий муносабатлар.

Н.А.Муслимовнинг тадқиқотлари юқорида келтирилган касбий-педагогик фаолиятни моделлаштиришга оид таҳлилларимиз ҳамда биогенетик, ижтимоий-генетик ҳамда маданий генетик жараёнларни қиёсий ўрганишимиз асосида касб таълими ўқитувчини тайёрлашнинг масалали-фаолиятли модели ишлаб чиқилган (3-расм).

3-расм. Ўқитувчини шакллантиришнинг масалали-фаолиятли модели



Шундай қилиб, таянч компетентлик олий педагогик таълимнинг ҳар бир босқичи учун таълим блоклари ва ўқув фанлари даражасида аниқланади. Таянч компетентлик тартибини белгилашда касбий педагогик таълимнинг асосий мақсадларига мувофиқ ижтимоий ва шахсий тажрибанинг моҳияти, ижтимоий жамиятда касбий фаолиятни ташкил этиш жараёнида ҳаётий кўникмаларни эгаллашга имкон берувчи асосий турлар муҳим аҳамият касб этади.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: Таълим сифатини оширишда ўқитувчининг инновацион фаолияти. (2 соат)

1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Мавзу: Таълим сифатини оширишда ўқитувчининг инновацион фаолияти. (2 соат)

Режа:

1. Инновацион таълимда илғор хорижий тажрибалар интеграцияси.
2. Кредитларни ҳисоблаш ва уларни ўқув фаолиятлари турлари, блоклар ва алоҳида фанлар бўйича тақсимлашда ўтиш коэффициентини аниқлаш.
3. Жаҳон олий таълим тизимида кредит тизими турлари. Кредит тизими таълим натижаларини кўрсатувчи ўлчов бирлиги сифатида.
4. ECTS кредитлари. ECTSнинг асосий тамойиллари. ECTSнинг хусусиятлари. Кредитларни тақсимлаш ва ECTS ўқув режаларига ўтиш методикаси.

Амалий машғулотнинг мақсади: тингловчиларда инновацион таълим жараёнида илғор хорижий тажрибаларнинг қиёсий таҳлили асосида кўникма ва малакаларини ривожлантириш.

Амалий машғулотни ташкил этиш ва ўтказишда интерфаол таълим методларидан фойдаланилади.

Биринчи топшириқ. *Инновацион таълим жараёнида Ўзбекистон ва ривожланган хорижий давлатларнинг таълим тизимидаги интеграциясини қиёсий таҳлил қилинг ва қуйидаги жадвални тўлдиринг!*

№	Давлатлар	Таълим тизими босқичлари		
		Умумий ўрта таълим	Профессионал таълим	Олий таълим
1.	Ўзбекистон			
2.	Ж.Корея			
3.	Сингапур			

4.	Япония			
5.	Германия			
6.	Франция			
7.	Англия			
8.	Россия			
9.	АҚШ			

Иккинчи топшириқ. *Блиц-сўров методи асосида қуйидаги тушунчаларнинг мазмунини баён қилинг.*

Блиц-сўров саволлари

Кредит –
Жаҳон олий таълим тизимида кредит тизими –
ECTS –
ECTS кредитлари –
ECTSнинг асосий тамойиллари –

Учинчи топшириқ. *Жанубий Корея, АҚШ ва Европа таълим тизимида талабалар томонидан балларни тўплаш ва (ECTS) ўтказилишини таҳлил қилинг.*
Тингловчи учун иш варағи

№	Давлатлар	Балларни тўплаш	(ECTS) ўтказилиши
1	Ж.Корея		
2	АҚШ		

3	Европа		
---	--------	--	--

Тўртинчи топшириқ. *Кредит тизими асосида талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини баҳолаш жараёни таҳлил қилинг!*

Тингловчи учун иш варағи

Баҳолар таърифи	Шартли белгиси	Ўзлаштириш %	Баҳолаш мезони	Тайёргарлик даражаси
Аъло				
Жуда яхши				
Яхши				
Қониқарли				
Етарли				
Етарли эмас, қўшимча ишлаш талаб қилинади				
Етарли эмас, қўшимча жуда ҳам қўп ишлаш талаб қилинади				

2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Мавзу: Бакалаврият йўналишлари ва магистратура ихтисослари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методлари. (2 соат)

Режа:

5. Ўқув машғулотларининг ҳар хил турларини ўтказиш методикаси.
6. Талабаларда танқидий фикрлашни шакллантириш, мустақил ишларини ташкил этиш.
7. Иқтидорли талабалар билан ишлаш.

Амалий машғулотнинг мақсади: тингловчиларда таълим йўналишлари ва ихтисосликлари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методлари бўйича кўникма ва малакаларини ривожлантириш.

Амалий машғулотни ташкил этиш ва ўтказишда интерфаол таълим методларидан фойдаланилади.

Биринчи топшириқ. *Таълим тизимидаги ўқув машғулотларининг қандай турлари мавжуд? Уларнинг мазмун-моҳиятига кўра фарқларини қиёсий таҳлил қилинг ва қуйидаги жадвални тўлдиринг!*


№	Машғулот турлари	Мазмун-моҳияти	Афзалликлари	Камчиликлари

Иккинчи топшириқ. Блиц-сўров методи асосида қуйидаги тушунчаларнинг мазмунини баён қилинг.

Блиц-сўров саволлари

Дарс –
Семинар –
Лаборатория –
Бинар дарси –
Якка тартибдаги –

Учинчи топшириқ. Таълимни ташкил этишнинг асосий шакли бу – ДАРС!
Дарсни турлари бўйича қуйидаги кластерни тўлдиринг!



Тўртинчи топшириқ. Олий ўқув юртлиридаги ўқув жараёни шакллари ни уларга берилган таърифлари билан жуфтланг!

Тингловчи учун иш вароги

№	Ташкилий шакллари таърифи	№	Ўқув жараёни шакллари номи			
1	Ўқув ишларининг мантиқий давоми бўлиб, бу термин талабаларнинг мустақил аудитория ишларининг умумий тушунчаси ҳисобланади, билимлар чуқурлаштирилади, кенгайтирилади ва деталлаштирилади.	А	Маъруза			
2	Билим беришнинг шундай шаклики, унда педагог (ўқитувчи) томонидан берилаётган билимлар, малака ва кўникмалар талабаларга ёппасига баён этилади	В	Амалий машғулот			
3	Бунда талабалар мустақил равишда вазифа бажарадилар ёки эксперимент ўтказадилар. Бу машғулотлар талабада тадқиқот ўтказиш кўникмаларини шакллантиради, фан ва техникага ижодий ёндашишни таъминлайди, экспериментнинг умумий методикасини эгаллашга имкон беради.	С	Экскурсия			
4	Таълим ва тарбия ишларининг шундай туридирки, бу усул билан ўрганилаётган нарса ва ходисаларни табиий шароитда (завод, фабрика, дала, табиатни кузатишга) ёки махсус муассасаларга (музей, кўргазма ва ҳ.к.ларга) ташкилий равишда олиб борилади	Д	Амалиёт			
5	Таълим шаклларида яна бири бўлиб, унда талаба олий ўқув юртида олган назарий билимларини бевосита амалиётга тадбиқ этади. Бу жараёнда амалиётчига амалиёт давомида олий ўқув юртидан илмий раҳбарлар тайёрланади.	Е	Лаборатория машғулоти			
Жавоб:	1 -	2 -	3 -	4 -	5 -	

Талабаларда танқидий фикрлашни шакллантириш, мустақил ишларини ташкил этиш. Иқтидорли талабалар билан ишлаш.

Талаба мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- лаборатория ишларини бажаришга тайёргарлик кўриш;
- ҳисоб-график ишларини бажариш;
- малакавий битирув иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш (кейс-технологиялари асосида);
- техник макет, модель ва намуналар яратиш;
- илмий мақола, анжуманга маъруза тезисларини тайёрлаш;
- ўқитилаётган фаннинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, талаба мустақил ишини ташкил этишда бошқа шакллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

3-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Мавзу: Педагогнинг креативлиги инновацион таълимнинг муҳим омили сифатида. (2 соат)

Режа:

“Компетентлик” тушунчасининг моҳияти. Касбий компетентлик. Касбий компетентлик сифатлари (ижтимоий компетентлик, маҳсус (психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив) компетентлик, шахсий компетентлик, технологик компетентлик, экстремал компетентлик.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагог психологик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти.

Амалий машғулотнинг мақсади: тингловчиларда инновацион таълимнинг муҳитида педагогнинг креативлигини ривожлантириш бўйича кўникма ва малакаларини ривожлантириш.

Амалий машғулотни ташкил этиш ва ўтказишда интерфаол таълим методларидан фойдаланилади.

Машғулотнинг бориши

Тингловчилар куйидаги жадвалда келтирилган педагогнинг компетентлигига оид тушунчаларнинг мазмунини тўлдириши талаб этилади.

Тингловчи учун иш варағи

Тушунчалар мазмуни	
<i>Луғавий жиҳатдан</i>	<i>Мазмунан</i>
Компетенция (лот. “competere”, инг. “competence” - “қобилият”, “лаёқатли”, “муносиб бўлмоқ”)	
Касбий компетентлик (КК)	
Педагогик компетентлик (ПК)	
Махсус компетентлик	
Шахсий компетентлик	
Индивидуал компетентлик	
Ижтимоий компетентлик	
Экстремал компетентлик	
Технологик компетентлик	
Психологик компетентлик	
Методик компетентлик	

Ахборот олиш компетентлик	
Креатив компетентлик	
Коммуникатив компетентлик	

Иккинчи топшириқ. Педагогнинг креативлигини ривожлантиришга хизмат қиладиган қуйидаги тестларни бажариши лозим

1. “Тўлдирилган ҳикоя” тести ёрдамида педагогнинг креативлик сифатларига эгаллигини ўрганиш.

“Тўлдирилган ҳикоя” тести

Тест ҳар бири 8 та расмдан иборат иккита тўплам асосида ташкил этилади. Ҳикоянинг қаҳрамони – Фердинанд номли шахс. Тестнинг мақсади таълим олувчиларнинг Фердинанднинг одатий кундалик ҳаётида рўй берган икки ҳодисаларнинг моҳиятини қанчалик тўғри англай олишларини аниқлашдан иборат.

Фердинанд оилали, унинг рафиқаси ва ўғли бор. У корхоналардан бирида раҳбар бўлиб ишлайди. Шу сабабли иккинчи ҳикояда унинг қўл остида ишлайдиган ходимлари ҳам иштирок этади.

Ҳар икки тўплам тестларида биринчи қаторда жойлашган тўртта расм орқали Фердинанднинг ҳаётида рўй берган воқеаларнинг изчиллиги акс эттирилган. Бироқ, бу қаторда битта расм тушириб қолдирилган. Сизлар иккинчи қаторда берилган яна тўртта расм орасидан биринчи қатордан тушириб қолдирилган расмни жойига қўйиш талаб этилади. Тегишли расм ўз жойига қўйилгач, Фердинанд билан боғлиқ воқеанинг мазмуни тўла англанади.

Тингловчиларнинг хатти-ҳаракатлари икки ҳолатни юзага келтиради:

1) борди-ю, тегишли расм тўғри топилса, персонажларнинг ҳис-туйғуларини тўғри англанади ва Фердинанднинг ҳаётида рўй берган воқеанинг мазмуни ҳам тўғри тушунилади;

2) агарда тегишли бўлмаган расм бўш катакка қўйилса, у ҳолда воқеанинг изчиллиги таъминланмайди.


Демак, эътиборингизга ҳавола этилаётган расмларни диққат билан кўздан кечиринг ва бўш катакни тегишли расм билан тўлдиринг!

Ҳар бир тест билан ишлашингиз учун Сизларга 10 дақиқа вақт берилади. Регламент тугашига бир дақиқа қолганда Сизларни огоҳлантирамыз. Топшириқни имкон қадар тез бажаришга ҳаракат қилинг. Бир топшириқ учун кўп вақт ажратманг. Гарчи жавобни нотўғри деб ҳисобласангиз-да, уни баён этинг!

1-вариант




2-вариант



2. “Қишлоқда бир кун” тести бўйича тингловчиларнинг тасаввур даражасини ўрганиш.

Сурат билан танишиб чиқинг ва бериладиган саволларга жавоб қайтаринг.



1. Пароход дараёда оқимга қараб ҳаракатланяптими ёки оқимга тескари томонгами?
2. Суратда йилнинг қайси фасли тасвирланган?
3. Бу ерда дарёнинг ўзани чуқурми ёки саёз?
4. Параходлар тўхташ жойи бу ердан узоқми, яқинми?
5. Параходлар тўхташ жойи соҳилнинг қайси томонида жойлашган?
6. Рассом суратда куннинг қайси вақтини тасвирлаган?

Суратни диққат билан кўздан кечириб берилган саволларга тўғри жавоб қайтариш мумкин бўлган белгиларни топинг. Барча объектлар ўртасида ўзаро боғлиқ бўлган 9 та белги (алоқа)ни топинг. Ўз мулоҳазаларингизни дафтарга ёзинг.

Тингловчилар ҳар бир тўғри жавоб учун 2 баллни қўлга киритади. Суҳбат якунида барча баллар жамланади.

Агар Сиз 6 та саволнинг барчасига тўғри жавоб қайтариб, объектлар ўртасидаги ўзаро алоқадор 9 та белги (алоқа)ни топган бўлсангиз, у ҳолда Сизнинг тасаввур даражангиз юқори, агарда 3-4 белги (алоқа)ни топган бўлсангиз, тасаввур даражангиз ўртача, борди-ю, 1-2 та белги (алоқа)ни топган бўлсангиз, демак, Сизнинг тасаввур даражангиз паст.

3. Педагогик креативликни ривожлантиришга доир топшириқларни бажариш.

1. Объектни шакллантиришга оид топшириқ

Касбий фаолиятингизга тааллуқли, бироқ, бир-бири билан мутлақо боғлиқ бўлмаган ихтиёрий 3-4 та предметни олинг. Улар асосида имкон қадар кўпроқ “ҳодиса”лар ҳақида ҳикоя (хабар) қилинг. Ҳикоя (хабар)ингиз имкон қадар бадиийлик касб этсин!

Мисол учун: девор, велосипед, осмон.

Ҳодиса: “Бола уй йўлагининг деворига суяб қўйилган велосипедни етаклаб,

дараза олдига келди ва осмонга қаради” (жумлада ифоа этилган ҳодиса шунчаки хабар. Ҳодисанинг моҳияти ижодий характер касб этиши учун бадиий ибора ва ўхшатишлардан фойаланиш зарур.

2. Объектларнинг умумий белгиларини топишга оид топширик

Касбий фаолятингизга тааллуқли, бироқ, бир-бири билан мутлақо кам боғланган ёки мутлақо боғланмаган 2 та объектни олинг. Қуйидаги жадвал асосида уларга тааллуқли ўзаро ўхшаш жиҳат (белги)ларни топишга ҳаракат қилинг. Ўхшаш жиҳат (белги)ларни от ёрдамида ифодаланг. Ўзаро ўхшаш ўхшаш жиҳат (белги)ларнинг имкон қадар кўпроқ бўлишига ҳаракат қилинг.

Намуна

Бир-бири билан мутлақо кам боғланган ёки мутлақо боғланмаган объектлар	
Тарбиявий тадбир	Саёҳат

3. Объектнинг муқобиллари ёки унга зид бўлган объектларни топишга оид топширик

Касбий фаолятингизга тааллуқли бир объектни олинг. Икки устунли жадвални шакллантиринг. Биринчи устунга муқобили, иккинчи устунга эса доир зиди бўлган объектни қайд этинг. Уларнинг хусусиятларини тизимлаштиринг.

Намуна

Вертолёт	
Самолёт	Олов

3. Э.П.Торренснинг “Тугалланмаган расмлар” тести бўйича ишлаш.

Америкалик психолог Э.П.Торренс томонидан асосланган “Тугалланмаган расмлар” тести юзасидан ишлашга оид топширик.

Тингловчиларнинг эътиборларига Э.П.Торренснинг “Тугалланмаган расмлар” тести ҳавола этилади ва берилган штрихларга таянган ҳолда тўлақонли расм (сурат)ни ишлаш топшириғи берилади.

Э.П.Торренсинг “Тугалланмаган расмлар” тести



4. Девид Льюиснинг болаларда креативликни ривожлантиришга оид кўрсатмалари билан танишиш ва у юзасидан муҳокама ташкил этиш.

Тингловчиларнинг эътиборларига Девид Льюиснинг болаларда креативликни ривожлантиришга оид кўрсатмалари ҳавола этилади ва у билан батафсил танишиб чиқиш тавсия этилади. Кўрсатмалар билан танишибгач, жамоада муҳокама ташкил этилади.

Муҳокама учун саволлар:

1. Девид Льюис кўрсатмаларининг аҳамиятини Сиз қандай баҳолайсиз?
2. Шахсий ҳаётингизда кўрсатмалардан қайсиларига риоя этасиз?
3. Шахсий ҳаётингизда кўрсатмалардан қайсиларига эътибор қаратмагансиз?
4. Кўрсатмалар билан танишиш асосида шахсан Сиз қандай хулосаларга келдингиз.
5. Сизнингча, кўрсатмалардан энг аҳамиятлиси қайси?

Девид Льюиснинг болаларда креативликни ривожлантиришга оид кўрсатмалари

1. Болаларнинг саволларига чидам билан тўғри жавоб беринг.
2. Уларнинг саволлари ва фикрларини жиддий қабул қилинг.
3. Болаларга ўз ишлари билан шуғулланишлари учун алоҳида хона ёки бурчак ажратинг.
4. Агарда ижодий жараён билан боғлиқ бўлса, у ҳолда болани хонадаги тартибсизлик учун койиманг.

5. Вақти-вақти билан болаларга уларни яхши кўришингизни ва уларни қандай бўлсалар, шундай қабул қилишларини намоён этинг.
6. Болаларга имкониятларига мос юмушларни буюринг.
7. Уларга шахсий режаларини ишлаб чиқиш ва қарорлар қабул қилишга кўмаклашинг.
8. Болаларга фаолиятларда юқори натижаларга эришишларига ёрдам беринг.
9. Камчиликларини кўрсатган ҳолда болани бошқалар билан солиштирманг.
10. Болани камситманг ва ўзини ёмон, ожиз деб ҳисоблашишига йўл қўйманг.
11. Уни мустақил фикрлашга ўргатинг.
12. Болани севимли машғулотини ташкил этиши учун зарур буюмлар билан қуроллантиринг.
13. Уни турли воқеаларни ўйлаб топишга, фантазия қилишга мажбурланг, бу жараёнда унга ёрдамлашинг.
14. Болани ёшлиқдан ўқиб-ўрганишга одатлантиринг.
15. Доимо боланинг эҳтиёжларига эътибор қаратинг.
16. Ҳар куни бола билан юзма-юз суҳбатлашиш учун вақт топинг.
17. Оилага оид масалаларнинг муҳокамасига болаларни ҳам жалб қилинг.
18. Хатолари учун болани масхара қилманг.
19. Болани ҳар бир ютуғи учун мақтанг.
20. Унинг ютуқларини мақташда самимий бўлинг.
21. Болани турли ёшдаги кишилар билан мулоқот қилишга ўргатиб боринг.
22. Унинг борлиқни англашига ёрдам берадиган амалий тажрибаларни ўйлаб топинг.
23. Болага турли латта-путталар билан ўйнашни тақиқламанг – бу унинг тасаввурини бойитади.
24. Уни муаммони топиш ва уни ҳал қилишга рағбатлантиринг.
25. Болага нисбатан ўз муносабатингизни баҳолашда одил бўлинг.
26. У билан муҳокама қилинадиган мавзуларни чекламанг.
27. Болага қарорларни мустақил қабул қилиш ва унинг учун жавобгар бўлиш имконини беринг.
28. Болага унинг шахс бўлиб шаклланиши учун ёрдам беринг.
29. Болага унинг учун фойдали бўлган телекўрсатувларни томоша қилиши ва радио эшиттиришларни тинглаши учун кўмаклашинг.
30. Уни ўз қобилиятларини ижобий қабул қилишга одатлантириб боринг.
31. Болани катталардан мустақил бўлишга ўргатиб боринг.
32. Боланинг ўзига ва унинг соғлом фикрга эгаллигига ишонинг.

33. Болага “Мен ҳам буни билмайман” деб, уни муваффақиятсизликларга безътибор бўлишга ўргатманг.

34. Болага, гарчи у ишнинг ижобий натижага эга бўлишига ишонмаса-да, бошланган ишни охирига етказиши учун имконият яратинг.

35. Кундалик дафтар юритинг ва унга болада креатив қобилият шаклланишини қайд этиб боринг.

Машғулотнинг якуни

Тингловчиларнинг фаолияти умумий тарзда таҳлил қилинади. Имкон қадар ҳар бирининг фаолиятига баҳо берилади. Машғулот якунланади.

4-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Мавзу: Педагогнинг инновацион фаолият натижаларини баҳолашга тизимли ёндашув. (2 соат)

Режа:

1. Педагогнинг инновацион фаолият натижаларини баҳолашга тизимли ёндашув. Педагогик фаолият натижаларининг сифат индикаторлари.
2. Педагогнинг мустақил ўзини-ўзи касбий ривожлантириш стратегиялари.
3. Педагогик квалиметрия.

Амалий машғулотнинг мақсади: тингловчиларда инновацион таълимнинг муҳитида педагогнинг креативлигини ривожлантириш бўйича кўникма ва малакаларини ривожлантириш.

Амалий машғулотни ташкил этиш ва ўтказишда интерфаол таълим методларидан фойдаланилади.

Машғулотнинг бориши

Профессор-ўқитувчининг педагогик фаолиятининг диагностикаси

Ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини ўрганиш дастлаб, педагогнинг ўзи ўқитадиган курснинг мазмун-моҳиятини англаши, педагогик кадрлар тайёрлашдаги ўрнини билиш, курснинг ўқув-методик таъминотини яратганлиги билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Шунинг хисобга олган ҳолда куйида ўқитувчиларнинг машғулотларни ўтказишга ўқув-методик тайёргарлигини ўрганиш, назорат қилиш ва баҳолаш мезонлари берилмоқда. Мазкур мезонлар курсни ўқитиш шакллари: маъруза, амалий, лаборатория ва семинар машғулотларини ташкил этадиган ва ўтказадиган ўқитувчилар учун умумий

саналади.

1. Ўқитувчининг машғулотларни ўтказишга ўқув-методик тайёргарлиги –
30 балл

№	Баҳолаш кўрсаткичлари	Баҳолаш даражаси	
		балл	Ўқитувчи баҳоси
1	Фан бўйича тасдиқланган ишчи ўқув дастури, маърузалар матни (ўқув-методик мажмуа, фан силабуси, амалий машғулотлар учун топшириқлар тўплами)нинг мавжудлиги ва сифати	2	
2	Интернет ёки бошқа манбадан олинган (асосан инглиз тилидаги) маълумотлардан фойдаланиш сифати	1	
3.	Маъруза мавзусига боғлиқ ҳолда Блум таксономиясига асосан ўқув мақсадларнинг шакллантирилганлиги	6	
4.	Блум таксономиясига асосан белгиланган ўқув мақсадларнинг мақсадга мувофиқлиги ва амалга ошириш йўллари	4	
5	Таълим-тарбия жараёнида фойдаланиладиган Кейс-стади топшириқларининг мавжудлиги	5	
6.	Инновацион ва ахборот технологиялардан фойдаланиш учун тарқатма ва дидактик воситаларнинг мавжудлиги	4	
7.	Таълим-тарбия жараёнида мавзулар бўйича тақдимот учун слайд, анимация, ўқув ва видеофильм ва электрон дарсликларнинг мавжудлиги	4	
8.	Курсдан ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида маъруза машғулотлари мазмунининг семинар, амалий, лаборатория машғулоти билан узвийлиги	1	
9.	Талабаларнинг жорий, оралиқ ва якуний назорати учун тайёрланган назорат топшириқларининг қийинлик даражаси кўрсаткичлари	1	

10.	Талабаларга берилган мустақил ишлар мазмуни, бажариш юзасидан кўрсатмалар, баҳолаш мезонлари ва уларнинг даражаси	2	
------------	---	----------	--

Жами 30 балл

2. Маъруза машғулотини кузатиш, таҳлил қилиш ва самарадорлик коэффициентини аниқлаш.

Ўқитувчининг маъруза машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш маҳорати мезонлари мезонлари

№	Баҳолаш кўрсаткичлари	Баҳолаш баллари	
		Балл	Ўқитувчи бали
I	Ташкилий қисм	10	
1	Маъруза машғулотининг ўз вақтида ва ўз аудиториясида бошланиши, кўргазма воситаларининг мавжудлиги	1	
2	Маъруза машғулотининг бориши билан таништириш, маънавият дақиқаси ва қизиқарли аналогиядан фойдаланиш	2	
3	Маъруза машғулотининг бошланишида мавзуга оид муаммоли вазиятнинг вужудга келтирилиши, бугунги куннинг долзарб муаммоларига боғланиши	1	
4	Мавзу мазмунига боғлиқ ҳолда касбий йўналтирилганликни амалга оширилиши	2	
5	Ўқув мақсадларининг шакллантирилганлиги ва талабалар зиммасига юклатилиши	1	
6	Маъруза машғулотининг замон талаблари, шаклан ва мазмунан календар-режага мос келиши	3	
II	Янги мавзунинг ўрганиш	40	
7	Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини фаоллаштириш ва мавзулараро боғланишни амалга оширишда уларнинг аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларидан фойдаланиш даражаси	2	
8	Фанлараро, боблараро, мавзулараро боғланишнинг кенг қамровлилиги, темпи, мақсадга мувофиқлиги, узвийлиги.	3	

9	Мавзу мазмунидаги асосий ғоя, қонунлар, қонуниятларнинг ёритилиши, тушунчалар ва кўникмаларни шакллантириш босқичлари кетма-кетлигига амал қилинганлиги	5	
10	Талабаларнинг билиш фаолиятининг ташкил этилиш шакли (ялпи, индивидуал, кичик гуруҳлар) ва бошқарилиши	10	
11	Инновацион ва ахборот технологиялардан ўз ўрнида самарали фойдаланиш даражаси	10	
12	Тақдирот материалларининг сифати, мазмуннинг қамраб олинганлиги, ўз вақтида фойдаланилиш ҳолати	5	
13	Мавзу мазмунига боғлиқ ҳолда Кейс-стади топшириқларининг тузилганлиги ва ўз вақтида фойдаланилиши.	5	
III	Маъруза машғулотнинг мазмуни сифати:	10	
14	Маъруза машғулоти мазмунининг ғоявий-сиёсий йўналтирилганлиги, илмий-назарий, методологик жиҳатдан асосланганлик даражаси	2	
15	Маъруза мазмунидаги маълумотларнинг янгилиги ва долзарблиги, талабалар онги ва қалбига миллий ғояларнинг сингдирилиши	2	
16	Назария ва амалиёт, таълим-тарбиянинг узвийлигига амал қилиниши	2	
17	Маъруза мазмунига фан янгиликлари, инновацияларнинг киритилганлиги, талабаларни инновациялар ва илмий-тадқиқот ишларига йўналтирилганлиги	3	
18	Ўқитувчининг мулоқот маданияти, нутқининг раволиги, интонацияси, темпи ва овоз тембри	1	
IV	Маъруза машғулотда талабалар фаоллиги ва ҳолати	10	
19	Талабаларнинг фанни ўрганишга бўлган мотивацияси	3	
20	Талабалар томонидан Кейс-стади топшириқларини бажариш жараёнида аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва	5	

	малакаларидан фойдаланиш кўникмасининг мавжудлиги		
21	Талабаларнинг маъруза машғулоти жараёнида фаоллиги ҳолати	1	
22	Талабаларда муомала, нутқ ва кийиниш маданияти ҳолати	1	

Жами 70 балл

Олий таълим муассасаларида маъруза машғулотини кузатиш ва таҳлил қилиш

Машғулотларни кузатиш босқичлари

Олий таълим муассасаларида маъруза машғулоти - таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий шакли ҳисобланади. Мазкур машғулотни кузатиш учун, аввало, маъруза машғулотининг типи (кириш, муаммоли, умумлаштирувчи), мақсади ва вазифалари, фойдаланиладиган инновацион технологияларни аниқлаб олиш зарур.

Машғулот қуйидаги босқичларга бўлиб таҳлил қилинади:

Умумий маълумотлар: гуруҳ, ўқув фани, маъруза машғулоти типи, тури (фронтал, кичик гуруҳларда ишлаш), мавзуси, машғулот ўтказилаётган вақт.

Ўқитувчининг машғулотга тайёргарлиги: ўқитувчида ўқув фанини ўқитиш режалаштирилган ишчи дастури, истикбол режа, мавзули-таквим режа, мавзу бўйича Кейс стади топшириқлари, кичик гуруҳларда ўқитиш методидан фойдаланиш имконини берадиган ўқув топшириқлари мажмуаси, мустақил таълим режаси, рейтинг тизими бўйича баҳолаш меъёрларини қамраб олган фан силабуси, машғулот ишланмаси ва технологик хаританинг мавжудлиги, ўтган ва янги мавзу бўйича талабаларнинг билимларини назорат қилиш ва баҳолаш учун топшириқларнинг етарли нусхада бўлиши;

Эслатма: ўқитувчида юқорида қайд этилганларнинг бирортаси бўлмаган ҳолда ўқитувчи машғулотга қўйилмаслиги мумкин.

Ўқув хонасининг машғулотга тайёргарлиги: аудиториянинг санитария-гигиена қоидаларига жавоб бериши, талаб даражасида жиҳозланганлиги, талабаларнинг ёшлик ва физиологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ёритилганлиги, мебеллар мослиги, ўқув ва кўргазма жиҳозлари ва мавзу бўйича тақдимотнинг мавжудлиги.

Машғулотнинг ташкилий қисми: машғулотнинг ўз вақтида бошланиши, ўқитувчи ва талабаларнинг машғулотга муносабати, саломлашиш одоби, гуруҳда онгли интизомнинг мавжудлиги, давоматни аниқлаш, ўтган мавзу ва уй топшириқларини аниқлаш, ташкилий қисм учун сарфланган вақт.

Янги мавзу юзасидан талабаларнинг билимларини фаоллаштириш. Фанлараро, боблараро, мавзулараро боғланишни амалга оширилганлиги, Кейс стади топшириғи, Ақлий ҳужум ўтказилганлиги, топшириқларнинг кенг қамровлилиги, топшириқларнинг мураккаблик даражаси ва кетма-кетлиги, темпи, рағбатлантиришнинг мавжудлиги, унинг ҳаққонийлиги, узвийлиги. Талабалар ўқув мотивларининг ҳолати. Ажратилган вақт.

Ўтган мавзунини яқунлаш ва янги мавзу билан боғланиши. Ўқитувчи томонидан фойдаланилган методлар ва кўрғазма воситалари, унда талабаларнинг билимларидан фойдаланиши, типик хато ва камчиликларни бартараф этиши, яқунлашнинг кенг қамровлилиги, асосий тушунча ва таянч сўзларга урғу бериши, хулосалаши, ажратилган вақт.

Ўқитувчининг талабаларнинг жавоблари, билим, кўникма ва малакаларидаги камчиликларни аниқлай олиш маҳорати, талабалар интизоми ва уларни сақлаш учун қўлланилган чоралар.

Янги мавзунини ўрганиш:

- Талабаларни янги мавзунинг ўқув мақсадлари, вазифалари, маъруза давомида кичик гуруҳларнинг машғулот давомида бажариладиган ишлар билан таништирилиши, ўқув мақсадларининг қўйилишда талабаларнинг иштироки.

- Янги мавзунинг мазмуни, асосий ғоя, қонунлар, қонуниятларнинг ёритилиши, талабаларда шакллантириладиган тушунча, кўникма ва малакалар, талабалар томонидан ўзлаштириш босқичларига амал қилинганлиги.

- Мавзу баёнида ўқитиш принципларига амал қилинганлиги (илмийлик, тушунарлик, тизимлик, кенг қамровлик, назария ва амалиёт бирлиги, маҳаллий ҳамда қўшимча материаллар билан бойитилганлик, таълим-тарбия узвийлигини амалга ошириш ва ҳ.к.).

- Мавзу баёнида фанлараро, бўлимлараро, мавзулараро боғланишнинг амалга оширилганлиги.

- Мавзунини ўрганишда фойдаланилган репродуктив (оғзаки, кўрғазмали, амалий) ва фаол (муаммоли, мантиқий, ижодий изланишли, дидактик ўйинли ва ҳ.к.) методлар, воситалар (кўрғазмали қуроллар, лаборатория жиҳозлари, тарқатма ва дидактик материаллар, ўқув-техник ва компьютер воситаси ва ҳ.к.);

- Маъруза машғулотида фойдаланилган инновацион ва ахборот технологиялар (муаммоли, модулли, дидактик-ўйинли, ҳамкорликда ўқитиш)нинг мавзу мазмунига мувофиқ танланганлиги. Инновацион технологияларнинг талабалар билиш фаолиятини ташкил этиш, билим захираси, эгалланган кўникма ва малакалари, ёшлик ва психологик хусусиятларига мослиги.

- Машғулот давомида Кейс стади ва ақлий ҳужум топшириқи асосида муаммоли вазиятларнинг туғдирилиши, уларни ҳал этишда талабалар билимидан

фойдаланиши, талабаларнинг билиш фаолияти ва уларнинг машғулотидаги иштироки. Янги мавзуни ўрганишга ажратилган вақт.

- Маъруза машғулоти мазмунига боғлиқ ҳолда тақдимот материалларининг мавжудлиги ва ўз ўрнида мақсадга мувофиқ фойдаланилганлиги.

- Ўқитувчининг нутқи, дикцияси, педагогик маҳорати, мулоқот маданияти, ўқув мақсадлари ва топшириқларини қўя олиши, талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш кўникмалари, ўзини тутиши, мимикаси, ҳис - ҳаяжонини бошқара олиши, талабаларга нисбатан педагогик (авторитар ёки инсонпарварлашган) муносабати.

Маъруза машғулотининг мазмунан таҳлили. Маъруза мазмунан бугунги куннинг долзарб муаммоларни қамраб олинганлиги, ғоявий-сиёсий йўналтирилганлик, мавзу мазмунига боғлиқ ҳолда касбий йўналтирилганликни амалга оширилиши, таълим-тарбиянинг узвийлиги.

Маъруза режасининг тўлиқ ёритилганлиги, талабаларнинг мазмундаги назария, ғоя, қонуниятлар, тушунча, атамаларни ўзлаштириш жараёнида дидактик қонуниятларга амал қилинганлиги, тушунча ва атамаларнинг изоҳининг ёритилиш даражаси.

Машғулотни яқунлаш – яқунлашнинг характери, тўлиқлиги, ўқитувчи томонидан фойдаланилган методлар ва кўргазма воситалари, унда талабалар жавобдаги типик хато ва камчиликларни бартараф этиши, яқунлашнинг кенг қамровлилиги, асосий тушунча ва таянч сўзларга урғу бериши, хулосалаш, ажратилган вақт.

Умумий хулоса ва фикрлар

1.Машғулот	давомида	йўл	қўйилган	камчиликлар
------------	----------	-----	----------	-------------

Таклиф ва мулоҳазалар

Тақризчининг фамилияси, исми, шарифи _____

_____ (имзо) Сана _____

Эслатма: Машғулот кузатилганда асосий эътибор ўқитувчининг педагогик фаолиятига эмас, балки талабаларнинг машғулотда иштироки, ўқув мотивларининг даражаси асос қилиб олинади. Шу сабабли машғулотда талабаларнинг мотивацион ҳолатини таҳлил қилиш учун кўрсатмалар берилмоқда:

Машғулотда талабаларнинг билиш фаолияти қандай шаклларда ташкил этилди?

Талабаларнинг ҳар 3 минутдаги фаоллигини аниқланг ва қуйидаги ҳолатлар бўйича таҳлил қилинг.

Танлаш учун вариантлар берилмоқда:

- Талабаларнинг билиш фаолиятида тўлиқ ҳолдаги сусткашлик кузатилди. Улар фаолиятида ижобий мотив ҳолати йўқ.

- Талабалар ўқув фаолиятига қийинчилик билан киришди, ҳар қандай ҳолатга эътибор беришди. Улар фаолиятида ижобий мотивлар ихтиёрсиз ҳолатда.

- Талабалар ўқув фаолиятга ташқи омилларга эътибор бермаган ҳолда киришиб кетди. Ихтиёрий қизиқувчанлик ва ижобий мотивлар мавжуд.

- Талабалар ўқишга тўлиқ берилиб кетди, ҳалақит берувчи вазиятларга эътибор берилмади. Мақсадга йўналтирилган билишга бўлган қизиқиш, ўқув мотиви мавжуд.

- Ўқитувчи томонидан қўлланган қайси усул, ҳатти - ҳаракати, сўзи, интонацияси талабаларнинг мотив ҳолатини яхшилашга олиб келди.

- Машғулотда талабаларнинг мотивацион ҳолатини яхшилаш, кучайтириш ва барқарор ҳолатда тутиб туриш учун тавсия беринг. Кузатилган ҳолатлар бўйича фикр билдирилинг.

Юқорида қайд этилганидек, машғулотнинг ҳамма босқичлари тўлиқ кузатилиб, таҳлил қилингандан сўнг, машғулотнинг бориши, унда талабаларнинг мотивацион ҳолати, ўқитувчининг педагогик фаолияти, ўқитувчи томонидан қўлланилган ўқитиш методлари ва педагогик технологияларнинг мавзу мазмуни, мақсади ва вазифаларига қанчалик мос келиши, машғулотнинг ютуғи ва камчиликлари, умумий хулосалар, фикр ва мулоҳазалар билдирилади.

Иккинчи топшириқ. Педагогнинг мустақил ўзини-ўзи касбий ривожлантириш стратегиялари

Кейс топшириғи: Ўз устида, ўз камчиликлари устида самарали ишлай олиш бўйича барчага улкан намуна кўрсата олган Демосфеннинг буюк нотик бўлиб

етишишида самарали ёрдам берган шакл, метод ва воситаларни намуна сифатида берилган ушбу жадвал асосида ифодаланг:

Буюк нотик Демосфеннинг ўз устида ишлаши		
Самарали шакллар	Самарали методлар	Таъсирчан воситалар

Тингловчилар учун мавзуга доир материал:

Демосфен ёлғизликда ишлай бошлайди. Ёлғизлик кўнглига текканда омма олдига чиқишдан ўзини сақлаш учун сочининг ярмини қириб ташлади. Оғзига тош солиб олиб, гапиришни машқ қилди. Оғзида тошлар бўлса-да, нутқининг соф, тиниқ бўлишига интилди. Овози кучи ва нафасини ривожлантириш учун тоққа чиқиб, баланд овозда шеърлар ўқирди. Денгиз бўйларида сайр қилиб, ўз овози билан тўлқинлар шовқинини бостиришга ҳаракат қиларди. Айрим ҳарфларни чучук талаффуз қилмаслик учун кучукча сотиб олди ва унинг қандай хуришини диққат билан тинглаб, ўзи ҳам “хурувчи” товушлар чиқаришга ҳаракат қилди. Елкасини учуриш одатини йўқотиш учун уйнинг шифтига ўтқир тиғли қилични осиб қўйиб, ўзи ана шу қилич остида нутқ сўзларди. Елкаси ўзига бўйсунмаса, шифтга осилган қиличга бориб тегар, елкасини оғритар ва нотикни ўз танасини назорат қилиш, бошқаришга мажбур қиларди.

“Касбий ривожланиш шкаласи” асосида тингловчиларнинг педагогик компетентлиги даражасини баҳолаш

Касбий ривожланиш шкаласи

№	Касбий компетентлик сифатлари	Шкала кўрсаткичлари									
		10	9	8	7	6	5	4	3	2	1
1. Ижтимоий компетентлик											
1)	ижтимоий ташкилотлар ва субъектлар билан ўзаро муносабатда бўла олиш кўникма, малакаларига эгалик										
2)	касбий мулоқот ва хатти-ҳаракат услубларини ўзлаштира олганлик										
2. Шахсий компетентлик											
1)	доимий равишда касбий ўсишга эришиш ва касбий малакани ошириб бориш										

2)	касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини рўёбга чиқара олиш																		
3. Махсус компетентлик																			
1)	мустақил равишда касбий педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш																		
2)	одатий касбий-педагогик вазифаларни тўғри ҳал қилиш ва ўз меҳнатининг натижаларини реал баҳолаш малакасига эгалик																		
3)	мутахассислиги бўйича янги билим ва кўникмаларни мустақил равишда изчил ўзлаштириб бориш қобилиятига эгалик																		
4. Технологик компетентлик																			
1)	касбий-педагогик билим, кўникма ва малакаларни бойитадиган илғор технологияларни ўзлаштириш қобилиятига эгалик																		
2)	замонавий дидактик воситалар (техник воситалар, ўқув қуроллари)дан фойдаланиш малакасига эгалик																		
5. Экстремал компетентлик																			
1)	фавқулотда ҳолатларда (табiiй офатлар содир бўлганда, технологик жараён ишдан чиққанда) оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик																		
2)	муаммоли вазиятларда (педагогик зиддиятлар юзага келганда) оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик																		

Машғулотнинг якуни

Тингловчиларнинг фаолияти умумий тарзда таҳлил қилинади. Имкон қадар ҳар бирининг фаолиятига баҳо берилади. Машғулот якунланади.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1. Кейс баёни. Таълим жараёнини технологиялаштириш педагогик фаолиятнинг муҳим кўриниши бўлиб, у муайян босқичларда амалга оширилади.


Кейс топшириғи: таълим жараёнини технологиялаштириш йўлида амалга ошириладиган вазифаларни босқичлар бўйича белгиланг:

Босқичлар	Вазифалар
1-босқич	- талабалар фаолиятини назорат қилиш; - талабалар фаолиятини ташхислаш; - лойихани яратиш; - педагогик жараённинг самарали кечишини таъминлаш; - педагогик жараённи ташкил этиш
2-босқич	
3-босқич	
4-босқич	
5-босқич	

Кейс топшириғини бажариш учун иш қоғози:




Ўқитувчининг ечими:



2. Кейс баёни. Таълим инновациялари бир неча турга ажратилади. Ҳар бир турга ои таълим инновациялари ҳам бир неча гуруҳларга бўлинади.

Кейс топшириғи: берилган таълим инновацияларини тегишли


турлар бўйича белгиланг.



Таълим инновациялари:

1. Педагогик жараёнда қўлланиладиган инновациялар;
2. Ўзлаштирилган инновациялар;
3. Модификацияланган инновациялар;
4. Таълим тизимини бошқаришда қўлланиладиган инновациялар;
5. Модул инновациялари;
6. Радикал инновациялар;
7. Жамоа томонидан бевосита яратилган инновациялар
8. Комбинацияланган инновациялар;
9. Тармоқ (локаль) инновациялари;
10. Тизим инновациялари.

Ўқитувчининг жавоби:



3. Кейс баёни. Таълим тизимида “новация” ва “инновация” тушунчалари қўлланилади. Ҳар икки тушунча турли ҳолатларни ифодалайди. Бунинг натижасида улар ўртасидаги фарқларни аниқ кўриш мумкин бўлади.

Кейс топшириғи: Новация ва инновация ўртасидаги фарқларни топинг.

Кейс топшириғини бажариш учун иш қоғози:

Асосий фарқлар	
Новация	Инновация

Ўқитувчининг жавоби:

Асосий фарқлар	
Новация	Инновация
1) амалдаги назария доирасида қўлланилади; 2) кўлам ва вақт бўйича чегараланади; методлар янгиланади; 3) натижа аввалги тизимни такомиллаштиради	1) тизимли, яхлит ва давомли бўлади; 2) маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди; 3) субъектларнинг фаолияти тўла янгиланади; 4) янги технологиялар яратилади; 5) фаолиятда янги сифат натижаларига эришилади; 6) амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади

4. Кейс баёни. Замоनावий Европада ягона касбий таълим маконини яратиш замоनावий ўқитишнинг энг муҳим талаби дея эътироф этилди. Ана шу мақсадда Болонья жараёни ташкил этили. Бу жараён ягона Европа олий таълими маконини яратиш мақсадида Европа мамлакатлари олий таълим тизимининг бир-бирига яқинлашиши ва ўзаро уйғунлашувини таъминловчи жараён саналади. 1999 йилнинг 19 июнида Европанинг 29 мамлакати вакиллари иштирокида Болонья декларацияси имзоланди. Унга кўра кенг кўламда талабалар алмашинувини қўллаб-қувватлаш учун Европа синов бирликлари (кредит) тизими (ЕСБТ) жорий этилди.

“Кредит” атамаси (ECTS-credit) – “синовдан ўтди” маъносини англатиб, талабанинг ўқув юртида маълум бир курс (модул)ни муваффақиятли яқунлаганлиги тўғрисида маълумот беради.

Кейс саволи: кредит (синов бирлиги) нима англатади: маълум ўқув фани (модули)ни ўзлаштириш ва синовларни 1-, 2- ёки 3-уринишда

топширишними ёки маълум ўқув фанини талабага юклатиладиган юкланма ҳажми (меҳнат сарфи)дан келиб чиққан ҳолда модул (блок – қисм) ҳолда ўзлаштириш ва ҳар бир модул (қисм) ўзлаштирилгандан сўнг синовдан ўтишними?

Ўқитувчининг жавоби. Кредит маълум ўқув фани (модули)ни ўзлаштириш ва синовларни биринчи, иккинчи ёки учинчи уринишда топширишни аниқлаб берилади. Аксинча, кредит ҳар бир ўқув фанининг умумий ҳажми, амалий машғулотлар ва мустақил таълим учун ажратилган соатлар (назарий машғулотларга нисбатан амалий машғулот ва мустақил таълим соатларининг кўплиги), бир сўз билан айтганда, талабанинг меҳнат сарфидан келиб чиқиб ажратилади. Кредит – ўқув фанини ўзлаштириш ва синовларни топшириш учун биринчи, иккинчи ёки учинчи уриниш эмас. Балки бир ўқув фани учун ажратилган умумий соатни бир неча модул (блок – қисм)га ажратган ҳолда ўзлаштириш ва синов топшириб бориш деганидир.

5. Кейс баёни. Ўйинлар педагогик мақсадда ҳам қўлланилади ва улар ўйин технологиялари деб номланади. Ўйин технологиялари таълим олувчиларни муайян жараёнга тайёрлаш, уларда маълум ҳаётий воқелик, ҳодисалар жараёнида бевосита иштирок этиш учун дастлабки кўникма, малакаларни ҳосил қилишга хизмат қилади. Ҳар қандай ўйинлар каби педагогик жараёнларда фойдаланиладиган ўйинлар ҳам ўзининг аниқ мақсади ва натижасига эга бўлади. Машҳур педагог Г.К.Селевко педагогик мақсадларда қўлланилаётган ўйинларни муайян тартибда гуруҳлаштирган.


Кейс топшириғи: қуйидаги келтирилган педагогик ўйинларни машҳур педагог Г.К.Селевко томонидан тавсия этилган схемада қайта ифодаланг.

1. Продуктив, репродуктив ва ижодий ўйинлар.
2. Жисмоний ўйинлар.
3. Интеллектуал ўйинлар.
4. Ўргатувчи, машқлантирувчи, назорат қилувчи, умумлаштирувчи ўйинлар.
5. Ишбилармонлик ўйинлари.
6. Мулоқотга асосланувчи, ташхисловчи, касбга йўналтирувчи, психологик-техник ўйинлар.
7. Меҳнат, техник, ишлаб чиқаришга доир ўйинлар.
8. Компьютер, телевизор ва техник воситаларга асосланувчи ўйинлар.
9. Стол ўйинлари, хона ўйинлари, кўча ўйинлари, жой билан боғлиқ ўйинлар.
10. Меҳнат ўйинлари.
11. Таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи ўйинлар.
12. Дидактик ўйинлар.
13. Жисмоний, спорт, ҳарбий, сайёҳлик, халқона ўйинлар.
14. Имитацион ўйинлар.
15. Ролли ўйинлар.


16. Сюжетли ўйинлар.

17. Техник ва ҳаракатни таъминловчи ўйинлар.

18. Ижтимоий, бошқарув, иқтисодий, тижорат характеридаги ўйинлар.



Ўқитувчининг жавоби:



6. Кейс баёни. Замонавий шароитда таълим тизимида вебинар технологиялар тобора кенг қўлланилмоқда. “Вебинар технологиялар” тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (“webinar” – web-based seminar) web-технологиялари ва анъанавий таълимнинг ўзаро бирлиги асосида ташкил этиладиган семинарни англатади. Бироқ, кенг маънода web-технологиялари ёрдамида ташкил этиладиган нафақат семинарни, балки турли онлайн тадбирлар (семинар, конференция, баҳс-мунозара, учрашув, тақдирот, айрим ҳолатларда тренинг, турли ҳодисалар бўйича тармоқ трансляциялари (компьютер ёки Интернет тармоғида намойиш этиладиган лавҳалар)ни ёритишга ҳам хизмат қилади.


Ушбу технологияларни ўзлаштириш орқали педагоглар интерфаол ўқув машғулотларини ташкил этиш имкониятига эга бўлади. Талабалар учун эса бу технологиялар вақтни ва бошқа ресурсларни тежаш имкониятини яратади. Чунки ушбу интерфаол таълим жараёни билан қулай вақт ва қулай жойда танишиш имконияти мавжуд. Бу эса педагоглардан вебинар технологиялар асосидаги машғулотларни самарали ташкил этиш учун муайян кўникмаларга эга бўлиш, бир қатор шарт ва қоидаларга риоя этиш талаб қилинади.

Кейс саволи: кўпчиликнинг фикрича вебинар дарсларнинг сифати web-технологияларининг таъминотига боғлиқ. Бу фикр қанчалик тўғри.

Ўқитувчининг жавоби: вебинар дарсларнинг сифати web-технологияларининг таъминоти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, бошқа турдаги дарслар каби вебинар дарсларнинг сифат ҳамда самарадорлиги уларнинг методик жиҳатан ташкил этилишига боғлиқ. Ташкилий-технологик масалалар (вебинар дарсининг Интернет тармоғи орқали талаба, тингловчиларга узатиб берилиши)нинг ҳал қилиниши вебинар дарсларнинг сифати web-технологияларининг таъминоти билан боғлиқ. Борди-ю, вебинар дарсларининг трансляцияси жуда сифатли бўлгани ҳолда кутилган таълимий натижа қўлга киритилмаса, у ҳолда ўқув машғулоти педагог томонидан самарали, сифатли ташкил этилмаган бўлади.

7. Кейс баёни. Инновацион жараёнларни бошқариш ўз мазмунига эга. Тадқиқотчилар инновацион жараёнларни характерловчи бир қатор моделларни яратишган. Ҳар бир моделда инновацион жараёнинг у ёки бу жиҳатлари акс этади.

Кейс топшириғи. К.М.Ушаков ғоясига кўра инновацион жараёнларни бошқаришга доир моделларни ўрганиш ва ҳар бирига тавсифнома (характеристика) ёзинг:



Ўқитувчининг ечими:

1. **Инкор этиш** – ҳар қандай янгиликнинг рад этилиши, қабул қилинмаслиги.
2. **Қаршилик** – янгиликларнинг қабул қилинишига нисбатан салбий муносабатнинг мавжудлиги, янгиликларнинг қабул қилинишини хоҳламаслик.
3. **Тадқиқот этиш** – янгиликларнинг амалий аҳамиятга эгаллигини амалий изланишлар асосида ўрганиш.
4. **Оммалаштириш** – амалий аҳамияти исботланган янгиликларнинг амалиётга кенг татбиқ этилиши.
5. **Анъанавийлаштириш** – амалий аҳамияти исботланган янгиликларни амалиётда изчил қўлланилишига эришиш.

8. Кейс баёни. Ҳар қандай педагогик фаолиятнинг самарадорлиги унинг натижаси ёки натижалари билан ўлчанади. Шахс фаолияти, билими, кўникма ва малакаларини баҳолашда муайян мезонларга таяниб иш кўрилади. Мезонларнинг ишлаб чиқирилиши фаолият, билим, кўникма ва малакаларнинг объектив, ҳолис баҳоланишини таъминлайди.

Кейс топшириғи. Педагогларнинг инновацион фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқинг.

Ўқитувчининг ечими:

Педагогларнинг инновацион фаолиятини баҳолаш мезонлари

Ҳолат	Мезонлар
Педагогнинг инновацион фаолияти	<ol style="list-style-type: none">1. Янгиликлардан изчил хабардор бўлиш.2. Ўз фани бўйича янгиликларни яратиш хоҳишига эгалик.3. Ўзлаштирган ёки ўзи асосланган янгиликларни амалиётга татбиқ этишда қатъиятлилиқ кўрсатиш.4. Ўз фаолиятида инновацияларни фаол қўллаш

9. Кейс баёни. Таълим инновацияларидан самарали фойдаланишда педагогларнинг касбий маҳорати, компетентлиги, иқтидори ва иш тажрибаси алоҳида аҳамият касб этади. Педагог қанчалик даражада касбий маҳорат, компетентлик, иқтидор ва иш тажрибасига эга бўлса, у таълим инновацияларини ўз фаолиятида шунчалик фаол қўллайди ва самарали натижаларга эришади.

Кейс топшириғи. Педагогларнинг инновацион салоҳиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқинг.

Ўқитувчининг ечими

Педагогларнинг инновацион салоҳиятини баҳолаш мезонлари

Ҳолат	Мезонлар
Педагогнинг инновацион салоҳияти	<ol style="list-style-type: none">1. Янгича фикрлаш қобилиятига эгаллиги.2. Ўзини турли, айниқса, янгиликлар билан боғлиқ вазиятларда синаб кўришга интилиши.3. Ижодий фаоллик кўрсата олиши.4. Изчил равишда инновацион ғояларни илгари суриш маҳоратига эгаллиги

VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Алгоритм Algorithm	Модул таълими таркибий бўлақларининг ўзаро жойлашиши ҳамда технологик жараёни амалга ошириш кетма-кетлигининг аввалдан белгиланган тартиб-қоидалари	Rules initially established to realize an interposition of parts of module education and sequence of technological process
Аралаш модел Mixed model	Масофавий таълимнинг турли шакллари, бир неча шаклларнинг интеграциясига асосланган модел	Model based on various forms distance learning and integration of some forms
Аралаш ўқитиш Blended learning	Онлайн ўқув материаллари ҳамда ўқитувчи раҳбарлигида гуруҳда таълим олишга асосланган ўқитиш шакли	A form of teaching based on a group learning under the supervision of a teacher using online study materials
“Ассесмент” технологияси “Assessment technology”	Талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини ҳар томонлама, ҳолис баҳолаш имкониятини таъминловчи топшириқлар тўплами	A set of assignments intended for comprehensive assessment of skill and competence level of students
Ахборотли лойиҳалар Information projects	Ўқув жараёнини ташкил этиш ёки бошқа таълимий характерга эга буюртмаларни бажариш мақсадида назарий ахборотларни йиғишга йўналтирилган лойиҳалар	Projects intended for collecting theoretical information aiming at realization of scientific projects or organization of educational process
Валидация Validation	Таълим маҳсулоти, таълим хизматлари ёки таълим тизими истеъмолчилари эҳтиёжларининг қондирилиши	Satisfaction of interests of customers in educational and service system
Вебинар технология Webinar technology	Web технологиялар асоси (онлайн тадбирлар ва таълим воситалари ёрдами)да ташкил этиладиган семинар, конференция, баҳс-мунозара, учрашув, тақдимот, тренинг, турли воқеа ёқ ҳодисалар бўйича Интернет тармоғи орқали ташкил этиладиган тўғридан тўғри узатиладиган лавҳа (трансляция)лар	Broadcasting organized via Internet transmitting live seminars, conferences, debates, presentations, negotiations, meetings, trainings, various events with the help of Web technologies
Дарс ишланмаси Lesson planning	Таълимий мазмунга эга лойиҳа ва ўқитувчи томонидан тузилиши мажбурий бўлган ҳужжат	An obligatory document completed by a teacher and a project that has educational essence
Дастурий таълим Program education	1) ўқитишнинг талаба, талабалар эҳтиёжи, қизиқиши, билими, дунёқараши, улар томонидан ўқув материалларини ўзлаштиришда дуч келиш	1) education organized considering interests and needs, outlook of students, problems that appear in assimilation of study materials by students, and

	эҳтимоли бўлган муаммолар, ўқув фанининг имкониятларини инобатга олган ҳолда ташкил этиладиган таълим; 2) педагогик технологияларидан бири	opportunities of the academic subject; 2) one of the pedagogical technologies
Драматик ўйинлар Dramatic games	Психологик ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган ўйинлар	Games intended for solving psychologic and social issues
Дидактик ўйинлар Didactic games	Ўрганилаётган объект, ҳодиса, жараёнларни моделлаштириш асосида талабаларнинг билишга бўлган қизиқишлари, фаолликларини оширадиган ўқув фаолияти тури	A type of a study activity that increases activeness, interest of students in getting knowledge based on the modeling of processes, events, objects that are being studied
Ижодий лойиҳалар Creative projects	Индивидуал ёки ҳамкорлик асосида ижодий характерга эга янги таълим маҳсулотлари (ижодий ҳисобот, кўргазма, дизайн, видеофильм, нашр ишлари – китоб, альманах, буклет, альбом, босма ва электрон журнал, компьютер дастурлари кабилар)ни яратишга йўналтирилган лойиҳалар	The projects intended to creat new educational products (activity report, exhibition, design, videofilm, publishing works: books, literary miscellany, pamphlets, albums, printed and electronic journals, computer programmes) that have creative characteristics based on cooperation and individual activity
Имитацион ўйинлар Imitation games	Ишлаб чиқариш корхоналари, иш ўринлари, фирмалар, ташкилотларда ходимлар томонидан амалга ошириладиган фаолиятни имитациялаш (тақлид қилиш, кўчириш) асосида талабаларни муайян амалий ёки касбий фаолиятга самарали тайёрлашга йўналтирадиган ўйинлар	Activities aimed at effective preparing students for certain activities based on imitation of activity carried out by employees of organizations, companies, factories
Инвигилатор Invigilator	Масофавий таълим асосида ташкил этиладиган ўқитиш натижаларини назорат қилувчи мутахассис-педагог	A specialist-pedagog who controls the results of teaching in the frames of distance learning
Индивидуал таълим Individual education	Таълим жараёнида ўқитувчининг фақатгина бир нафар талаба билан ёки талабанинг таълим воситалари (адабиётлар, компьютер, телевидение, радио ва б. ахборот технологиялар) билан ўзаро ҳамкорлиги асосида ўқув материалларининг ўзлаштирилишини таъминлашга йўналтирилган таълим	Education aimed at developing of mastering skills of a student in cooperatuion with a single student or educational means (literature, computer, television, redio, etc.) during educational process
Инновацион таълим	Талабада янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор	Education that allows to develop skills and qualities f a student

Innovative education	Ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим	
Инновацион фаолият Innovative activity	Янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият	An activity carried out for solving a set of problems that occur as a result of rejecting new developing ideas or inappropriateness of new social requirements to traditional standards
Инновация Innovation	Муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгартиришга қаратилган фаолият	An activity aimed at changing the internal structure of a certain system
Интерфаол таълим Interactive education	Талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ташкил этишга асосланувчи таълим	The education based on organization of interaction in mastering by students certain moral qualities, skills and knowledge
Ишбилармонлик ўйинлари Business games	Маълум фаолият, жараён ёки муносабатлар мазмунини ёритиш, уларни самарали, тўғри, оқилона уюштиришга доир кўникма, малака ва сифатларни ўзлаштириш мақсадида ташкил этиладиган ўйинлар	Activities organized in order to master skills in running a certain activity, process or relationships and their effective and proper organization
“Кейс-стади” технологияси “Case study” technology	Муаммоли вазият; талабаларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладиган технология	A technology that forms skills in searching for proper variants by analyzing created or authentic dilemma (problematic situation) or problems
Компьютер таълими Computer education	Талабаларнинг ўқиш, мустақил таълим ва ўз-ўзини назорат қилишни ўз ичига оладиган билиш фаолиятини бошқаришда педагогнинг ахборотларни тўплаш ва узатишдан иборат фаолиятининг модели сифатида компьютер техникаси, телекоммуникация воситалари ҳамда дастурий-методик таъминот асосида ташкил этиладиган таълим	The education organized based on the computer technologies, telecommunication means and programme and methodological provision as an activity model of a pedagogue that comprises collecting and transferring information in controlling the activity of an independent education and self-control of students
Компьютер таълими технологиялари	Талабаларнинг ўқиш, мустақил таълим ва ўз-ўзини назорат қилишни ўз ичига оладиган билиш фаолиятини	A set of forms, means and methods of education organized based on the computer technologies, telecommunication

Computer education technologies	бошқаришда педагогнинг ахборотларни тўплаш ва узатишдан иборат фаолиятнинг модели сифатида компьютер техникаси, телекоммуникация воситалари ҳамда дастурий-методик таъминот асосида ташкил этиладиган таълимнинг шакл, метод ва воситалари мажмуи	means and programme and methodological provision as an activity model of a pedagogue that comprises collecting and transferring information in controlling the activity of an independent education and self-control of students
Консорциум Consortium	Масофавий таълимни ташкил этувчи икки университетдан иборат бирлашма	A union of two universities that organize a distance learning
Лойиҳалаш Projecting	Бошланғич маълумотлар, аниқ белгиланган вақт, махсус танланган шакл, метод ва воситаларга таяниб, кутиладиган натижани тахмин қилиш, башоратлаш, режалаштириш орқали аввалдан фаолият моделини тузиш, фаолият ёки жараён мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган амалий ҳаракат	An action aimed at developing the essence of an activity or process, activity model by assuming, predicting, planning an expected result based on the initial information, specifically chosen form, method and means
Лойиҳа Project	Аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини қафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишга қаратилган ҳаракат маҳсули	A result of an action aimed at developing the essence of pedagogical activity based on a certain plan, aim and by guaranteeing its effectiveness
Лойиҳа методи A method of project	Ўқув жараёнини индивидуаллаштириш, талабанинг ўзини мустақил намоеъ қилишини режалаштириш, ўз фаолиятини оқилона ташкиллаштириш ва назорат қилиш имкониятини берадиган таълим методлари мажмуи	A set of educational methods that allow individualization of educational process, independent planning of students' performance, control and proper organization of an activity
Лойиҳа таълими A study of project	Таълимий характердаги аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини қафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишга йўналтирилган таълим	Education aimed at developing the essence of pedagogical activity by guaranteeing the effectiveness of a plan and aim that have educational characteristics
Масофавий таълим Distance learning	Муайян нуқтадан ахборот-коммуникация воситалари (видео, аудио, компьютер, мультимедиа, радио, телевидение ва б.) ёрдамида таълим хизматларини кўрсатиш, таълимий маҳсулотларни тарқатиш ва етказиб беришда	Education aimed at using study resources based on innovational form, method and means in organizing study services, expanding and delivering study products with the help of certain information communication means (video, audio, computer,

	анъанавий ҳамда инновацион шакл, метод, воситаларга асосланган ҳолда таълим ресурсларидан фойдаланишга йўналтирилган таълим	multimedia, radio, television, etc.)
Масофавий таълим технологиялари Distance learning technologies	Таълимнинг белгиланган мазмун асосида амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган шакл, метод ва воситалар мажмуасидир	A set of forms, methods and means used for increasing effectiveness of education and educational process
Маҳорат дарслари Master classes	Очиқ ташкил этилиб, илғор педагогик тажрибаларни тарғиб этишга йўналтирилган самарали ўқитиш шакли	An effective form of teaching organized to spread progressive pedagogical experiences
Модератор Moderator	Масофавий таълим негизида ташкил этилаётган семинар, тренинг, давра суҳбати ва форумларга бошчилик қилувчи (бошқарувчи) педагог	A gedagog leading seminars, trainings, debates and forums organized in the frames of distance learning
Моделлаштириш Modeling	Ҳодиса, жараён ёки тизимнинг умумий моҳиятини тўла ёритувчи моделни яратиш	Developing a model that discloses principal essence of an event, process and system
Модел Model	Реал, ҳақиқатда мавжуд бўлган объектнинг соддалаштирилган, кичрайтирилган (қатталаштирилган) ёки унга ўхшаган нусхаси	A simplified or lessened copy of a real and authentic object
Модернизация Modernization	Объектнинг янги талаблар ва меъёрлар, техник кўрсатмалар, сифат кўрсаткичларига мос равишда янгиланиши	Renewal of the object according to the new requirements, quality indicators and technical regulations
Модул Module	1) тизим ичидаги ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат тугун; 2) муайян технологияни ташкил қилувчи таркибий бўлақларни ифодаловчи атама; 3) ўқув материалнинг мантиқан тугалланган бирлиги	1) units that consists of interrelated elements in the system; 2) notion meaning parts that create a certain technology; 3) logically completed units of study materials
Модул таълими A study of module	Ўқув жараёнини ташкил этишнинг муайян шакли бўлиб, унга кўра ўқув материали мантиқий тугалланган бирликлари – модулларга асосланган ҳолда маълум босқич ва қадамлар асосида ўзлаштирилади	A certain form of organization of educational process, according to which the logically completed units of study materials are mastered based on the certain stages and steps
Муаммоли вазият	Талабаларнинг маълум топшириқларни бажариш (масалани ечиш, саволга жавоб	It is a psychological state of a student that is related with tension that occurs during a process of

Dilemma	топиш) жараёнида юзага келган зиддиятни англаши билан боғлиқ рухий ҳолати бўлиб, у ҳал этилаётган масала билан боғлиқ янги билимларни излашни тақозо этади	accomplishing the assignments, and it requires to master skills, knowledge for successful and effective accomplishment
Муаммоли маъруза A problem lecture	Ўқитувчи томонидан талабани муаммоли вазият, муаммоли масалани ҳал этишга йўналтириш орқали унда билиш фаоллиятини оширишга йўналтирилган маъруза	A lecture aimed at increasing students' study activity in solving an issue or dilemma
Муаммоли таълим Problem education	Талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим	Education aimed at developing students' competence and skills in carrying out creative researches, promoting certain theories, reasoning the results, coming to some conclusions
Муаммоли таълим технологиялари Problem education technologies	талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қиладиган таълим технологиялари	The technologies that develop students' competence and skills in carrying out creative researches, promoting certain theories, reasoning the results, coming to some conclusions
Муаммо Problem	Ҳал қилиниши муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган масала	an issue that has practical and theoretical significance and needs to be dealt with or solved
Мустақил таълим Independent learning	ОТМ талабаларида педагог раҳбарлиги ва назорати остида ўқув ҳамда мутахассислик фанлари бўйича маъруза, семинар ва амалий машғулотларида эгалланган БКМни мустаҳкамлаш, бойитиш, улар томонидан янги БКМни мустақил ўзлаштирилишини таъминлаш, уларни касбий фаолиятни мустақил ташкил эта олишга тайёрлашга йўналтирилган таълим	education aimed at preparing the students of higher educational institutions for independent organization of professional activity, self-mastering and improving skills and competence obtained in lectures, seminars and practical lessons on specialized study subjects under the supervision and control of pedagogues
Новация Novation	Тизимдаги айрим элементларнигина ўзгартиришга хизмат қилувчи фаолият	An activity that serves to change certain elements in the system
Педагогик муаммо	Ҳал қилиниши зарур, бироқ, ҳали ечиш усули номаълум бўлган педагогик характердаги	A pedagogical issue that must be solved but has uncertain ways of solution

Pedagogical problem	масала	
“Портфолио” Portfolio	Автобиографик характерга эга хужжатлар тўплами	A set of autobiographical documents
Репетиторлик таълими Tutoring	Индивидуал таълимнинг энг оммалашган замонавий тури	A modern type of popular individual learning
Ривожланиш Development	Шахснинг физиологик ҳамда интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб жараён	A complicated process of qualitative and quantitative changes in individual's physiological and intellectual development
Ривожлантирувчи таълим Developing education	Талабаларнинг ички имкониятлари ривожлантириш ва уларни тўла рўёбга чиқаришга йўналтирилган таълим	Education aimed at revealing and developing students' inner capacities
Ролли ўйинлар Role-playing games	Маълум бир шахснинг вазифа ва мажбуриятларини бажаришдаги руҳий ҳолати, хатти-ҳаракатлар моҳиятини очиб беришга йўналтирилган ўйинлар	Activities that allow to explore the psychological state and actions of an individual when accomplishing the assignments and obligations
Сюжетли ўйинлар Plot games	Педагогик воқелик, ходисалар баёнининг муайян изчиллиги ва унда иштирок этаётган шахслар фаолиятининг ўзаро боғлиқлигига асосланган ўйинлар	Activities that are organized based on the interrelation of activities of individuals who participate in pedagogical situations
Тадқиқот лойиҳалари Projects of research works	Илмий изланиш характериға эга лойиҳалар	Projects that have scientific study characteristics
Таълим жараёнини лойиҳалаштириш Projecting the educational process	Ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкиллаштиришдан то оммавий баҳолашгача бўлган мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи махсус ташкил этилган мақсадли ўқув фаолияти	A targeted educational activity organized in order to develop students' skills in carrying out independent actions to plan and organize activities and its assessment
Таълим инновациялари Educational innovations	Таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар	Forms, methods and technologies that are used for innovative solutions to existing problems in learning process or educational sphere and that guarantee effective results
Таянч консепт	Назарий ўқув материали	A conspect about theoretical

Reference prospect	(ахбороти)ни графикли тасвир (қиска хулоса, тушунтирувчи сурат, шартли рамз, схема, жавал, график чизма ва б.)да ифодаловчи конспект	learning materials (information) depicted with graphic pictures (brief conclusion, explaining pictures, signs, schems, charts)
Таълим тизимини модернизациялаш Modernization of educational system	Жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий эҳтиёжларини, жамият ва давлатнинг малакали кадрларга, шахснинг эса сифатли таълим олиш бўлган талабини қондириш йўлида узлуксиз таълим тизимини барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида мавжуд механизмнинг қайта ишлаб чиқилиши ёки такомиллаштирилиши	Improving or developing an existing mechanism in order to provide sustainable development of continuous educational system that meets students' needs and interests as well as society's social, economic and cultural and country's skilled personal needs
Технологик модел (паспорт) Technological model (passport)	Таълим ёки маънавий-маърифий тадбирнинг асосий кўрсаткичлари ва уларнинг технологик тавсифини ёритувчи ҳужжат	A document that reveals main indicators of education or spiritual and educational events and their technological characteristics
Технологик харита Technological map	Таълим жараёни бажарувчи ёки маълум объектга техник хизмат кўрсатувчи педагогларга тақдим этиладиган барча зарур маълумотлар, кўрсатмаларни ўз ичига олган ҳужжат	A document that comprises all necessary information that is represented to pedagogues that lead educational process or those who carry out technical services to a certain object
Тьютор Tutor	Ўқув курслари учун интерфаол методларни танловчи, маъруза ўқитувчиси билан талаба ўртасида таълимий алоқани ўрнатувчи устоз, мураббий	A teacher, coach who uses interactive methods for courses and establishes learning communication between a student and lecturer
Узоқлаштирилган аудиториялар Distant auditoriums	Бир олий ўқув юртида ташкил этилаётган ўқув курслари, маъруза ва семинарларнинг ундан узоқ масофада жойлашган таълим муассасаларининг ўқув аудиторияларига телекоммуникация воситалари орқали синхрон телекўрсатув, видеоанжуман ва радио эшиттириш кўринишида узатилиши	A transmission of courses, lectures and seminars to classrooms or lecture halls in remote places organized in universities (colleges) via telecommunication means in the form of synchronous TV or radio programs, video forums
Фасилитатор Facilitator	Масофавий таълим хизматидан фойдаланаётган гуруҳларнинг фаолиятини натижасини муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтирувчи, гуруҳларда юзага келадиган мулоқотни ривожлантирувчи,	A teacher who helps to search for scientific solutions to the problem of the results of activities of groups that use distance learning services, and who develops communication occurring in groups, effectively and objectively assesses activity of

	шунингдек, гуруҳлар фаолиятини холис, самарали баҳоловчи педагог	groups
Франчайзинг Franchising	Ўзаро ҳамкор университетларнинг бир-бирларига ўзлари томонидан ташкил этиладиган масофавий таълим курсларини ташкил этиш ҳуқуқининг бериши	Rights that are given by partner universities to other universities for carrying out distance learning courses
Шахсга йўналтирилган таълим Student-centered education	Талабанинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инobatга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим	Education aimed at developing particular characteristics and abilities and personality of a student by considering his thinking and action strategies
Шахсни ривожлантириш Developing an individual	Индивидда вақт нуктаи назаридан жисмоний ва рухий ўзгаришларнинг содир бўлиш жараёни	A process of occurring physical and psychological changes in an individual
Эдвайзер Advisor	Битирув малакавий иши, курс лойиҳаларининг талабалар томонидан индивидуал, мустақил бажарилиши вақтида методик ёрдам берадиган маслаҳатчи	An advisor who assists in an independent accomplishment of a thesis, course projects by students
Ўйин Game	Кишилиқ фаолиятининг муҳим тури ҳамда ижтимоий муносабатлар мазмунининг болалар томонидан имитациялаш (кўчириш, тақлид қилиш) асосида ўзлаштириш шакли	An important type of individual's activity and a form or method of mastering by imitating the relationships by children
Ўйин технологиялари (ўйин таълими) Game technologies (game learning)	Ижтимоий тажрибаларни ўзлаштиришнинг барча кўринишлари: билим, кўникма, малака ҳамда ҳиссий-баҳоловчи фаолият жараёнини ҳосил қилишга йўналтирилган шартли ўқув вазиятларини ифодаловчи шахсга йўналтирилган таълим (педагогик технология) турларидан бири	One of the types of education (pedagogical technologies) aimed at creating a process of emotional and assessment activity as well as skills and competence that are the forms of mastering various social experiences by a student
Ўқув лойиҳаси Learning project	1) талабларнинг муаммоларни излаш, тадқиқот қилиш ва ечиш, натижа (ечим)ни маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усули; 2) назарий билимлар асосида амалий топшириқларни ечишга қаратилган ўқув ҳаракати воситаси; 3) ривожлантириш, тарбиялаш,	1) a method of organizing an independent learning activity carried out by students for searching, studying and solving the problems and representing a result in the form of a product; 2) means of learning activities carried out by students for accomplishing the practical assignments based on theoretical knowledge; 3) a didactic mean that

	таълим бериш, билимларни бойитиш, мустаҳкамлаш ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган дидактик восита	developes, educates, increases knowledge and develops skills, competence
Ўқув топшириқлари Study assignments	Ўрганилаётган мавзу бўйича талабалар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалар даражасини аниқлашга хизмат қиладиган таълимий вазифалар йиғиндиси	A set of learning assignments that allows to identify the level of knowledge, skills and competence of students on a certain subject
Ҳамкорлик таълими Cooperation education	Ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик гуруҳ ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзлаштиришлари, ўзаро ривожланишлари, “педагог-талаба(лар)” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини ифодаловчи таълим	Education based on cooperation of a teacher and student, and cooperation of students for mastering learning materials and improving in a team, small groups or in pairs in a learning process
Ҳамкорлик таълими технологиялари Cooperation education technologies	Ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик гуруҳ ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзлаштиришлари, ўзаро ривожланишлари, шунингдек, “педагог-талаба(лар)” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини таъминловчи таълимий характердаги технологиялар	Educational technologies that allow to establish relationships based on cooperation of a teacher and student, and cooperation of students for mastering learning materials and improving in a team, small groups or in pairs in a learning process

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гаровидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
6. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон, 2008
8. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2011.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон мутақилликка эришиш оstonасида. Т.: Ўзбекистон, - 2011.
10. Каримов И.А. Она юритимизнинг бахту иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.: Ўзбекистон, 2015.

II. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

11. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018, 40-бет.
12. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Т, 1997.
13. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". Т, 1997.
14. "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 2016 йил 14 сентябрь, ЎРҚ-406-сон.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947- сонли Фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида" Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4210-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сон Фармони.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли Қарори.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ- 5789-сонли Фармони.

III. Махсус адабиётлар.

24. Albert R.S., Runco M.A. Theories of creativity. – London: Newbury Park, 1990.

25. Albert R. S., Runco M.A. A History of Research on Creativity. – Cambridge: Cambridge University press, 1999. Pp. 16-31.

26. Amabile, T. M. Within you, without you: The social psychology of creativity, and beyond. – London: NY, 1990. Pp. 61-91.

27. Bishop J. Psychological sense of community: research, applications, and implications. – London: Kluwer Academic/Plenum. 1990. – 339 p.

28. Bottino R.M., Forcheri P., Molfino M.T. Technology Transfer in School: from Research to Innovation // British Journal of Educational Technology. 1998. № 29 (2). Pp. 163-172.

29. Cropley A., Cropley, D. Using Assessment to Foster Creativity. – Singapore: World Scientific. 2007. Pp. 209-230.

30. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.

31. Барышева Т.А., Жигалов Ю.А. Психолого-педагогические основы развития креативности. – СПб.: СПГУТД, 2006.

32. Башина Т.Ф., Ильин Е.П. Психология творчества, креативности, одаренности. – СПб.: Питер, 2009.

33. Воинова М.Г. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2006.

34. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 81-б.

35. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари /Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети тингловчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун услубий тавсиялар. – Т.: ТДПУ, 2004.

36. Ёўлдошев Ж.Ф., Усмонов С. Илғор педагогик технологиялар. – Т.: Ўқитувчи, 2004.

37. Монахов, В.М., Бахусова, Е.В., Олейникова, И.А. Педагогическая технология В.М.Монахова от А доЯ: самоучитель проектирования учебного процесса: Липецк: ИРО, 2007.

38. Одарённые дети (Пер. с англ.). – М.: Прогресс, 1991. – С. 177-178.

39. Педагогика назарияси / Дарслик. Муал.: М.Х.Тохтаходжаева ва б. Проф. М.Х.Тохтаходжаева тахрири остида. – Т.: “Iqtisod-moiya”, 2010. – 136-140-б.

40. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Мет. қўлл. У.И.Иноятлов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иноғомова. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2012. – 193 б.

41. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши.: Насаф, 2000.

42. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013. – 115 б.

43. Савельева М.Г. Педагогические кейсы: конструирование и использование в процессе обучения и оценки компетенций студентов / Учеб.-мет.пособие. – Ижевск: ФГБОУВПО “Удмуртский университет”, 2013. – С. 9.

44. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003.

45. Сборник кейсов для вузов по дисциплинам гуманитарного и социально-экономического цикла / Учеб. мет. пособие. – СПб.: Изд-о Санкт-Петербургского университета управления и экономики, 2015. – С. 3

46. Сиротюк Ф.С. Диагностика одарённости / Учеб. пособие. – М.: Директ-Медиа, 2014. – 1229 с.

47. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбикий асослари – Т.: 2006.

48. Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008. – 38-42-б.

49. Утёмов В.В., Зинковкина М.М., Горев П.М. 3. Педагогика креативности: прикладной курс научного творчества / Учеб.посбоие. – Киров: АНОО “Межрегиональный ЦИТО”, 2013. – 212 с.

Интернет ресурслари

50. Aho E. Creating an Innovative Europe: http://ec.europa.eu/invest-in-research/pdf/download_en/aho_report.pdf.

51. Ala-Mutka K. Social Computing: Study on the Use and Impacts of Collaborative Content, <http://ftp.jrc.es/EURdoc/JRC47511.pdf>.

52. Ala-Mutka K., Punie Y., Redecker C. (2008a). Digital Competence for Lifelong Learning: <http://ftp.jrc.es/EURdoc/JRC48708.TN.pdf>.

Иловалар

Дизайн-мышление – это творческий процесс поиска решений



Чарльз Бёрнетт

С помощью него мы можем проектировать всё, что угодно

IDESIGN Seven ways of design-thinking

Международный Эриксоновский Университет коучинга, www.erickson.ru

6 этапов дизайн-мышления



- **Синергетика** или **теория самоорганизации** сегодня один из наиболее популярных и перспективных междисциплинарных подходов - **новая научная парадигма**.
-
- Термин "**синергетика**" (synergeia (греч.) - **энергия совместного действия, сотрудничество**) был предложен в начале 70-х годов немецким физиком **Германом Хакеном** в двух смыслах:
 - - с одной стороны **кооперативное действие** элементов сложной системы;
 - - с другой - **сотрудничество** учёных разных областей знания.
- Для обозначения синергетики используют и др. термины: "X-наука", "нелинейная динамика" "теория хаоса" или "наука о сложном".

Применения метода SCAMPER на примере тура

Приём	Пример
Замена	Виртуальные туры
Соединение	Работа +отдых = Work and Travel
Перестройка (адаптация и модификация)	Туры для слепых
Новое применение	Использование туристов как курьеров
Удаление	Туристы сами добираются до места отдыха
Инверсия	«Туризм на диване»: «туристы» ни куда не едут, к ним приезжает человек и всё красочно рассказывает, монтирует фотографии с их участием...
Гиперболизация (преувеличение или приуменьшение)	Замена 7 и более дневного тура 2-3 дневным краткосрочным туром выходного дня или же, наоборот, многомесячным путешествием



YOSHLAR MA'NAVİYATINI YUKSALTIRISH VA ULARNING BO'SH VAQTINI MAZMUNLI TASHKIL ETISH BO'YICHA 5 TA MUHIM TASHABBUS!

BIRINCHI TASHABBUS

Yoshlarning musiqa, rassomlik, adabiyot, teatr va san'atning boshqa turlariga qiziqishlarini oshirishga, iste'dodini yuzaga chiqarishga xizmat qiladi

IKKINCHI TASHABBUS

Yoshlarni jismoniy chiniqtirish, ularning sport sohasida qobiliyatini namoyon qilishlari uchun zarur sharoitlar yaratishga yo'naltirilgan

UCHINCHI TASHABBUS

Aholi va yoshlar o'rtasida kompyuter texnologiyalari va Internetdan samarali foydalanishni tashkil etishga qaratilgan



BESHINCHI TASHABBUS


Xotin-qizlarni ish bilan ta'minlash masalalarini nazarda tutadi

TO'RTINCHI TASHABBUS

Yoshlar ma'naviyatini yuksaltirish, ular o'rtasida kitobxonlikni keng targ'ib qilish bo'yicha tizimli ishlarni tashkil etishga yo'naltirilgan


ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ (ЎШГА НИСБАТАН)



ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ (ЁШГА НИСБАТАН)




ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

БОШҚАРУВ ПЕРСОНАЛ ХОДИМЛАРИ Сони



ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР Сони



	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
Профессор-ўқитувчилар сони	23 368	24 904	25 354	25 696
Шу жумладан:				
Фан докторлари (Ds+Phd)	1 415	1 552	2 118	2 424
Фан номзодлари	6 451	6 545	5 774	7 119